

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ

Маърузалар матни

Қарши - 2008

“Туркий халқлар адабиёти” фани 2000-2001 ўқув йилидан бошлаб Республикамиз олий ўқув юртлирининг филолог мутахассисларига алоҳида фан сифатида ўтиб келинмоқда. Ҳозирча бу фан юзасидан дарслик йўқ, лекин Самарқанд давлат университетининг доценти Ҳамид Абсамиевнинг муаммоли маърузалар матни бўлса – да, буни яна ҳам тўлдирмоқ зарурга ўхшайди.

Ушбу маърузалар матни туркий халқларга оид турли маълумотлардан фойдаланиб тузилди.

**Тузувчи : Қарши давлат университетининг катта ўқитувчи
А.Ҳамдамов.**

Қарши давлат университети 2008

Кириш

Мустақиллик даври мафкураси ўтмишни ўрганиш, тарихни тушуниш, бугунни англаш, истиқболни идрок этиш борасида ҳам ўзгаришларни тақозо этмоқда. Эндиликда умуминсоний қадриятларнинг муштарак қисми бўлган жаҳон адабиёти тарихини, ундаги бугунги ўзгаришларни янгича нуқтаи назар билан таҳлил қилиш зарурий эҳтиёжга айланди. Жаҳон адабиётининг муштарак қисми бўлган туркий халқлар адабиётини янгича давр талаблари асосида ўрганиш инсоният маданияти, бадий тафаккури тарихи ҳақидаги тасаввурларни теранлаштиради. Қондош, диндош, тилдош халқлар адабиётини билиш қадим тарихнинг моҳиятини идрок қилишга асос бўлади. Аждодларнинг эзгулик йўлидаги интилиларидан хабардор бўлиш, халқларнинг кўҳна ва замонавий адабиёти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш кишиларнинг қалбида умуминсоний қадриятларга муҳаббат туйғуларини улғайтиради. Инсонпарварлик туйғуларига йўғрилган турли халқлар адабиётини ўқиш, ўрганиш, улардаги баркамол асарлардан таъсирланиш ёшларни ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Туркий халқлар адабиётининг мумтоз намуналари эса аввало ўзида инсонпарварлик ғояларини улўглаши билан эътибор топган. Талабаларни бу адабиётда азалдан устувор бўлиб келган ана шу каби тамойиллардан хабардор қилиш, уларнинг дунёкараши кенг, миллатпарвар шахс сифатида камол топишига муайян таъсир кўрсатиш “Туркий халқлар адабиёти” фанининг асосий мазмунини ташкил қилади. Туркий халқлар адабиёти қадимий бўлиши баробарида, кўлами миқёси жиҳатидан ҳам устувордир. Дунёдаги ўттиздан ортиқ тиллар туркий тиллар гуруҳига мансубдир. Тил эса адабиётнинг унсуридир. Жаҳонда ўттиздан ортиқ туркий халқ мавжуд. Бу халқларнинг ҳар бири ўзига яраша муайян адабиётга эга. Бироқ туркий халқлар орасида озарбайжон, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва қорақалпоқлар нуфузи, тарихи, ижтимоий сиёсий мавқеи, маданияти даражаси жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Кўрсаткич мақсади умуминсоний қадриятларни, туркий халқларнинг жаҳон маданияти тараққиётидаги муносиб ўрнини англайдиган, маънан баркамол шахсни шакллантириш. унинг дунёкарашини бойитишдир.

Кўрсаткич вазифаси эса талабаларни туркий халқлар адабиёти тараққиёти йўллари билан таништириш, бу адабиётнинг энг баркамол асарлари хусусида кенг тасаввур пайдо қилиш, халқлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик имкониятларини англаштириш ҳамда шу асосда адабиёт ҳодисаларини таҳлил қила биладиган, ўз фикрларини оғзаки ҳолда, ёзма тарзда тўғри ва равшан ифода қила оладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Туркий халқлар адабиёти дунё адабиётининг энг кўҳна адабиётларидан биридир. Бу адабиётнинг фольклор ва ёзма дурдоналари жаҳон халқлари маънавиятини юксалтириш, кишилар қалбига инсонпарварлик ғояларини сингдиришга муносиб таъсир кўрсатган. “Манас”, “Алпомиш”, “Тўрғўли”, “Қўрқут ота китоби” сингари халқ достонлари, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Навоий, Румий, Абай, Мухтор Аvezов, Бердак, Чингиз Айтматов, Махтумқули сингари турли даврларга мансуб туркий адиблар ижоди дунё адабиётининг мумтоз асарлари ҳисобланади.

XIX аср охири XX аср бошларида туркий халқлар адабиётининг шаклланиши. Миллий истиқлол, эрк ва озодлик ғояларининг илм-маърифат ғоялари билан уйғунлашуви.

Фаннинг бошқа фанлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги.

Туркий халқлар адабиёти фани психология, педагогика, социология, тарих фанлари билан алоқадорликка эга ва унда ўрганиладиган масалалар бу фанлардаги муаммолар билан боғланади. “Туркий халқлар адабиёти” жаҳон адабиёти ва янги давр адабиётини ўрганиш учун кўприк вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда истиқлол туфайли турк эллари адабиётини яхлит ўрганиш имкониятига ега бўлдик. Маълумки, келиб чиқиши бир – бирига яқин, қариндош бўлган халқларнинг тарихий илдизлари, маданияти, ривожланиши бир илдизга бориб тақалади: Бу халқларнинг урф-одатларида, расм-русумларида, халқ оғзаки ижода бир-бирига ўхшаш ҳолатлар жуда кўп кўзга ташланади. Албатта, тарихий тараққиёт туфайли, кейинроқ айрим фарқлар ҳам вужудга келган. Жумладан, биз ўрганаётган турк эллари адабиёт ҳам худди шундай тарихий тараққиётини бошидан кечирган. XX аср бошларида ота-боболари бир бўлган турк қавмларини бирлаштириш, уларнинг алоқфларини мустаҳкамлаш учун кўп

ҳаракатлар бўлди. Лекин бу ҳаракатлар турли реаксион кучлар томонидан қаршиликларга учради. Бу кучлар туркий халқларнинг ўрталарига низолар солишга ҳаракат қилди, турк қавмларини бирлашишга чорлаган зиёлиларни “пантуркистлар”, “ашаддий миллатчилар” деб айбладилар. Жумладан, жадид ёзувчилардан бўлган Фитрат, Чўлпон, Қодирий сингари буюк ижодкорларни худди шу айблар билан йўқ қилдилар. Тарихда Сталин репрессияси деб номланган 1937 йилдаги қатағоннинг энг оғир даҳшаиларини турк қавмлари ўз бошидан ўтказди. Туркий қавмларнинг бирлашишига тўсқинлик қиладиган жуда лўп факторлар мавжуд. Булар, биринчидан, майда миллатларни мустамлака қилиб олиш учун интилаётган импуреалистик давлатлар сиёсати бўлса, иккинчидан, туркий қавмларнинг ўзидаги ички зиддиятлардир. Булар жаҳолатда қолган, худбин, узоқни лўра билмайдиган сиёсатдонлардир. Айниқса, собиқ Шўро ҳукмати даврида туркий қавмларнинг лўпчилиги мустамлака ҳолатида эди. Ҳаммага аёнки, мустамлакачи мамлакатлар қардош халқларнинг бирлашишига доимо тўсқинлик қилиб келган. Юртимиз истиқлолга эришгач, ана шундай тўсиқлар ўз-ўзидан йўқолди. Энди бу келиб чиқиши бир-бирига яқин бўлган халқлар ўртасида тинч-тотувлик, иқтисодий-сиёсий ва маданий алўқаларни мустаҳкамлаш имконияти туғилди.

Маълумки, туркий қавмлар деганда биз ўзбек, қазоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур, тотор, бошқирд, чуваш, озарбайжон, қорачой, турк, галауз, қўмиқ, балқар каби ўттизга яқин миллатларни кўзда тутишимиз керак. Бу миллатлар эса Евро – Осиё матуригининг каттагина қисмида жойлашган ҳудудларда ҳаёт кечиради. Ана шу қариндош халқларнинг адабиётини бир бутун ҳолда яхлит ўрганиш, уларнинг ижтимоий – маънавий ҳаётини яқиндан англашга ёрдам беради. Юқорида кўрсатилган халқларнинг энг қадимги адабий-маданий ёдгорликлигига эътибор берсангиз, уларнинг қарийб бир-бирига ўхшаш асарларнинг вариантларига дўч келасиз. Масалан, “Тўрўғли” туркумидаги дostonларнинг Усмонли туркларда, озарбайжон, туркман ва ўзбекларда бир қанча вариантлари учрайди. “Алпомиш”, “Манас”, “Дада Қўркут” каби дostonлар ҳақида ҳфъ шуни айтиш мумкин. Бундай ҳолатни биз фақат дoston жанридаги асарлар мисолида эмас, балки халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида ҳам кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, Насриддин афанди ҳақидаги латифалар турк, озарбайжон, туркман, ўзбек халқ ижодида лўплаб учрайди. Қадимда қуйланган турли маросим ва меҳнат қўшиқлари, мақоллар ва эртаклар ҳақида ҳам шундай ҳолат кўзга ташланади. Дунёдаги барча халқлар, ўзларининг келиб чиқиши тарихи ҳақида турли афсона ва ривоятлар, нақллар тўқиган. Турк қавмлари ҳақида ҳам бундай ривоят ва афсоналар куп учрайди. Тотемистик характердаги манбаларнинг айримларида туркларнинг бўрига сиғинганини, бўрини ўзининг авлоди деб билгани ҳақида маълумотлар берилган. Бу афсонада ҳикоя қилинишича, душманлар билан тенгсиз жангда ҳалок бўлган турк уруғидан битта ўғил бола тирик қолади. У бола ҳам қаттиқ ярадор бўлган. Бир она бўри уни ғорга олиб бориб тарбиялайди. Ана шу бола вояга етгач, ундан ўнта ўғил бола туғилади, булар ўнта турк уруғининг асосчилари бўлади. Қадимги турк уруғидан бўлган Ашина қабиласининг байроғида бўри қалласининг тасвири бўлган. Туркий халқларнинг келиб чиқиши бўйича “Алан Қува” тўғрисидаги афсона ҳам диққатга сазовордир. Бунда Алан Қува номли туркларнинг энг катта онаси сифатида тасвирланган. Бунда айтилишича, Алан Қува жуда ақлли, тадбиркор, меҳр ибор аёл сифатида тасвирланган. Мазкур афсонада барча турк қавмлари Алан Қува фарзандлари дейилган.

Ҳозиргача бизга энг қадимги ёдгорлик сифатида Урхун Енисей битиклари ўргатилад эди. Ҳақиқатан ҳам ушбу битиклар бизгача тўлиқ етиб келган яфғона ёдгорлик ҳисобланади. Маълумки, мазкур битиклар XVIII аср охилари ва -XIX аср бошларида Урхун ва Енисей дарёлари соҳилларидан топилган бўлиб, улар V-VII асрларда яшаган туркий халқларга тааллуқлидир. Улар турк руний ёзувлари деб ҳам юритилади.

Маълумки, V-VII асрларда Марказий Осиёда турк ҳоконликлари ҳукмрон бўлган. Бу ҳоконликларнинг бошлиқларидан бўлган Билга ҳокон ва унинг укаси Қултегинлар туркий халқларни бирлаштириш учун катта ишларни амалга оширишган. Ана шу турк ҳоконларининг қабр тошларига ёзилган битиклар бизгача тўлиқ етиб келган. Бу ёзувларни рус ва чет эл олимлари ўқиш учун қарийб 100 йил вақт сарф қилди. Ниҳоят бу сирли ёзувни даниялик олим Вю Томсен биринчи бўлиб ўқишга муваффақ бўлди. Бу ёзувларда туркий халқларнинг давлат қуришдаги олиб борган курашлари ҳикоя қилинган.

Биринчи маъруза: Озарбайжон адабиёти. (2 соат)

Режа

1. Озарбайжон халқи тарихи ва фольклори
2. Видодий ва Воқиф ижоди
3. “Қўрқут ота китоби” ҳақида

Таянч сўз ва иборалар: Халқ оғзаки ижоди, Видодий ва Воқиф, “Тўрўғли”, Низомий-Ганжавий, “Хамса”, “Қўрқут ота китоби”, Жанубий Озарбайжон.

Озарбайжон халқи тарихи ва фольклори. Озарбайжон халқи Кавказ ва Кавказ ортида яшовчи халқлар орасида қадимий маданият тарихи ва бой адабиётга эга бўлган халқлардан биридир (озарбайжон тили туркий тиллар оиласига мансубдир). Унинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт шаклида яратилган энг қадимги намуналарида одамийлик, ҳақиқат ва адолат учун кураш, меҳнатга муҳаббат ва қардош халқларга ҳурмат сингари олижаноб туйғулар ўз ифодасини топган.

Турли-туман адабий жанрларда яратилган халқ ишқий-қаҳрамонлик дostonлари, эртаклари, маросим ва муҳаббат кўшиқлари, шунингдек, халқ латифалари ва мақолларидан иборат фольклор асарлари турли тарихий даврларда яратилиб, оғиздан оғизга кўчиб, бизгача етиб келган. Булардан энг машҳурлари “Қўрқут ота китоби”, “Кўр ўғли” эпослари, “Ошиқ Ғариб”, “Шоҳ Исмоил”, “Асли ва Карам” ишқий дostonлари, Мелик-Мамед ва Кал Аҳмад саргузаштларидан ҳикоя қилувчи кулгили-эртақлар, инсоний муҳаббатни олқишловчи тўртлик баётлардир. Халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олиш ва ўрганиш ишлари Озарбайжонда V асрлардан бошланган. Озарбайжон халқ оғзаки ижоди ва қадимий ёзма адабиёти билан Марказий Осиёда яшовчи ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг адабиёти ўртасида бир-бирига ўхшаш жуда кўп анъаналар мавжуд. Кейинчалик озарбайжон адабиёти ва ўзбек, тожик, туркман, қозоқ адабиётларининг йирик вакиллари ижодида ҳам ўзаро алоқа ва таъсир турли-туман шаклларда давом этиб келди.

Гениал ўзбек шоири А.Навоийнинг ўлмас “Хамса”си (XV аср), тожик шоири ва мутафаккири Жомийнинг яратган “Ҳафт авранг”и (XV аср) уларнинг буюк Низомий-Ганжавий яратган “Панж ганж”дан баҳраманд бўлганликлари туфайли юзага келгани буюк озарбайжон шоири Фузулийнинг ўйноқи ғазаллари, бадий юксак “Лайли ва Мажнун” дostonи Алишер Навоий ижоди таъсири остида яратилган.

“Қўрқут ота китоби” тахминан VII–VIII асрларда, ҳали озарбайжон тилида ёзма адабиёт унча тараққий этмаган бир шароитда, она тилида ижод этилган йирик бадий асар сифатида катта аҳамиятга эга. Унинг 12 қиссасида ўғиз-туркий қабилаларнинг ўз мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашлари тасвирланган.

Озарбайжонда VII–VIII асрларда араб тили, IX асрдан бошлаб эса форс тили расмий давлат тили ҳисобланганлиги туфайли Исмоил Яссор (VII аср), Аҳмад Табризий (X аср), Баҳманёр Али Бокуйи, Хатиб Табризий (XV аср) каби ўнлаб озарбайжон шоирлари ўз асарларини араб ва форс тилларида ёздилар. Кейинчалик бу анъанани озарбайжон шоирларидан Ҳоконий-Шервоний, Низомий-Ганжавий, Муҳаммад Фузулий ва Мирзо Фатали Охундовлар ҳам давом эттирдилар. Бу сўз санъаткорлари яратган асарлар табиий озарбайжон адабиёти маҳсулидир. Чунки турли тарихий шароитда яшаб қалам тебратган бу шоирлар ижодида Озарбайжондаги турли ижтимоий табақаларнинг ҳаётини акс эттириш асосий ўрин тутган эди.

XI–XII асрларга келиб араб истилочилари таъсирининг кун сайин сусайиши натижасида Озарбайжонда мустақил маҳаллий феодал давлатлари юзага келди. Бу феодал давлатларда ўзига хос сарой адабиёти шаклланди, қасида ва ғазал жанрлари раванқ топди.

XII аср озарбайжон поэзиясининг гуллаб-яшнаши, шубҳасиз, Низомий-Ганжавий номи билан боғлиқдир. Чунки Низомий-Ганжавий ўз лирикаси ва хамсачиликка асос солган беш гениал дostonида Шарқ поэзияси эришган ютуқларга якун ясади ва поэзия тараққиётида узоқ асрлар салмоқли роль ўйнаган янги анъанани бошлаб берди.

Видодий ва Вокиф ижоди. XVIII аср халқ поэзиясининг энг яхши хусусиятларини ўз ижодига сингдирган атоқли озарбайжон шоирлари эдилар. Вокеликни ҳаққоний акс эттириш, халқ орзу-умидларига яқинлик ҳамда шеърни ниҳоятда содда ва халқчил услубда ёзиш бу икки дўст ва маслакдош шоир ижодининг фазилати эди. Ҳар иккала шоирнинг ҳам лирикаси халқ оғзаки ижодининг бой хазинасидан озиқланди. Аммо уларнинг шоирлик тақдири бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, Видодийга ҳаёт аччиқ-чучуклари қаттиқ ботгани учун у фоний дунёнинг турли-туман масалалари ҳақида қайғуриб, хаёл сурди. Видодий ҳаётда жуда қийналиб яшади, у мавжуд сиёсий тузум билан келишолмади. Шунинг учун унинг асарларида ҳасрат ва надомат мотивлари етакчи ўринда туради. Шоирнинг “Турналар”, “Йиғлайсан” каби асарлари ва Вокифга юборган шеърини мактубларида бу айниқса кўзга яққол ташланади.

Меҳнаткаш оилада туғилиб вояга етган, ўз ақл - идроки билан вазирлик даражасига кўтарилган Мулло Паноҳ ўғли Вокиф ижодида эса асосан ҳаётбахш рух ҳукирон эди. Шоир ҳаёт гўзаллигини мадҳ этиб, инсон шу дунёда ҳам бахтли яшаш мумкин деб, ўша даврдан тушқинлик кайфиятидаги шеърятга қарши борди. Мулло Паноҳ Вокиф Озарбайжоннинг Қозоқ районидаги Салоқли қишлоғида туғилган. Ёшлигида ўз даврининг машҳур олимларидан дарс олган. Кейинчалик унинг оиласи Шуша шаҳрига кўчиб борган. Вокиф бу ерда ўқитувчилик қилган, тез орада унинг машҳур шоир билимдон ва донишманд киши эканлиги Шуша хони Иброҳимбекка етади. Уни саройга ишга таклиф қилади. Шоир Иброҳимбек салтанатида бош вазир даражасига ишлашга муваффақ бўлади. Тарихий воқеалар ва урушлар туфайли Иброҳимбек Шושани ташлаб кетадию унинг ўрнини эгаллаган амакиваччаси Муҳаммад Жавоншир Вокифни ўғли Алиоға билан бирга дорга осиб қатл этилади.

Вокиф Озарбайжон адабиётида романтик поэзиядан реалистик поэзияга ўтган биринчи ижодкордир. Унинг шеърларини кўрчилиги содда, халқ руҳига яқин бармоқ вазнида ёзилди. Улар мазмун жиҳатидан ҳам қўшиқларига яқин туради. У оддий меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида ёзди. Ваҳолангки, бу давр озарбайжон шоирларининг кўпчилиги ишқ-муҳаббат темасида асарлар ёзар эди. Вокиф эса ана шу қотиб қолган анъана қобиғидан биринчи бўлиб чиққан шоирлардан.

Байрам келди, найлашимни билмайман
Бизинг уйда тўлиқ жувол ҳам йўқдир.
Дон ҳам, ёғ ҳам аллақачон туговди,
Этни-ку кўрмаймиз, мўжол ҳам йўқдир.
Бизнинг бу дунёда на молимиз бор
Ва на уйда соҳибжамолимиз бор
Вокиф, чиранмаки, камолимиз бор,
Худоба шукурки, хамол ҳам йўқдир.

Кўриниб турибдики, шоир меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволини тасвирлаб, ўзини ҳам улар билан бир қаторда ҳисоблаяпти. Шоирнинг “Бок”, “Кўрмадим” номли шеърларида ҳам адолатсиз замондан шикоят мотивлари кўзга ташланиб туради. Вокиф ғазалларида асосан Шарқ ғазалчилиги анъанаси давом эттирилган. Ишқ-муҳаббат мавзуидаги ғазаллар асосий ўринни эгаллайди. Шоир бу ғазалларида дунёвий ишқни кўпроқ қуйлайди.

Севиқлим, бу назокатда гулу раънодан ортиқсан
Санобар, сарви шамшод, тўбийи зебодан ортиқсан.
Қошинг тоқин қўйиб, меҳробга мен қилмадим сажда,
Ки сен юз мартаба ул каъбайи улёдан ортиқсан.
Менам Вокифману – Фарҳод ила Мажнундан аъломан,
Агар сенсан – ўшал Ширин ила Лайлодан ортиқсан.

Шоирнинг ушбу шеъри ҳам классик традицион жанрда ёзилган. Унда қофия, радиф ва вазнлар маълум тартиб – қоидаларга риоя қилинган. Лекин ғазалда маъшуқа сифатлари хатто Каъбадан юз марта ортиқсан деб тавсифланаяпти. Бу ўша даврда катта жасорат эди.

Бундай сўзларни мусулмон дунёсидаги шоирлар камдан-кам ишлатган. Бу шеърлар қандайдир томони билан ўзбек халқининг исёнкор шоири Машраб шеърларига ўхшаш жиҳатлари бор.

« **Кўрқут ота китоби** » ҳақида. Дўстлик, биродарлик ҳамма замонлар учун муқаддас тушунчалардан бўлиб келган. Пайдо бўлибдики, барча жамиятларда оддий бир шахсдан тортиб, буюк мутафаккиргача, кичик бир қишлоқдан то бутун мамлакат доирасигача бани инсоният дўстликка топиниб, дўстликка сиғиниб, дўстликни улуғлаб келади. Лекин одамзот тирикчилигининг қизиқ ўйинларини қарангки, ўзаро икки киши муносабатидан тортиб, каттаю кичик давлатлараро доимо худди шу муқаддас нарсанинг етишмовчилигидан озор чекамиз. Борлари кўзларга тўтиё, йўқлари дилларга армондир. Шундай экан, дўстликни, қардошлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ҳар қандай иш эъзозлидир.

Таржимачилик- кўшқанотли ҳодиса. У бир томондан халқлараро дўстликни мустаҳкамлайди, иккинчи томондан янги таржима шу асарга эга бўлган халқнинг миллий онгини, маданиятини янада ривожлантиради. Шу маънода ҳар қандай босқичдаги цивилизацияда таржимачиликнинг роли каттадир. Ким билсин, мутаржимларнинг камтарона ва ҳокисор меҳнати таъсирисиз Ғарбу-Шарқдаги Уйғониш давлари вужудга келармиди, йўқми? Таржима асарлар шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлмай, бунинг учун ниҳоятда муҳим субъектив ва объектив факторлар, шарт-шароитлар бўлиши зарурлигини ҳам таъкидлаш керак. Биринчидан, жаҳон адабиётининг, айтайлик, мукаммал ва нодир асарини ўз она тилига таржима этмоқ учун, авваламбор, мутаржим ўзидаги илоҳий салоҳият нуқтаи назаридан бу ишни амалга ошира олиш даражасига етган бўлиши керак. Иккинчидан, таржима қилинаётган асардаги дард билан таржимон дардлари бир нуқтада учрашган ва уйғунлашган такдирдагина бу асар янги заминда ўзига хос машъала бўла олади. Учинчидан, бу асар таржима қилинаётган халқ учун муайян хоҳишлар ҳосиласигина эмас, бамисли аслиятдаги каби эҳғиёж фарзанди бўлгани чоғдагина кутилган натижаларни бериши мумкин.

«Кўрқут Ота китоби» жаҳон халқлари оғзаки ижодида «Манас», «Алпомиш», «Калевала»лар билан бир сафда туради. Ҳозирги Озарбайжон, Туркман турк халқларининг аجدодлари бўлмиш Ўрта асрлардаги ўғузлар ҳаёти, тарихи бадиий акс эттирилган бу асарда Ўрта Осиёнинг бошқа туркий халқлари ҳаётига муштарак бўлган манзаралар, элементлар ҳам мавжуд.

VI- VIII асрлар мобайнида яратилиб, XV асрда тартиб берилган, ўн икки ҳикоятдан ташкил топган мазкур асарда бу даврдан аввалги босқичларга, хусусан, исломгача бўлган тарихга оид туркий халқларнинг ҳаёти, этник ҳодисалар ҳам ўз ифодасини топган.

Достоннинг бошидан охиригача қаҳрамонлик пафоси ҳукм суради. Шу маънода у кўрқоқлик, ношудлик, сотқинлик, худбинлик ва ҳар қандай зўравонликларга қарши айбномадай ўқилади. Эпоснинг рус тилидаги тўла нашри 1962 йилда машҳур рус олими В.В.Бартольд қўлёзмалари асосида академиклар К.М.Жирмунский ва А.Н.Кононовлар томонидан амалга оширилган. Озарбайжонда «Кўрқут Ота китоби» 1939 йилдан бери нашр этиб келинади. Китобда юқори синф манфаатларини ҳимоя қилувчи ғоялар, ислом дини идеологиясини тарғиб қилувчи фикрлар, мусулмонларнинг ғайри-динларга қарши курашини ва юришини ҳамда бунинг аксини тасвирловчи эпизодлар оз эмас. Бу нарсаларни ҳозирги ўқувчи асар яратилган давр ва унинг мафкурасидан келиб чиқиб, баҳоламоғи, уларга тарихийлик нуқтаи-назардан муносабатда бўлмоғи керак. Зеро, китобнинг қимматини улар белгилamayди.

Асарнинг айрим саҳифаларида «ғажар», «ғайриддин», «аллайҳис-салом» каби диний терминлар ва сўзлар учраши табиий. Эпоснинг бош мақсади қаҳрамонликка чорловдир. Зеро, академик Ҳамид Орасли таъкидлаганидек, «Бу достонда ислом динининг таъсири оздир»... Унда инсонлар оллохдан кўра табиатга инониб, табиат кучларига эътиқод боғлаганлар. Асарда асосан Ўғуз ўғлонлари билан бир қаторда аёлларнинг ҳам журъат ва жасоратларини кўрсатишга, оила ҳамжиҳатлиги ва муҳаббат адоларининг гўзаллигини куйлашга асарда алоҳида эътибор берилади.

Кўрқут Ота китобнинг бош қаҳрамони эмас, лекин унинг фикрлари, фикрларининг тимсоли, жами ҳодисалар ва қаҳрамонлар такдирида тутган ўрнига кўра у бутун асарни бирлаштириб турувчи қаҳрамон ролини ўйнайди. Кўрқут Ота хон, бекларгина эмас, халқнинг ҳам доно маслаҳатчиси. У бамисоли адолат тимсоли, рўёбга чиқажак орзулар

даракчиси, бахт ва бахтсизликни оддиндан айтиб берувчи закий. Шу маънода у Шарқ ва Ғарбдаги жаҳон халқлари оғзаки ижоди қаҳрамонлари Хизр ва Эзопни хотирамизга келтиргандек бўлади. Эзопга ўхшаб Қўрқут Отани ҳам айрим тарихчи олимлар тарихий шахс бўлганини айтадилар. Ҳатто унинг ҳозирги Қозоғистон ҳудудида қабри туширилган фотосуратлар мавжуд. Айрим манбаларда уни ҳатто деярли уч юз йил яшаган тарихий шахс деб кўрсатадилар. Рашидиддин Абулғози сингари машҳур тарихчилар, Навоий сингари буюк санъаткорлар у ҳақда ҳаяжонли фикрлар айтишган.

Мазкур китобда ҳам Қўрқут Отанинг ўзи ўлмас, абадий ҳаёт қолувчи қаҳрамон сифатида талкин қилинади. Бу аслида мазкур асарни яратувчи халқ орзуларининг ифодасидир.

Қўрқут Ота - шоир, бахши. Шуниси эътиборликни, халқ ўзининг энг муқаддас орзу-умидларини шоирга, бахшига топширади, унга ишонади. Муаммоларга жавобни хондан, бекдан эмас, асосан шоирдан кутади. Бу асарни яратувчи халқ тушунчасига, бахши - муқаддас одам. Қўрқут Ота ўғуз-лардан чиққан биринчи оқин. У билмаган нарса йўқ, неки айтса вожиб бўлурди, деб деярли илоҳийлаштирилган.

Асардаги ҳикоятларда хон ва бекларнинг юришлари, овга чиқиш эпизодлари, катта-катта зиёфатлар тасвирига кенг ўрин ажратилади, халқ ҳаётини, унинг ичкдан етишиб чиққан оллий кишиларни кўрсатиш оз. Лекин бундан қатъий назар, биз мазкур манзараларга халқ нигоҳи орқали қараш имкониятига эга бўламиз. Зеро, бу эгшзодлар халқни эзиб келган юкори синф ҳаётининг тантанавор лавҳалари ҳақида анча тўлиқ тасаввур беради.

Китобда халқ вакили мутлақо кўрсатилмаган, дейиш ҳам унчалик ўринли эмасдир. Масалан, асарда душманга қарши курашда садоқат, ватанпарварлик ва жасорат намуналарини кўрсатган чўпон образи бор. Бек душманни шу чўпон бўлмаганда енголмас экан-да, деб ўйламасинлар учун деб уни ўринсиз жазолаш эпизодида айниқса халқнинг бекка ва ўз ичидан чиққан қаҳрамонига муносабати очиқ кўринади.

«Қўрқут Ота китоби» наср ва назмда ёзилган. У халқ бадиий ижодининг ёдгорлиги сифатидаги кимматидан ташқари, туркий халқлар прозаси ва поэзиясининг Ўрта асрлардаги дастлабки муҳим манбаларидан биридир. Унда «Девони луғатит-турк» ва «Қутадғу билиг» даги поэтик фикрлаш услубининг маълум излари сезилади. Воқеалар баёни асосан насрда, қаҳрамонлар эмоцияси, нутқи эса, назмда берилишиша кўра «Қўрқут Ота китоби»нинг яратувчилари асар структурасида эпик ва лирик асоснинг ўрни ва аҳамиятини чуқур, нозик тушунганлар, деган хулосага келиш мумкин. Наср қўлланилган ўринларда ҳам ўқтин-ўқтин саъж санъатига мурожаат этилиши асар поэтикасидаги таъсирчанликни янада оширади. Китобдаги шеърый парчаларда қофияга доим ҳам амал қилинавермаслик, асосан, фикрга урғу берилиб, бўғинлар саноғидаги эркинликка интилиш ҳозирги сарбаст шеър-ларимиз илдизини фақат Ғарбдан эмас, туркий халқлар маданияти тарихидан ҳам излаш мумкинлигини кўрсатади.

Китобнинг ҳам наср, ҳам назмда қўлланган ихчам, қисқа ва лўнда, ортиқча тайёргарлик ва экспозицияларсиз фикрлаш услуби таржимоннинг ўз услубига ҳам айнан мос келади. Бу эса, таржима муваффақиятини белгилашга замин бўлади. Таржимон энг асосийси, давр руҳини, аждодларимизнинг фикрлаш йўсинидаги ўзига хосликларни адекват беришга муваффақ бўлади. Тўғри, таржимада баъзан ҳозирги англанилиши қийин, эски туркий сўзлар қўлланилиб, шу эпизодларни тушунишни бир оз қийинлаштиради, баъзан эса, шу куннинг ниҳоятда оддий сўз ва ибораларига берилиб кетиб, тарихий муҳит бирмунча жўнлашгандек тасаввур қолдиради. Лекин бу камчиликлар таржимага яхлит характерли эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда «Қўрқут Ота китоби»нинг ўзбек тилига таржимаси муваффақият билан бажарилган. У умуман, ҳозирги таржимачилигимизнинг жиддий ютуғи сифатида баҳолана олади.

Адабиётлар:

1. Абсамиев Ҳамид. Туркий халқлар адабиёти. 1-қисм. Самарқанд -2004.
2. Абсамиев Ҳамид. Туркий халқлар адабиёти. 2-қисм. Самарқанд -2006.
3. Абдурахмонов Абдурашид. Туркий халқлар адабиёти.Қадимги давр. Қўлланма. Тошкент. "Шарқ", 2005.
4. Ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларига доир. 1978.№3

5. Кўрkit ота китоби. “Ёшлик” журнали. 1988 . № 5-6-7.
6. Муқимов. Қардош халқлар адабиёти. Т.1980 й.

Иккинчи маъруза: Низомий Ганжавий ижоди. (2 соат)

Режа:

1. Ҳаёти ва ижоди.
2. Ганжавий ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеа.
3. Достонларда ҳикмат дурдоналарининг акс этиши.

Таянч сўз ва иборалар: Низомий Ганжавий, “Ҳамса”, “Панж ганж”
достонлари: «Махзанул-асрор» (сирлар хазинаси), «Хусрав ва Ширин»,
«Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар», «Искандарнома»

Ҳаёти ва ижоди. Улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ўз салаф ва халафлари Ҳоконий Ширвоний, Қатрон Табризий, Имониддин Насимий, Муҳаммад Фузулий, Мирза Фатали Охундов каби дунёга машҳур сўз усталари қаторида шарафли ўринда туради. Низомийни шоирларнинг шоири, шоирларнинг устои шохсупасига кўтарган унинг “Ҳамса”си бўлди. “Панж ганж”-“Ҳамса” номлари билан машҳур бўлган беш достондан иборат бу асар буюк бадиий тафаккур ва ҳудудсиз истеъдод ҳосиласи сифатида Шарқ адабиётининг нодир ҳодисасига айланди. Навоий Низомий “Ҳамса”сини юксак баҳолаб, уни эл қулоғига маънавий гавҳарлар етқуриб, сўнгра қалбга йўл олиб, уни ҳам лабо-лаб тўлдирувчи мўъжизбаён асар деб атади. Навоий ўзининг “Мажолисун-нафоис” асарида турли халқларга мансуб бўлган, лекин Ҳирот адабий муҳити билан боғлиқ ҳолда “Ҳамса” ёзишга аҳд қилган Мароғали Ашраф, Али Осий, Фасих Румий, Хожа Имониддин Лоҳурий, Абдулло Хотуфий, Котибий Туршувий каби шоирларни характерлаб ўтади. Илём Юсуф ўғли Низомий 1141 йилда Озарбайжоннинг Қадимий Ганжа шаҳрида туғилади. Ота-боболари ўз даврининг маърифатли кишиларидан эдилар. Илёмнинг бобоси **Захи** Муайяддинни олим ва шоир бўлганлигини нақл қиладилар. Илёмнинг онаси Ганжада яшовчи курд оиласига мансуб бўлган. Низомий шоирнинг тахаллусидир. Навоий: Бебаҳо сўз дурларини ўз ўрнига қўя олганлиги учун тақдир уни Низомий деб аташга аҳд қилди, деб ёзади:

*Нозим ўлуб сўз дуру серобига,
Чарх «Низомий» ёзиб алқобига.*

Навоий Низомий тахаллусига «Шайх», «Ҳаким» каби сифатловчи сўзларини қўшиб айтади. Бу эса унинг маънавий раҳнамолигига ва файласуф шоирлигига ишорадир.

Низомий ўз даврининг ҳамма илмларини эгаллаган нодир истеъдод соҳиби бўлиб етишади. Ўз ижодини лирик асарлар ёзиш билан бошлаган Низомий устозлар оғзига тушиди. Ҳоконийнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Шухрати бугун Ўрта ва Яқин Шарққа ёйилди. Низомий истеъдодини пайкаган, уни тан олган ўша давр ҳукмдорлари саройга тақлиф этдилар. Лекин у саройга бормади. Низомийнинг ижод бобидаги шон-шухратида хабар топган Дарбанд ҳокими иззат-ҳурмат юзасидан шоирга Офок исмли чўри кизни тортиқ қилади. Лекин Офок Низомийнинг чўриси эмас, ҳаётининг энг мўътабар кишиси, турмуш йўлдошига айланади. Офок жуда қисқа умр кўрди. 1180 йилда вафот қилди. Лекин Низомийга Муҳаммад исмли ўғил ёдгор бўлиб қолди. Ҳаётдаги энг яқин кишисини йўқотган Низомий умр давомида Офокни унутолмади. 1188 йил «Хусрав ва Ширин» достонида Ширин образи орқали Офок сиймосини жонлантиришга аҳд қилди. Ширин образи Низомийнинг Офок учун қўйган ҳайкали эди.

Кексалик йилларида яратган «Искандарнома»сида ҳам Офокка бўлган муҳаббатини

дард билан ёзади. Ёлғиз ёдгори бўлган Муҳаммадни ҳар жихатдан етук ва донишманд бир киши бўлишини истайди. Низомий уйида шоир ва шеърят мухлислари тўпланар эдилар. Бу ерда бўладиган адабиёт ҳақидаги суҳбатлар Муҳаммадни адабиёт оламига етаклади.

Муҳаммад 14 ёшидан бошлаб қўлига қалам олди. Лекин Низомий ўғлидаги бу ҳоҳишни рад этади. Муҳаммадга панд-насихатлар беради. Ниҳоят, Муҳаммад ҳуқуқшунослик ва тиббиёт билан шуғуллана бошлайди. Низомийнинг ҳаёти ҳақидаги бир лавҳага мурожаат қилайлик: «Хамса»нинг биринчи достони “Махзанул-асрор”ни ёзиб тугатгач, унинг доврўғи кенг ёйилди. Салжукийлардан Ироқ ҳокими Турғул II (1154-1194) шоирга муҳаббат ҳақида бир асар ёзишни тавсия этади ва унга катта ҳадя ваъда қилади. Низомий «Ҳисрав ва Ширин» достонини ёзиб, якунлади. Йиллар ўтгач, Ганжада бир неча кунлик шоҳлик қилган Қизил Арслон Низомийни ҳузурига чақирди. Шоир йўлга чиқиб шоҳнинг муваққат ўрдасига етиб келди. Шоҳ бу вақтда ўз чодирда Низомий ғазаллари билан айтиладиган кўшиқларни тинглаб, базму-жамшид қилиб ўтирарди. Шоирнинг етиб келганлигини эшитган Қизил Арслон дастурхонларни йиғиштириб, хонандаларнинг кетишига рухсат беради. Низомий шоҳ чодирга кириши билан Қизил Арслон шоирга қучоқ очиб, ёнидан жой кўрсатади. Ровий Низомийнинг Қизил Арслонни мадҳ этган қасидасини ўқийди. Шоҳ қўлини Низомий елкасига қўяр экан, унга тасанно айтади ва гап «Ҳисрав ва Ширин» достонига келиб тақалади. Акаси Жаҳон Пахлавон қилган инъомни эсга олади. Ўша инъомлар орасида сизга тортиқ қилинган қишлоқ ҳам бор эди. Қизил Арслон ёрликни олганмисиз, деб сўрайди. Низомий чуқур ўйга толади. Чунки у ваъдадан бошқа ҳеч нарса олмаган эди. Қизил Арслон Низомийга ҳурмат юзасидан тўн кийдирди. ҲАМДУЁН қишлоғи унинг номига ёрлик қилиб берилди. Низомий миннатдорчилик билдириб, кетишга рухсат сўради. Отга минаётганида унинг қўлига ёрликни келтириб бердилар. **Ярим Фарсанг** (4 километр) келадиган бу қишлоқнинг йиллик даромади Низомий ҳаражатларига етмас эди. Шунинг учун ёрликни тўғри келган кишига бериб, отга камчи урди.

Профессор Бертельс: «Қизил Арслон ҳеч қандай даромад келтирмайдиган ерни шоирга тортиқ қилар экан, шайх эътироз билдиришга журъат этмайди,» деб ёзади.

Низомий 1209 йил 68 ёшида Ганжа шаҳрида вафот этди.

Низомий шарқ адабиётида хамсачилик анъанасини бошлаб берган буюк алломалардандир. Навоий” Лайли ва Мажнун” достонининг муқаддимасида Низомий «Панж ганж» асари ҳақида гапириб: «Уни Шарқда ер-сув ва бошқа бойликлари билан машҳур бўлган Мусо Пайғамбар замонасининг энг бадавлат одами, афсонавий Қорин ганжи билан таққослаб «Ганжи Қорин анинг «Панж ганжи» қошида вайронадек кўрингай»,- деб ёзади.

“Панж ганж” достонлари:

1. **«Махзанул-асрор» (сирлар хазинаси) достони.**
2. **«Ҳусрав ва Ширин» достони.**
3. **«Лайли ва Мажнун» достони.**
4. **«Ҳафт пайкар» достони.**
5. **«Искандарнома» достони.**

«Махзанул-асрор» 1170 йилда яратилган. Достон шоирнинг ҳаётини кузатишлари асосидаги фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларининг бадий мажмуаси деб айтиш мумкин. Асар муқаддимасида худонинг яккаю-ягоналиги ҳақидаги муножотлар, пайғамбар ҳақидаги ҳамд санолар билан бошланади. Низомий ҳаётда нима муқаддасу, нима фахш, инсон нима учун интиломи, нимани рад қилмоғи керак деган саволларни ўртага қўяр экан, бу саволларга жавоб беришда Куръон сураларига мурожаат қилиб, ҳадисларни асос қилиб олади. **«Махзанул-асрор»** да адолат ва зулм тушунчалари жиддий равишда бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Шоир зулм ҳукмрон бўлган ерда мамалакат харобага айланади, эл хонавайрон бўлади. Асарда **«Султон Санжар ва кампир»** ҳикояти мавжуд. Кунлардан бир куни Султон Санжар ҳузурига жабрланган бир қария кампир кириб келади. Шоҳнинг этагидан маҳкам ушлаб, унинг ҳукмронлигида рўй бераётган бедодликдан фарёд чекади. Шоҳнинг кеча тинчлигини сақлаш керак бўлган миршаблари маст ҳолда кўчама-кўча тентираб юрадилар. Ҳоҳлаган уйларига кириб, бебошлик қиладилар. Тунда рўй берган қотилликни таг-томирини суриштирмасдан кампирнинг уйига бостириб кирадилар ва азоб берадилар. Кампирнинг сочларидан судраб юз-кўзларига тепадилар. Кампир бу ситамга

чидай олмай тўғри шоҳнинг ҳузурига боради ва қилмишини фош этади.

Бу ҳикоят орқали Низомий шоҳлар жабр-зулмини фош этибгина қолмасдан, уларга таъсир этиш қайта тарбиялаш йўлларини қидиради.

«**Нуширвон ўз вазири билан**» деган ҳикоясида Нуширвон ўз вазири билан овга чиқади. Бир хароба қишлоққа тушадилар. Икки бойўғли суҳбатини эшитган шоҳ вазирдан улар нима дея ётганини сўрайди. Икки қуш бир-бири билан қуда бўлмоқчи. Қиз томон қалин эвазига хароба беришни шарт қилиб қўймоқда. Йигит томон эса шу подшоҳимиз ҳукмронлиги давом этса бу талаб ортиғи билан адо этилур деб айтмоқда. Бу суҳбатдан шоҳнинг виждони уйғонади. халқда нима эксанг шуни ўрасан, осмонга тупирсанг бетингга тушар, бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқилурсан, одам ҳар бир қилмиши учун қиёмат куни жавоб беради деган ҳикматлар мавжуд.

«Маҳзанул-асрор» Шарқ халқлари адабиётида фалсафий-таълимий дostonнинг янги ва ажойиб намунаси бўлиб қолди. Ўзбек адабиётида «Маҳзанул-асрор» анъанасига биринчилардан бўлиб мурожаат қилган шоир XV асрда яшаб ижод этган «Гулшанул-асрор» асари муаллифи Ҳайдар Хоразмийдир. XVI аср ўзбек шоири Хожанинг «Мақсадул-атвор» асари ҳам Низомий «Маҳзанул-асрор»идан баҳраманд бўлиш билан яратилгандир. Худди шунингдек, Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асари ҳам баҳрамандликнинг мевасидир.

«**Хусрав ва Ширин**». Жаҳон адабиёти жуда кўп муҳаббат дostonларини билади. Унинг хазинасидан Шарқнинг «Лайли ва Мажнун», «Вомик ва Узро», «Юсуф ва Зулайҳо қиссалари муносиб ўрин олган. Шарқнинг яна бир нодир ишқномаси бор, бу Хусрав, Фарҳод ва Ширин каби қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарларидир. «Хусрав ва Ширин» ёхуд «Фарҳод ва Ширин» Шарқ халқлари ақл ва тафаккурининг мозийга дахлдор мўъжизаси сифатида юзага келган. Бу дoston 1181 йилда яратилган бўлиб, асарнинг мукаддимаси Худо ва пайғамбар номига ёзилган ҳамд-санолардан иборат. Дoston Мадойин ҳукмдори фарзандсиз Хурмуз хонадонидан Хусрав Парвизнинг туғилиши билан бошланади. Бола тарбиясига алоҳида эътибор билан қарайдилар. У ёшлиқдан фавқулотда ақл-идрок, куч-ғайрат эгаси бўлиб улғаяди. Хусрав беш ёшидаёқ баркамоллиги билан томоша қилгудек ва ибрат олгудек эди. Унинг бош бармоқлари шернинг панжасига ўхшарди. Низомий Хусрав характерини тасвирлар экан, унга ёшлиқдан бошлаб ҳамроҳ бўлган енгилтаклик, беқарорлик сифатларини ҳам таъкидлаб ўтади. Бу одатлар унга умрини охиригача йўлдош бўлади ва оқибатда қатор фожиаларга учрайди.

Хусрав балоғат ёшида ўз яқинларидан бўлган Шопурдан *Бардада* ҳукмронлик қилувчи Меҳинбонунинг гўзал жияни Ширин ҳақида ҳикоя қилади. Ғойибдан ошиқ бўлган Хусрав Шопурни Бардага юборади. Шопур Ширинга учрашиб Хусравга мойиллик уйғотади. Ширин Хусрав ҳузурига Мадойинга келганида шахзода отаси билан уришиб мамлакатдан қочиб кетган эди. Паноҳ истаб Меҳинбону ҳузурига боради, лекин Ширин билан учрашолмайди. Хусрав ота тахтига ўтирганидан кейин бир вақт Хурмуз ҳукмронлиги йилларида саркарда бўлиб турган Баҳром *Чубиннинг* қувғинига учрайди. Мадад истаб Румга йўл олади. У ерда Рум қайсарининг қизи Марямга уйланади. Мадойин тахтини қайта эгаллайди. Бу вақтда Ширин Мадойин атрофидаги бир қўرғонда яшар эди. Ширин образи дoston давомида гўзаллик ва ирода устиворлигининг ёрқин рамзи сифатида гавдаланади. У бир умр илк муҳаббатига содиқ яшайди. Хусравни унутолмайди. Ширин ёшлигидан сутга ўрганган. Сут танқислиги учун жуда қийналар эди. Чорва ўтлайдиган ердан сут ариғи қаздириш керак эди. Шу муносабат билан Фарҳод образи кириб келади. Фарҳод сут ариғини қовлашга тушади. У бутун борлиғи билан Ширинга кўнгил қўяди. Шу муҳаббат унинг кучига куч қўшарди. Бироқ, ўртада Хусрав билан тўқнашув турар эди. Бутун борлиғи билан севган Шириннинг кўнгли Хусравда эди. Хусравнинг насл-насаби юқори эканлигини билиб, бемаҳал туғилган муҳаббатдан изтироб чекиб тоғу-тошларга чиқиб кетади. Жаҳл отига минган Хусрав Фарҳодни макр билан ўлдиради.

«**Лайли ва Мажнун**» асари 1188 йилда ёзилган. Араб қабила бошлиғи *Бани Омир* фарзандсиз бўлиб, оллоҳдан фарзанд сўрайди. Илтижолари ижобат бўлиб ўғил кўради. Унга Қайс деб исм қўядилар. Ақл заковатли Қайсни мактабга бердилар. Мактабда қизлар ҳам ўқир эдилар. Лайли исмли қиз ҳам бор эди. Қайс билан Лайли бир-бирларини севадилар. Тез орада уларнинг муҳаббатлари ошкор бўлиб, Қайсга Мажнун деб лақаб қўядилар.

Мажнуннинг ҳаёти машаққат билан кечар эди. Одамлардан ўзини олиб қочар ва бозорларда қўшиқ айтиб саҳрога чиқиб кетарди. Лайлини соғиниб у яшаётган қабилага келарди. Бир лаҳза дийдорлашувдан сўнг яна фироқ ўтида ёнарди.

Қайснинг отаси Бани Омир ўз ўғли учун Лайлини қўлини сўраб йўлга чиқди. Лайлининг отаси бой-бадавлат бўлганлиги учун ҳам катта дабдаба билан уни кутиб олди. Лекин ўртага Мажнун билан Лайлининг никоҳларига оқ фотиҳа бериш истаги тушуши билан Лайлининг отаси ўзгаради. Совчилар иложсиз қайтадилар. Бу хабар Мажнунни телба қилибқўяди, энди у қариндош уруғларини тарк этиб ваҳший ҳайвонлар саҳросида улар билан иттифоқ бўлиб яшай бошлайди. Ваҳшийлар Мажнуннинг олдига ҳеч кимни яқинлаштирмас эдилар. Унинг олдига ота-она ҳузуридан овқат олиб келган одам емишни маълум бир жойга қўйиб кетар эдилар. Мажнун вақти-вақти билан бу жойга келар, ўзи эмас, ҳайвонларнинг қорнини тўғизар эди. Бу воқеалар Мажнуннинг ота-онасини қаттиқ изтиробга солди. Лайлининг отаси кизини Ибн Саломга узатмоқчи бўлади. У оғир изтиробларни бошдан кечиради. Лекин дардини ота-онасига айтилмайди.

Достонда Навфал образи пайдо бўлади.

Мажнуннинг мақсадга етишуви учун кўмакдош. Навфал даштда ов пайтида Мажнунни учратиб, унга мадад қўлини чўзмоқчи бўлади. Лайлининг отасига чопар юборади, рад этилади. Икки ҳукмрон ўртасидаги жангда Навфал қўшинларининг қўли баланд келади. Лайлининг отаси Навфал оёқларига тиз чўқади. У ўз нияти йўлида кизини қурбон қилишга тайёр эканлигини айтади. Бу эса китобхонда нафрат уйғотади.

Мажнун онасининг вафотини эшитиб тош устига тушган шишадек чилпарчин бўлади. Мажнуннинг вафотидан кейин умр дарахти хазон бўлиб бораётганлигини англаган Лайли онасига ўлими кунни ўзига келин либосини кийдириб дафн қилишларини илтижо қилади. Лайли оғир хасталаниб ҳаётдан кўз юмади. Низомий Лайли образи орқали Шарқ аёлларининг ҳаё, ибо, назокатли фазилатларини ифода этади.

«Ҳафт пайкар» “Панж ганж”нинг тўртинчи достони “Ҳафт пайкар”дир. Достоннинг бош қаҳрамони Баҳром Гўр бўлиб у 1197 йилда ёзилган. Шарқ адабиёти тарихида Баҳром номига эга бўлган қаҳрамонлар кўп. Масалан, Баҳром, Баҳром Гўр, Баҳром Чубин ва бошқалар. Баҳром уруш, тала-тўп рамзи сифатида қабул қилинган. Баҳром образи ёзма адабиётга дастлаб Фирдавсий томонидан олиб кирилди.

Баҳромни сасоний шоҳларидан *Яздигирднинг* ўғли бўлиб уни авайлаб ўстирадилар, ёмон кўзлардан асрайдилар. Одобли ва билимли қилиб тарбиялаш, ҳарбий ҳунарга ўргатиш чораларини кидирадилар. Шу мақсадда Баҳромнинг тарбиясини ўзининг Ямандаги вассали Нуъмонга топширадилар. Нуъмон Баҳром учун махсус қаср қурдириб Ҳаварнақ номи билан атай бошлайдилар.

Баҳром ёшлигидан қулон овига ўч бўлиб ўсади Шунга кўра ҳам у Баҳром Гўр лақабини олади. Баҳром қулон қувиб юриб катта ҳазиналарни қўлга киритади. Бу орада отаси Яздигирд ҳам вафот этади ва тож-тахт учун курашлар бошланади. Баҳром дўшманлари томонидан тахтга чиқарилган шоҳни тадбир билан бартараф этиб ҳокимиятни қўлга киради. Баҳромнинг Фитна исмли гўзал чўриси бор эди. Баҳром уни ниҳоятда севар ва ов сафарларига бирга олиб юрар эди. Баҳром саргузашти еттита қисса учун қолипловчи ҳикоя вазифасини ўтайди. Баҳром рум, ҳинд, эрон, хоразм маликаларини ўз никоҳига олади ва улар учун алоҳида қаср қурдиради. Шанба кунидан бошлаб жума кунигача кечалари маликалардан қисса тинглайди. Шу тариқа еттита қистирма қисса пайдо бўлади. Бир замонларда яшаган Хайр ва Шарр деган икки киши узоқ сафарга отланибди. Бирининг оти Хайр-яхшилик, иккинчиси эса Шарр-жоҳиллик экан. Иккилари ҳам йўлда емак-ичмакни ғамлаб олган эканлар. Хайр очиқ кўнгиллик билан топганини ўртага қўяр, Шарр эса ўз молини яширар эди. Хайр ҳали йўлда сувсиз саҳролар келишини билмас, Шарр эса ҳамма нарсадан воқиф эди. Йўлда сувсизликдан азоб чекаётган Хайр ҳамроҳига икки ёқутни ҳадя қилиб бир қултум сув сўради. Шарр беҳаёлик, виждонсизлик йўлига ўтиб шу сувга ташна икки кўзини ўйиб олишга рози бўлсагина сувимдан баҳраманд қиламан деб айтади. Даҳшатли воқеа рўй беради. Шарр Хайрни икки кўзини ўйиб олади ва бир қултум ҳам сув бермасдан икки ёқутни олиб йўлга равона бўлади. Шу атрофда бир чўпон бўлиб унинг ниҳоятда гўзал қизи бор эди. Булоқдан сув олгани келган қиз инграган овозни эшитиб шу томонга ошиқади. Қонга беланиб ётган Хайрни кўради. Дарахт баргларида малҳам тайёрлаб Хайрнинг кўзини ўз

ҳолига қайтаради. Ота-оналарнинг розилиги билан уларнинг тўйи бўлиб ўтади. Афсонанинг охирида Шарр тасодифан Хайрга дуч келади. У ҳали ҳам ёмон одатларини тарк этмаган эди. Хайр унинг гуноҳларидан ўтади. Афсонада одамийликка хос мурувват ғолиб чиқади.

«Искандарнома» бешинчи дoston бўлиб, дostonда Искандар Зулқарнайн образи гавдалантирилган. Шарқда жуда кўп афсоналар мавжуд бўлиб, бу афсоналарнинг кўпчилиги Искандар номи билан боғлиқ. Искандарни халқ тафаккурида раҳнамо ва мададкор сифатида хизр билан ёнма-ён тилга олинади. Қадимда кўплаб Искандарномалар яратилган. А.Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonида ҳам Искандар ойнаси масаласи, Искандар тилсимини ечиш мақсадида Фарҳоднинг Юнонга қилган сафари тасвирланади. Фирдавсий шoҳномасида ҳам Искандарнинг Эронга юриши Доро билан тўқнашуви ва Искандар деворининг бунёд этилиши лавҳалари тасвирланган.

«Искандарнома» 1197-1204 йиллар оралиғида ёзилган асар бўлиб, «Шарафнома» ва «Иқболнома» каби икки қисмдан иборат. Искандарнинг ҳарбий юришлари мамлакатни ақл идроки билан бошқариши ҳикоя қилинади. Искандар жуда эрта ота тахтига ўлтиради.

Миср, Эрон жангларида моҳир саркарда сифатида дoнг таратади. Искандарнинг тадбиркорлигини билган яқин-йироқ мамлакатлар ҳокимлари уни мададга чақирадилар. Искандар халқнинг оромини бузган Яъжуж ва Маъжуж устига зафарона юриш қилади. Халқни бу зулм ва зўровонликдан озод этади. Дostonда Искандар донишманд сифатида тасвирланади. У Арастудан бошлаб замонасининг буюк донишмандлари билан суҳбатлашган. Шoҳу-гадонинг сўзларига кулоқ тутаяди. У ҳар доим рост гапиришга ҳаракат қилади. Бу гал ёлғон гапириб, ҳийла ишлатиб мулзам бўлаяди.

Озарбайжон ҳукмдори малика Нушоба билан бўлган мулоқати бор. Искандар Озарбайжон ҳудудидан ўтар экан, одил ва оқила Нушоба ҳақида кўп яхши фикрни эшитган эди. У Нушоба ҳузурига бормoқчи бўлаяди. Лекин тўсатдан боришдан ўзини тияди.

Искандар ҳийла ишлатиб уст-бошини алмаштириб элчи сифатида Бардаъ ҳокимаси Нушоба ҳузурига кириб боради. Лекин Искандар ўзининг хатти-ҳаракати, муомалалари билан ўзини сездириб қўяди. Нушоба уни қаттиқ уялтиради. Нушоба учун ким бўлишидан қатъий назар у меҳмон эди. Унга иззат-икром кўрсатар эди. Нушобанинг ақл-идрок билан иш юритиши Искандарни ҳайратга солаяди.

Адабиётлар:

1. Ўзбек Совет энциклопедияси. 1979 й. 7 жилд.
1. Эркинов С, Ғанихонов М., Н.Ганжавий. Т. 1992 й.
2. Муқимов. Қардош халқлар адабиёти. Т.1980 й.
3. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Т. 1977 й.

Учинчи маъруза: Қозoқ адабиёти. (2 соат)

Режа

1. Қозoқ халқи тарихи ҳақида.
2. Халқ оғзаки ижоди намуналари.
3. Қозoқ адабиётида маърифатпарварлик ғоялари.
4. Абай Қўнонбоев ижоди.

Таянч сўз ва иборалар : Абай, Қўбланди ботир, Эртарғин ва Қамбар ботир, Чўқон Валихонов, Иброй Олтинсарин, Абай мероси, Халқ оғзаки ижоди.

Қозoқ халқи тарихи ҳақида. Халқларнинг қардошлик оиласида яшаб, жамият қураётган бахтиёр қозoқ халқининг ҳам кўп асрлик тарихи ва миллий маданияти бор.

Ҳозирги Қозoғистон территориясида қадимги замонларданоқ пайдо бўлган савдо-ҳунармандчилик марказлари ва ҳосилдор экин майдонлари билан бир қаторда қозoқ

халқининг миллий маданияти намуналарини ҳам XIII асрда мўғул босқинчилари ер билан яксон қилдилар. Асрлар бўйи давом этган феодал- патриархал тузум натижасида қозоқлар юртида фақат тарқоқ кўчманчи чорвачилик хўжаликлари ташкил этилди, холос. XVI асрга келиб ташкил топган каттажуз, ўртажуз ва кичикжуз деб аталадиган уруғ уюшмалари 1723 йилда мамлакатга ёпирилиб келган жунгорлар (қолмиқлар) ҳужумига бардош беролмади. Натижада қозоқ халқининг чет эл босқинчиларига қул бўлиш хавфи туғилди.

Халқ оғзаки ижоди намуналари. Қозоқ халқ кўшиқлари, эртақ ва достонлари турли-туман мавзуларни қамраб олган. Уларда қозоқ мазлума аёлларининг оху фигони ҳам, халқ кўзғолончиларининг мардлик-шижоати ҳам, тадбиркор, доно Алдаркўсаннинг марокли саргузаштлари ҳам, Қўбланди ботир, Эртағин ва Қамбар ботир сингари халқ баҳодирларининг қаҳрамонликлари ҳам ўз аксини топган.

Топишмоқ ва эртақлардаги бўри, аждаҳо, дев, семурғ куш, достонлардаги учқур отлар яхшилик ва ёмонлик тимсоли сифатида гавдаланадилар.

Махамбет Утемисов халқ кўзғолонининг актив иштирокчиларидан эди. У ўз асарларида ҳам озодлик ва мустақиллик учун курашга кўзғалган меҳнаткаш омманинг ажойиб фазилатларини куйлади. Айниқса, унинг «Исатой Тайманов» достонида яратилган Исатой Тайманов образи диққатга сазовор. Утемисовнинг тасвирича, Исатой халқ озодлиги учун мардларча курашган ва шу йўлда ҳалок бўлган халқ қаҳрамонидир.

Қозоқларда халқ қаҳрамонлик достонларини ижро этувчи оқинлар ўртасида тез-тез айтишув (ижодий мусобақа)лар бўлиб турган. Шундай ижодий айтишувлар вақтида ҳар бир оқиннинг шоирлик ва ижрочилик маҳорати намоён қилинган. Машҳур оқин Биржон сол билан оқинлардан Соро ва Суюмбой билан Кунекей ўртасида бўлиб ўтган айтишувларда хотин-қиз шоирларнинг зўр маҳорати тингловчиларни мафтун қилган.

Қозоқ адабиётида маърифатпарварлик ғоялари. Қозоқ классик адабиётининг асосчилари Чўқон Валихонов, Иброй Олтинсарин ва Абай Қўнонбоев қозоқ халқи билан туркий халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг жарчилари эдилар. Чўқон Валихонов рус фани ва маданияти билан яқиндан танишган ўқимишли киши эди. Олим ва маърифатпарвар Ч.Валихонов кўп саёҳат қилди, илмий экспедицияларда юрди. У Қозоғистонни, қўшни Қашқар ўлкасини ўрганишга оид бир қанча илмий асарлар яратди. Чўқон Валихоновнинг фольклорист ва публицист ёзувчилик фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга. У ўтган аср маърифат-парварлари орасида қозоқ ва қирғиз халқ оғзаки ижоди асарларини, жумладан «Манас» достонидан айрим парчаларни ёзиб олган биринчи ташаббускор олим эди. Ч. Валихоновнинг бир талай публицистик мақолалари ва очерклари қозоқ классик адабиётида бадиий проза жанрининг дастлабки намуналари сифатида ҳам диққатга сазовор.

Қозоқ классик адабиётининг отаси Абай Қўнонбоев ўз шеърий ва насрий ижоди ҳамда маърифатпарварлик фаолияти билан демократик қозоқ адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. У бой хонадонда туғилиб вояга етган бўлишига қарамай, қозоқ халқ оғзаки ижодидаги илғор анъаналар таъсири остида халқ манфатини куйловчи асарлар яратган атоқли шоир ва маърифатпарвар даражасига кўтарила олди.

Адабиётда проза, поэзия ва драматургия жанрларини тараққий эттиришга ўз ижодлари билан катта ҳисса қўшган қозоқ ёзувчиларидан Мухтор Аvezов, Собит Муқанов, Ғобит Мусрепов, Ғабидин Мустафин, Тоир Жароков, Абдулда Тожибоев, Ғали Ўрмонов кабиларнинг номи эндиликда фақат Қозоғистонда эмас, чет элларда ҳам маълум бўлиб қолди.

Атоқли қозоқ адиби Мухтор Аvezов мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган ёзувчилардан биридир. У ўз ижодининг илк босқичида (1915-1932) ғоявий иккиланишлар ва изланишларни бошидан кечирди.

Мухтор Аvezов прозага драматургия орқали кириб келди. Унинг «Қараш-қараш», «Бургутли овчи», «Излар», «Елкама-елка» номли дастлабки насрий асарларидаёқ ҳаётни ҳаққоний чизиш, жамиятдаги кескин кураш воқеаларини ёзувчи назари билан акс эттириш маҳорати кўзга ташланиб туради.

«Абай» пьесаси, Абай тўғрисида ёзилган илмий-танқидий мақолалар, Абайнинг тарқоқ ўланларини ёзиб олиб тўплаш - бу

ишларнинг ҳаммаси М.Авезовга 4 томлик «Абай» эпопеясини яратиш учун бир тайёргарлик эди. «Абай» романини ҳақли равишда «қозок халқи ҳаётининг қомуси» (З.Кедрина) деб аташ мумкин. Чунки унда ёзувчи қозок халқининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги мураккаб ҳаёти, жамиятидаги хилма-хил табақаларнинг ўзаро муносабатларини ҳаққоний акс эттирди. Шунинг учун «Абай» эпопеяси, қозок прозасининг 40-50 йилларидаги муваффақиятлари ҳисобланган «Бўтакўз», «Ҳаёт мактаби», «Миллионер», «Қозок солдати», «Қарағанда» романлари қаторидан фахрли ўрин олди.

Ёзувчи Ғ. Мустафин ўзининг «Миллионер» номли романида армия хизматидан қайтган офицер Жомард билан бир вақтлар уни оёққа турғизишда жонбозлик кўрсатган, лекин кейинги вақтларда турмушдан орқада қолган колхоз раиси Жакиб ўртасидаги юз берган ҳаётий тўқнашувини акс эттиради.

Қозок ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликнинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Бу икки халқ оғзаки ижодида кўплаб учрайдиган жуда ўхшаш мотивлар, руҳан яқин образлар (Алпомиш ва Гўрўғли билан Қўбланди ботир ва Эртарғин; мулло Насриддин билан Алдар кўса образлари ва ҳ.к) дан ташқари, буюк Алишер Навоий ижодининг маърифатпарвар Абай поэзиясига ижобий таъсир кўрсатиши қозок ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқанинг ёрқин мисолидир.

Абай Қўнонбоев ижоди. АБАЙ - Иброҳим Қўнонбоев - XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган қозок шеърятининг машъали, бастакор, файласуф ва қозок адабиётининг асосчиси маърифатпарвар шоирдир.

Абай 1845 йил 8 августда Семипалотонский вилоятига қарашли ҳозирги Абай тумани Чингизтоғ этакларида жойлашган Қашқабулоқ овулида Тубикди уруғида туғилади. Дастлаб овулдаги диний мактабда савод чиқариб, 10 ёшида Семипалонский шаҳридаги Аҳмад Ризо мактабига ўқишга берадилар. Мадрасада 3 йил таълим олган. Абайнинг зеҳни жуда ўткир эди. Кўп мутоала қилар, эртак, достон ва қиссаларни севиб ўқирди. Мадрасада Навоий, Саъдий, Ҳофиз, Ғузулий каби Шарқ мумтоз адабиёти намоёндаларини газалларини севиб ўқиди ва ёд олди. 13 ёшга тўлган Абайнинг эл бошқариш ниятида отаси мадрасадан чиқариб келди. Бошига эл ташвиши тушган Абай жамиятга, ҳаётга зийраклик билан қарайди ва ундан келишмовчиликнинг туб илдизини ахтара бошлайди. Ўз отаси Қўнонбойнинг халққа нисбатан адолатсизлини кўриб, унга қарши бош кўтарди. Энди у Қўнонбойнинг ёрдамчиси эмас адолат байроғини баланд кўтарган Абайга айланади. Аҳмад Ризо мадрасасида Шарқ шоирларини шеърларини севишни ўрганган бўлса ўз даврида халқни севишни ўрганди.

Халққа адолат кўрсатиб ўзи туғилиб ўсган элга муносиб фарзанд бўлишни орзу қилди. Бу мақсад йўлида зўровонлар пайдо бўлиб турли бўхтонларни ёғдиради. Лекин Абай ўз мақсадидан қайтмади, балки ўша бўхтонларга қарши курашди.

27-28 ёшларида рус тилини пухта ўрганган Абай жаҳон адабиётидан ҳам баҳраманд бўлди. Семипалонскийга сургун қилинган рус демократлари Белинский, Чернишевский, Добролюбов, Сальтиков Шчедрин, Тольстой, Пушкин, Лермонтов, Крылов асарларини чуқур ўрганди, баъзиларини қозок тилига таржима қилди.

1884-1885 йилларда Абай ҳар томонлама етук, ҳаётга танқидий кўз билан қаровчи шахсга айланди. Абайнинг ҳатти-ҳаракати отасига ёкмади.

М.Авезовнинг Абай йўли-эпопеясида отаси билан Абай ўртасида шундай суҳбат бор. Қўнонбой Абайни ўз эли одатидан узоқлашиб бораётганликда айблайди ва уни оддий ёмғир сувига ўхшатади. Бунга нисбатан Абай отасига: «Ёмғир сувига тенглаштирдингиз. Қўлида қуроли бор айрим кишиларгагина насиб бўладиган кудук суви бўлгандан кўра ҳаммага бирдек фойдаси тегадиган ёмғир суви бўлиш афзал»-деб жавоб беради.

Маълумки, Абай йирик феодал оиладан чиққан, отаси Қўнонбой, бобоси Ускенбой, унинг отаси Ирғизбой ҳам феодал бўлган. Айниқса, Қўнонбой йирик феодал бўлиб, ўта баджаҳл киши эди. Абай ўз асарларида ўз синфининг мақсадларини эмас, яъни ота ўғли бўлиб эмас, халқ мақсадларини куйловчи халқ ўғли бўлиб шаклланди. Элни қашшоқликка олиб келувчи ўз синфига, феодалларга карата шундай ёзади:

Ўз сўзидан бошқа сўзни ўкмайди,

Оғзи балан ўроқ ўрган мактанчок,
Бир кун жиринг этар, бир кун бўртинг.
Ёш бошга бий бўлган қийким бойлар.
Неча кўп бузасиз элнинг турқин?

Бундай шеърлар бутун козоқ чўллари бўйлаб кенг ёйилди. Бу шеърлар Чор Россияси зўровонларига ёқмади. Абайни ҳар томонлама таъқиб остига олдилар. Бу орада шоир оиласида ҳам турли фожеалар рўй берди. 1885 йил Петербургда ҳарбий мактабда ўқиб юрган ўғли Абдурахмон сил касалига йўлиқиб вафот этади. 1886 йил уезд бошлиғи Наворицкий Абай уйида тинтув ўтказади. Лекин бу тинтув ҳеч қандай натижа бермади.

1904 йил 14 май куни шоирнинг энг севимли ўғли-Мағавия бевақт вафот этди. Бу фожеалар Абайни ҳасталаниб тўшакда ётиб қолишига сабаб бўлди. Абай 1904 йил 23 июлда 59 ёшда Қашқабулоқ овулида вафот этади. Абай ижодида хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, эски урф-одатларга, ноҳақликларга қарши қаламини чархлади.

Эл бошига қанчалик оғир иш тушмасин бечора мазлум халқ зиммасига юклатилар эди. Барча олиқ-солиқлар ҳам ҳамма гадолар учун эди. Бу юлғучлар юрт ғамини ўйламас, фақат ўз нафсларини ўйлар эдилар.

*Гадо шўрлик юради пода боқиб,
Ўтини йўқ исинса олов ёқиб
Жулдур ўтов ичида музлар гўдак
На қуюғи, на суюғи ... бўзлар гўдак
Чурук кигиз тагида титрар бобо
Тушида гўшт кўрганин сўйлар гўдак.*

Камбағалларни аҳволига ачинади. Абайни 1865-1885 йилларда ёзган кўплаб шеърлари ҳалигача танилгани йўқ. Лекин айтиш мумкинки, 1885-1895 йиллар оралиғи шоир ижодининг энг сермахсул даври бўлди. У 300 га яқин шеърый асар ва 4 та асар яратди. «Искандар», «Маоъуд», «Азим ҳикояси», «Вадим» каби дostonларни яратди.

Шоир асарларида маърифат ҳалоллик, севги ва муҳаббат ғоялари асосий ўринни эгаллайди.

*Бердим салом, қалам қош,
Сенга қурбон мол ҳам бош.
Сени ўйлаб туну-кун
Оқар кўздан қайноқ ёш.
Асл одам айнимас,
Ишқ ўтидан қайрилмас
Кўрсам ҳам кўрмасам ҳам
Кўнгил сендан айрилмас.*

Абай мусиқа соҳасида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Унинг фаолиятида «Саккиз оёқ», «Айтдим салом қалам қош», «Нечора, қайтдим сездирмай» каби асарлари козоқ халқи тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Абай меросини ўрганар эканмиз, у уч манбадан озикланиб камолга етганлигини сезамиз. Булар козоқ халқ оғзаки ижоди, шарқ шеърйати ва рус адабиёти, Овропа адабиёти намуналарини. Ана шу уч манба Абайни буюк шоир этиб етиштирди, оламга танитди, асарларини машҳур қилди. Абай асарлари қардош тилларга таржима қилинди. Абай халқни инсонпарварликка даъват этувчи «Менинг элим-Қозоғим», «Бойлар юрар молин ардоқлаб» каби шеърларни ёзди, Абай халқни маърифатга, маданиятга, инсонийликка ундовчи 44 та кичик-кичик ҳикоячалардан иборат. «Нақдия сўзлар» фалсафий ҳикоясини ёзди. Қозоқ адабиёти ва адабий тилига асос солган, козоқ халқини бошқа халқлар маданиятидан

баҳраманд бўлишга, илм-маърифат инсонпарварликка даъват этган улугъ шоир Шарк адабиётининг сўнмас юлдузлари қаторидан муносиб ўрин олди.

Адабиётлар:

1. Муқимов. Қардош халқлар адабиёти. Т.1980 й.
2. Буюк сиймолар, алломалар. Т. 1997.
3. Абай. Танланган асарлар. Т. 1961
4. Ўз. С. Энс. Т. 1971. № 1. 10-бет.
5. Абай. Ўланлар. Т.1954.

Тўртинчи маъруза: Қозоқ адабиётининг ёркин юлдузи

Режа

1. Мухтор Авезов ҳаёти ва ижоди.
2. «Мотамдаги гўзал» асарининг воқеий мазмуни.
3. «Чиябўри» ҳикояси — рамзий ҳикоя.
4. «Абай йўли» эпопеяси — қозоқ адабиётининг чўққиси.

Таянч сўз ва иборалар: «Мотамдаги гўзал», «Чиябўри» ҳикоялари, «Абай йўли» эпопеяси, Ўрта Осиё Давлат университети, Абай сиймоси.

Ҳар қандай халқ ҳақидаги энг тўқис ва энг холис тасаввур шу халқнинг ноёб истеъдод соҳиблари, аввало, ёзувчи-шоирлари асарларида, санъаткорлари ижодида ўз ифодасини топади. Шу боис биз Қозоғистон деган бепоён ва бетакрор ўлка, қозоқ деган бағри кенг, танти халқ ҳақида гапирганда даставвал Абай сингари ушбу миллатнинг таниқли маънавият намояндаларини эсга оламиз. Анча кейинроқ шаклланган зиёлилар авлодидан эса, аввалло, албатта Мухтор Авезовни эслаймиз. Қозоқ халқига хос бўлган маънавий кудрат ва бекиёс истеъдодни айнан мана шу зиёли ва юксак маърифатли инсон ўзида мужассам этган эди.

Ижодкорнинг қозоқ халқи тарихидаги ўрни ва аҳамиятига бу қадар юксак баҳо бераётганимиз бежиз эмас. Чунки қозоқ миллий насрини айнан мана шу инсон юқори поғонага кўтарган ва дастлабки йирик роман-эпопеяни яратган. Шунингдек у кўплаб ёркин ва бадиий мукамал ҳикоя ва пьесалари, рус ва Оврупа мумтоз адабиётидан қилган таржималари билан қозоқ адабиётини дунёга танитди. Қолаверса, у бекиёс тафаккурга эга бўлган олим ва тадқиқотчи ҳам эди. Мухтор Авезовнинг ижодкор сифатидаги ўзига хослиги уй-хаёлларининг кенглиги, истеъдодининг ғоятда серқирралиги ва илоҳий қобилиятида намоён бўлар эди. Лекин дунё адабиётида юлдуздек чакнаб, шон-шухрат қозонган бўлса-да, Мухтор Авезов халқи билан доим ҳамнафас яшади, оғир синов дамларини ҳам у билан бирга ўтказди, шу боис ҳаёти бир текис ва силлиқ кечмади.

Мухтор Умарович Авезов 1897 йил 28 сентябрда Семипалатинск (Етти утов) уездининг Чингиз волостида кўчманчи оиласида туғилди. Мухторнинг бобоси - Аваз бобо қозоқ халқининг буюк шоири Абайнинг содиқ дўсти, унинг шеърлари мухлиси эди.

Мухторнинг болалик йиллари қадрдон овулида ўтди, у шу ерда ўқиш-ёзишни ўрганди. Ёши ўн бирга етганда, отасидан жудо бўлади, уни тоғаси Қосимбек ўз тарбиясига олади. У 1919 йилда Семипалатинскдаги ўқитувчилар семинариясини тамомлайди. Айнан мана шу ўқув даргоҳида у ўзининг шонли ва мураккаб ижод фаолиятини бошлайди. У дастлаб драма асарлари ёзишни машқ қилади. 1917 йилда бўлгуси ёзувчи «Енлик ва Кебек» номли фожиасини ёзади. Бу қозоқ адабиётидаги дастлабки драма асари эди. Бу асар ушандан буён (такомиллаштирилган қуринишда) энг яхши қозоқ театрлари сахнасидан тушмай келади. Уни машҳур «Ромео ва Жулетта» пьесасининг қозоқча шакли деса ҳам бўлади. Унинг воқеавий мазмуни, яъни сюжети жуда оддий: ўзаро душман бўлган икки уруққа мансуб бўлган ёшлар бир-бирига кўнгил бериб, қариндош-уруғларнинг қаршилигига қарамай, турмуш қурмоқчи бўладилар ва охир-оқибатда қабила суди ҳукми билан иккаласи ҳам қатл этилади. Хуллас, инсоннинг табиий ҳақ-ҳуқуқи, теран ва қайноқ ҳис-туйғулари

қабилавий феодал тузумига хос асрий «анъана ва меъёр»ларни енголмайди. Бирок рисоладагидек инсоний турмуш, эхтирос ва меҳр-мухаббатга, эзгулик ва мурувватга тўлиқ ҳаёт учун кураш мавзуси Мухтор Авезовнинг бошқа кўпгина асарларида давом этади. 1922 йилда у Ўрта Осиё Давлат университетида эркин тингловчи бўлиб ўқишга киради ва «Чулпон» журналида ҳамкорлик асосида ишлай бошлайди, унинг бир талай ҳикоялари айнан мана шу журналда чоп этилади. Аммо унинг биринчи ҳикояси - «Етимнинг ҳақи» бундан олдинроқ пайдо бўлган эди. Мана ўша асардан олинган муъжаз бир парча: «Январь охирлаб борарди. Аёзли кун истар-истамас уфкка бош қўймоқда эди. Осмон мусаффо эди. Факат уфқ бағрида, худди темирчининг сопқонидек булутларнинг жезсимон булаклари чуғ бўлиб яллиғланиб ётарди. Уларнинг ортидан офтобнинг киприксиз, ўртаси дорли қўрқинчли конли нигоҳи кўзга ташланиб турарди. Сал тепарокда, тутун ўрамлари каби, қуйруғи қирмизи булутчалар осилиб ётарди. Унинг тепасидаги осмон бўзариб-қўқариб кўзга ташланар эди. Бир чеккада тескари ағдарилган кулчадек ой якка-ёлғиз осилиб турарди. У алланечук хадиксирагандек гуё тўр парда ортидан қараётгандек эди.

Кун буйи килт этган шамол тургани йук, лекин Кушкпоя давонида ел гужгон уйнаб ётар эди. Эндигина ёккан кор қирмизи-настарин рангдаги шаклларга кириб, хар тарафга сочилар эди. Соялар худди буртиб чиккан томирлар каби кузга ташланар ва гуё судрала-судрала корли тепаликларнинг қирмизи рангини суриб олаётгандек эди».

Бу — ёзувчининг дастлабки ҳикояси эди. Бу асарда буюк суз устасига хос унсурлар шунчаки кузга чалиниб қолмайди. Бу ҳикоя козок адабиётида катта нстёдод сохиби пайдо булганидан далолат берарди.

Лекин ёш Мухтор Авезов уша пайтдаёқ хали жуда куп укиб-урганиши зарурлигини дил-дилидан хис этиб турар эди. Бу даврда булгуси ёзувчи билимга ута ташна, уз максадига эришиш борасида собит эди. У 1928 йилда Ленинград Давлат университетининг филология булимини муваффақиятли битириб, Тошкентдаги Ўрта Осиё университети шарқшунослик факультети қошидаги аспирантурага ўқишга киради. Бу пайтда Козок театрлари сахналарида унинг асарлари тинимсиз намоёиш этилар, ҳикоя ва кассалари китоб қолида нашр қилинар эди. Айниқса, унинг анчагина реалистик ва мардона ёзилган ҳикоялари машхур булиб кетган, уларда муаллиф бадиий бўёқлардан мохирона фойдаланиб, қахрамонлар руҳияти ва феъл-атворини чуқур ҳамда хар томонлама ёритиб берган эди. Мана, уша кезлардаги энг машхур ҳикояларидан бири — «Мотамдаги гузал» асарининг воқеий мазмуни қуйидагича. Ёш ва чиройли келинчак бева қолади. У шарият қоидаларига амал қилиб, эрига содик қолади. Оқинлар, яъни козок шоирлари унинг садокатига таҳсинлар айтади. Лекин навқирон вужудида ёшлик эхтирослари жуш уради. Шу боис у изтироблар, чигал уй-хаёллар гирдобида азоб чекади ва толикади, охири тоқати тоқ булиб, дуч келган биринчи одамга узини бахш этади. У бой ва сохибжамол келинчак булатуриб, уни хатто хаёлига ҳам келтирмаган кекса бир чупон оғушидан паноҳ тилайди. «Мотамдаги гузал» ҳикоясини мутолаа қилар экансиз, беихтиёр таникли рус адаби Иман Буниннинг «Қоронги хиёбонлар» деб номланган машхур туркумига қирувчи ҳикояларни ёдга оласиз. Мана, узингиз бир муқояса қилиб қурннг-а: «Ойдин кечанинг туси учди, сув ва майсаларнинг шуъласи сунди, олис-олислардаги тоғ чуқкиларининг туманли манзаралари куздан йуқолди. Аммо Қорақуз саҳросининг томирларида аланга шарпалар завқу шавққа тулиб рақс тушар эди. Эхтиросларнинг хира пардаси орқали у Булатнинг сарғиш юзи ва унинг оппоқ булиб ярқираб турган курак тишларинигина кура олди, қонос».

Агар ёзувчи узининг илк асарларида халқ руҳиятининг узига хос жиҳатларини ақс эттирган қолда реал манзараларни тасвирлашга қодир адиб сифатидаги бекиёс истёъдодинн намоён қила олган, унинг асарларида табиат жоңланиб, воқеалар ривожида унинг инсонга нисбатан қооллиги муҳим урин тутган булса, Мухтор Авезов кейинги асарлари воқитасида узини ёзувчи-руҳшунос, ёзувчи-таҳлилчи сифатида намоён этди. Унинг ижоди қучи айнан ана шундақир.

Мухтор Авезовнинг энг машхур, эхтимол қитобқонлар севиб ўқийдиган ҳикояларидан бири «Қиябури» асаридир. Менинг назаримда, бу — эрксевар, ёввойи ва қучли йиртқич хақида дунё адабиётида яратилган энг яхши асарлардан.

Ушбу ҳикоя Жек Лондоннинг «Оқ йиртқич» асарида таъсирланиб яратилган. Мухтор Авезов бу асарни ўқиб, жуда завқланган. Умуман, ута таъсирчан булган козок

адибига тан бериш керак. У хар хил йуналиш ва авлодга мансуб ёзувчиларни севган ва уларнинг асарларини укиб, завкланган, адабиётда уз урнига эга булиб, дунёвий довруг козонган пайтида ҳам улардан куп нарса урганган.

«Чиябури» хикояси бир карашда ҳам болалар, ҳам катталар учун ёзилганга ухшайди. Нимасини айтасиз, унинг воқеалар йуналиши ҳам оддий, шу билан бирга, хикоя теран мазмун билан сугорилган. Менимча, «Чиябури» хикояси — рамзий хикоя. Биринчидан, туркий халклар учун бури тимсоли узига хос тотем — эътикод тимсоли булган. Қадимий турк афсонасига кура, айнан бури барча туркий халкларнинг аجدоди ҳисобланган. Эҳтимол шунинг учундир муаллиф узига хос маҳорати билан ушбу тимсолни яратадики, уни укиб, завкланмаслик мумкин эмас. «Қачон қараманг, у силласи қуриб, жим турар эди», «... тиззаси худди бузукдек келадиган, елкаси нақ буканикидек йирик» каби тасвирлар хикоянинг жонли ва таъсирчанлигидан далолат беради.

Яна бир моҳир санъаткор, узини Мухтор Азевонинг шогирди деб биладиган Чингиз Айтматов «Қунда» романида Тошчайнар ва Акбара тимсолларини зур меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди. Лекин бошқа томондан, айнан бури — Қуксерек — узини боккан ва бошпана берганларга бахтсизлик келтиради.

Бошқачароқ айтганда, одамларнинг узи, уз овулида уя фожияларига замин яратади ва уни бартараф этиш чорасини тополмайди. Факат купдан-куп саъй-ҳаракатлар натижасида, бор имкониятлар ишга солинган, Қуксерек қулга олинади. Хикоя ниятида бир кампир Қуксерекка қарата: «Сенда узи виждон деган нарса борми, Қонхур?» деб бақиради. Ахлокий мезонлар, афсуски, жамият бағрида уз қучини йукотади, айнан ана шу ахлокий майлини ва ташналикни қондириш йулида у уз қучини йукотади. Қачонлардир шундай булган эди, таассуфки, то ҳануз шундайлигича қолиб келмоқда...

Мухтор Азевон Тошкентдаги таълим даврини тугатган, уста ёзувчига ва гоёта сермахсул ижодкорга айланади. Қолаверса, унинг ақсарият асарлари нафақат козок адабиётининг, балки дунё адабиётининг олтин ҳазинасидан жой олган.

Мухтор Азевон козок адабиётида мутлақо янги жанр ҳисобланган очеркчилик ривожига ҳам салмоқли ҳисса қушиб куплаб очерклар яратди. Ёзувчи бу муҳтасар-публицистик мақолаларни чинакам бадиий асарга айлантириб ёзар, уларни очеркчиликнинг янги шакли — очерк-хикоя десак-да ҳато булмас. Ёзувчининг ажойиб илмий-тадқиқот мақолаларининг узи алоҳида жилдни ташкил этади. Уларни укиб, муаллиф билимларининг теранлигидан ҳайратга тушасиз. Бу ҳол, аввало, козок халқ оғзаки ижоди асарлари тадқиқига бағишланган асарлар мисолида намоён булади.

Лекин Мухтор Азевонинг дунё миқёсида шухрат топишида «Абай йули» роман-эпопеяси муҳим урин тутди. Сирасини айтганда, адибнинг илғари яратилган барча асарлари буюк оқин-адиб Абай Қунонбой ҳақидаги мана шу романни ёзиш учун тайёргарлик даври булган. Бу роман ёзувчи ҳаётининг мазмунига айланиб қолган эди. Роман-эпопея икки китобдан ташкил топган.

Уларнинг хар бири яна иккита китобга булинади. Эпопеянинг биринчи китоби 1942 йилда, туртинчиси эса 1956 йилда нашр этилади. Умуман, Мухтор Азевон козок халқи ҳаёти ҳақида гоёта улкан романлар силсиласини яратишни қунглига туккан эди. «Абай» романи ана шу силсиладаги дастлабки роман эди. Бу уринда шуни таъкидлаш жоизки, шунга ухшаш ижодий режалар ва уларни амалга ошириш тажрибаси дунё адабиёти амалиётида ҳам куп булган. Бундай сирадаги романларнинг хар бири узича мураккаб, аммо шу билан бирга, уларда даврнинг, халқ тарихининг улкан манзаралари яратилади. Масалан, Эмиль Золя, Дмитрий Мережковский асарлари бунга мисол була олади.

Мухтор Азевонинг ижодий кашфиёти шундан иборат эдики, у Марказий Осиё адабиётида биринчилардан булиб бутун бир халқнинг ярим асрлик ҳаёт йулини қенг ва хар томонлама тадқиқ этди, қувчини ҳайратга соладиган бадиият қучи ва теранлик билан козоклар жамиятининг XX аср арафасидаги патриархал-ахлокий масалаларини ёритди.

«Абай йули» эпопеяси — козок адабиётининг чуққисидир. Таниқли козок олими Қ.Сатпаев ушбу асар ҳақида фикр қурита туриб, уни «Қозок халқининг XIX аср иккинчи ярмидаги ҳаёти ва турмушининг ҳақиқий қомуси» деб таърифлаган эди. Дарҳақиқат, бу асар мавзуси, воқеликни теран ёритиш ва бадииятига қура мислсиз ҳодисадир.

«Абай йули» эпопеяси тарқибан мутаносиб ва уйғун асардир. Агар романнинг барча

китоблари яхлит холда козок жамиятининг ярим асрлик хаётини кайтадан жонлантириб берса, унинг ҳар бир китоби эса воқеалар ривож ва бадиий қурилиш жихатдан яхлитлик касб этиб, Абайнинг рухий-маънавий камол топишидаги муайян босқични акс эттиради.

Эпопеянинг яхлитлиги факат гоёвий мақсаднинг умумийлиги воситасида вужудга келади. Мухтор Авезовнинг узи бу ҳақда шундай деган эди: «Шу тарика тўрт китобнинг ҳаммасида шоир ва мутафаккир — Абай сиймосида мужассамлашган янгилик ва биркуз, бадқовок Кунонбой тимсолида акс этган эскилик уртасидаги қураш асосий гоёдир. Эскилик рамзи булган Кунонбой кейинча гуё қупдан-қун майда-майда «қунонбойчалар»га айланиб кетади. Уларнинг энг ёркин намунаси булган (бир қуз тарзда тасвирланиши ҳам бежиз эмас) Урозбой туртинчи китобда Абайга қарши қаратилган фитналарга бошчилик килади».

Муаллиф роман-эпопеяни яратиш учун қуп вақт тайёрланди, чунки Абайни халқ жондидан севгани ва бошига қутарганига қарамай, у вақтда деярли ҳеч қанақа далилий ашё, ҳужжат қолмаган. Тугри, Мухтор Авезов йигитлик даврида буюқ козок шоирнинг айрим қамондошлари билан, жумладан, уз китобининг булғуси қахрамонлари Дилда ва Айгерим билан учрашган. Орадан йиллар ўтиб, ёзувчи бу ҳақда шундай ёзган эди: «Қарияларнинг гира-шира эслаб айтган хотиралари Абайнинг ёшлигини тасаввур этишда менга жуда қул келди, олтмиш ёшли Айгеримнинг чехрасига бокиб, қачонлардир шоир ақлини шоширган унинг гулдек ёшлигидаги ҳусну қиройини тасвирлашга ҳаракат қилдим». Бирок Мухтор Авезовга, шубҳасизки, Абайнинг шеърини асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Мухтор Авезовнинг Абайнинг «Бўргут тутган қавандоз эрта ёккан қор қуйнида ўчиб боради» деб бошланувчи шеъри асосида яратган ҳикояси машҳур. Ёзувчининг узи бу ҳикоя ҳақидаги эсдаликларини шундай ифода этган: «Мен бўргут билан бирга овға чиққан Абайни тасвирлар эканман, бу шеърнинг тугилишига таъсир этиш эҳтимоли булган ҳолатларни жонлантиришга ҳаракат қилдим. Ов пайтида, ўлжа томон қуйиб юборилган бўргут тулкининг ўстига ташланган чоғида беихтиёр оппоқ момик қор ва унинг ўстида тим қора бўргут билан олишаётган қизил тулкичага қузи тушиб, ҳаёлида қумилаётган қиз тимсоли қонланади, кейин у бу тимсолни уз шеърида акс эттиради. Бу манзара тулиғича ҳақиқий лирик танаффус, Абайни биринчи маҳбубаси — Туржон яшайдиган овулға бошлаб қелган бурон манзарасини тасвирлаш олдидан қулланган рухий маром ўсули эди. Бу бурон шоирнинг узи бошдан қечирган рухий долғалар учун бир сабаб, бир қамз эди. Мен бу учрашувнинг мураккаб рухий саҳнасини имқон қадар анча аниқ тасвирламоқчи эдим. Бурон манзарасини анча қуюқ бўёқларда ифода этдим. Овқилар бир неча қеча-қондуз мобайнида қулу саҳро бағрида ўлоқиб қуради, ҳалоқат домида қолади. Ниҳоят, қолдан тойган йуловқилар номаълум овулға қелиб қолади, қироқлар шуъласи қанг-тузон орқидан ўларни ўзига қорлайди. Беҳосдан қургонга қадам қуяр экан, руҳан қундан учрашувни ҳаёлига ҳам қелтирмаган Абай бемадор ва беҳол эди, у қаттиқ иситмалай бошлайди.

Бутун вужуди ўт-олов бўлиб, аланға оғушида тулганиб ётар экан, алаҳсираб, ҳеч нарсанинг қарқига қормас, гуё қуни битқандек туюлар эди. Уни факат Тугжон қарддан ҳалос этиши мумкин. Тугжон бирор нарса қирғойи қилиб қеришни сурайди, у уз муҳаббат қушигини эсламоқчи бўлади, лекин қадори етмайди. Бу учрашув сабаб Абай бутун қорлиғи билан Тугжонга қогланиб қолганини ҳис этади ва янғидан қашф этилган севги унинг учун ўта ишқий, ўта эҳтиросли қушиқларнинг битмас-туғанмас манбайға айланади».

Эпопеянинг асосий мавзуси — козок халқининг ўрта асрлардан бўён қавом этиб қелаётган қулматдан тараккиёт, миллатнинг қуллаб-яшнаши қари қориш йулидир. Қалсафа, қузалик ва қозиба, халқнинг қанг-қаранг ҳаёти ва турмуш тарзи, анъана ва одатлар, шеърини истеъдод ва меҳмондустлик яхшилик ва адолат - ҳуллас, халқнинг ярим асрлик тарихи роман саҳифаларида бутун қузалиғи, табиий тарихий ривожланиши ва мураккаб ижтимоий қигаллиқлари билан акс этади.

Қозок халқининг миллий қарактерига ҳос ҳусусиятларни уз сиймосида мужассамлаштирган, халқ ҳаётига алоқадор асосий воқеа-қодисалар унинг атрофида қечадиған қеал тарихий шаҳсни бош қахрамон қилиб танлаб олар экан, Мухтор Авезов шу тарика козок халқи танлаған йул тарихий тараккиётнинг бўрилиш нуқтасида нақадар оғир ва мураккаб қечганини қурсатиб қеради.

Абай сиймоси — козок адабиётидаги энг мураккаб тнмсоллардан бири. Буюқ шоир қавр билан, халқ билан, жамиятнинг қарча асосий қатламлари билан қуп томонлама алоқада

тасвирланган. У уз давридаги муаммоларнинг энг кучли гирдобиди колиб кетади. Биз санъаткор уз кахрамонини бутун роман-эпопея давомида кандай мохирлик билан тасвирлаётганини кузатиб борамиз: Кунгли нозик таъсирчан усмир, ошиқлик дардига чалинган йигит, оила бошлиги — ота, ёшларнинг илхомчиси булган устоз-муаллим, халкнинг дусту ва курашчиси шоир. Роман марказида ижодкор шахс тасвирланишининг узи теран маънога эга.

Абай узига кадрдон булган сахрога теран томирлар билан боғланиб колган. Ёшлигида орттирган хамфикри, чинакам, содик дусту Ербол бир умр унга хамнафас булади. Шоирга бенихоя вафодор булган бу инсон гуё Абайнинг иккинчи «мен»и сифатида намоён булади. Ёзувчи Ербол тимсоли воситасида бамисоли халкнинг буюк шоир хақидаги гам-ташвишларини курсатгандек булади.

Шоирнинг иккинчи олами муаллифнинг доимий диққат-эътиборида. Ёзувчи энг нозик кечинмаларни хам, кахрамон рухиятидаги арзимас узгаришларни хам куздан кочирмайди. Бу факат Абайнинг тарихий шахс экани билан эмас, балки унинг улкан акл-идроқка эга буюк шоир булгани билан хам изоҳланади. Абайнинг Пушкин кахрамони — Татьянанинг мактубини таржима этишга бағишланган лавхада унинг ижод оловида кандай куйиб-ёнгани айниқса яққол тасвирлаб берилган. «Татьянанинг нолалари»да Абай уз калбидаги изтиробларга хамоханглик топади. Шоир куллари уз-узица, беихтиёр довтқалам сари, Пушкин асарлари сари чузилади. Шу тарика факат Татьянанинг калб туридаги хистуйгуларни очиб берадиган бетакрор таржима вужудга келибгина колмайди, балки янги наво, янги кушик хам яратилди. Абай бу кушик воситасида узи севган кизга аталган утли мухаббатини ифода этди. «Татьянанинг мактуби»ни Айгерей куйлайдиган ва Абай бутун вужуди билан сел булиб тинглаб утирадиган лавха тасвирида Мухтор Аvezов шоирнинг калб холатини худди ойнада куриб тургандек акс эттиради: «Абайнинг назарида, у узини, яъни қачонлардир махбубасидан нигоҳини узолмай, хатто дамини хам чиқаролмай у куйлаган кушик сеҳрига берилган Абайни қайта топгандек булди... У куйлаётгани йук, у кунглида пинхон хасратларни тукиб солаётган эди. Бу факат Татьянанинг калб сири эмасди...»

Зукколик ва нозиктаъблик — Абайнинг асосий хусусиятларидан эди. У ярим аср мобайнида куп кувонч ва хасратларни бошдан кечирази, инсонлар томонидан содир этиладиган аблахлик ва алдовларни курди, яқин кишиларида жудо булди, эл-юртнинг олқиши-офаринига эришди. Лекин шунча аччик-чучукларни бошдан кечирганига карамай, унинг куп киррали шахсиятида қачонлардир Корашух этақларида илк сабоқни олган зукко за мумин-қобил усмирнинг сиймоси хамиша намоён булиб турди. Уша ерда унинг отаси Қунонбой сахрода юрган одамнинг ақлига хам сигмайдиган ёвузликка кул урган эди: Қунонбой узининг нуфузи, макқорлиги ва эрқаланиб, хаддидан ошиб кетгани боис сахро бойларини машъум бир ҳукми имзолашга мажбур этган эди. Бу хол Қадарнинг тақдирини фожиа тарзда хал этган эди. Қунонбой унинг ерига куз олайтирган эди. Абайнинг мана шу воқеадан кейин кечган бутун хаёти, бутун хатти-харақатлари гуё ана шу фожиа билан чирмашиб кетгандек. Айнан ана шу воқеалар Абайни хаётдаги уз урнини тугал англаб этишга, отасига бошқача куз билан қараш ва унинг метин кулларида кутулиб кетишга мажбур этади. Ота-бола уртасидаги қарама-қаршилиқ аста-секин жиддийлашиб боради: «Биринчидан, сен нима қадрли, нима арзимас нарса эканининг фарқига бормайсан. Газнангни уйлаб-нетиб утирмай елга совурасан. Сен хаддан зиёд оқ-қунгил ва соддасан, худди сохиллари теп-теқис кулга ухшайсан. Бундай кулнинг сувини итлар хам булгайди, моллар хам лойқалатиб утади. Иккинчидан, сен дусту душманнинг фарқига бормайсан, душманга душмандек дустга дустдек қарайсан. Сенинг қунглинда сир ётмайди, дардингни хаммага дастурхон қилаверасан. Халқни эргаштирмоқчи булган одам бундай қилмаслиги лозим. Акс холда у халқни бошқара олмайди. Учинчидан, сен русларга суйқалишни бошладинг. Сенинг қунглинг шуларга мойил, шунинг учун хам сен мусулмонлар уртасида обру-эътибор тополмайсан».

Абайнинг отасига айтган жавоб сузлари роман воқеалари ривожидидаги муҳим босқич ҳисобланади. Ушбу сузларда Абайнинг хам, муаллифнинг хам буюқлиги ва донишмандлиги яққол намоён булади. Ота узи тилга олган учта масала юзасидан хам углидан муносиб жавоб олади: «Сизнинг айтишингизча, мен сохиллари яйдоқ, теп-теқис кул эканман. Хуш, бунинг нимаси ёмон? Ёки бундан қура, факат арқони, челаги ва бақувват куллари бор одам сув олиб

ича оладиган тубсиз кудук булган маъкулми? Мен хаммага — карияларга хам, болаларга хам, бечораларга, хуллас, кимнинг кули калта булса, барчасига фойдаси тегадиган одам булишни афзал биламан. Иккинчидан, халк кимки азоб-укубатига шерик булса, ушанинг гапига кулок тутади. Учинчидан, русларни тилга олдингиз. Халкимга ва менга энг азиз нарса — билим ва зиё... Бу нарсалар эса русларнинг кўлида...»

Роман муаллифнинг буюклиги ва кудрати шундаки, «Абай йули» роман-эпопеяси турли лавхаларнинг ягона ансамбли сифатида намоён булади. Бу лавхалар хаётнинг чуқур катламларини очиб беради. Романдаги купдан-куп кахрамонлар тизими козок халки хакида, унинг мураккаб тақдири, юксак ахлокий ва маънавий хусусиятлари хакида яхлит тасаввур уйготлади.

Бу йирик асар романчиликнинг бир талай жанрларининг хусусиятлари — рухийлик, оилавий-маишийлик, ижтимоийлик ва фалсафийликни камраб олади. Тимсоллар, манзараларнинг микёси ва нихоятда купкирралилиги шундан. Одамлар ва воқеаларнинг улкан окими Абай яшаган даврни бутун мураккаблиги ва ранг-баранглиги билан кайта жонлантиради. Бу жихатдан Чингиз Айтматовнинг куйидаги мулохазалари гоятда уринли: «Мухтор Аvezовнинг истеъдоди, билим даражаси ва сузни эгаллаш махоратига кура хар ишни эплагувчи, яъни универсалдир. Бундай эпилик гоятда соф ва теран узига хослик билан муштараклашиб кетади. Унинг буюк «Абай» эпопеяси, киссаю хикоялари, пьесалари — юксак андозадаги меросдир. Бу шундай кечмиш эстетик дунёни, унингсиз кураш ва фожиа оркали мудом хурликка, маънавий софликка, ижтимоий адолатга интилган абадий, тубсиз-нихоясиз инсон мохиятини англашнинг имкони йук. Мухтор Аvezов буларнинг барчаси хакида катта микёсда, куюк буёкларда, юрак кони ва азоби билан хикоя килади. Мухтор Аvezов шундай бир гузаллик оламики, бугунги кунда унингсиз утмиш ва бугунни бутун карама-каршилигини, узгаришларнинг тарихийлиги ва ахамиятини тасаввур этиш кийин».

Роман-эпопеяда гоятда мухим поэтик тимсол борки, Мухтор Аvezов бош кахрамонини айнан шунга киёслайди. Бу тимсол — тошлок ерда буй чузиб, баланд, катта кари дарахтга айланган, осмонга бокиб, уз бутоклари-нинг тақдири, узининг куп йиллик хаёти мазмуни тугрисида сурайдиган Чинор тимсолидир. Мухтор Аvezов Абай хакидаги маколасида буюк окин козок адабиётининг забардаст кайрогочи, унинг соясида козок ёзувчиларининг купгина авлодлари утириб, нажот топган, дея таъкидлаган эди. Менинг назаримда Мухтор Аvezовнинг узи хам ана шу нажот топганларнинг бири — энг истеъдодлиси ва яккол эсда коладигани.

Мухтор Аvezов бир сузида япон халкининг «Агар Никкони курмаган булсанг, койилмаком сузини айтмай куякол» деган иборасини эслаган эди. Ёзувчининг узи эса Никкога борган ва бу шахарнинг хусну тароватини куриб, чиндан хам койил колган эди. Лекин мен Японияга бормаганман, бинобарин Никконинг жозибасидан бахраманд булмаганман, шунга карамай, зур масъулият билан, узимга ишониб айнан уша сузни айтмокчиман — койилмаком сузи буюк козок адиби ижодига гоятда муносиб.

Адабиётлар :

- 1.Мухтор Аvezов. “Абай” романи. Т. 1959
- 2.Хамраев Ф. Мутаносиблик.Т.,2000
3. Мухтор Аvezов.Обой хакидаги романларим устида олиб борган ишларим.”Шарқ юлдузи” журнали. 1960 йил.

Бешинчи маъруза :Туркман адабиёти. (2 соат)

Режа

1. Туркман халқи тарихи хакида.
2. Ёзма адабиётининг шаклланиши.
3. Андалиб ижоди.
4. ХУ111-Х1Х асрлар туркман адабиёти таракқиети.

Таянч сўз ва иборалар: Туркман халқи, ёзма адабиётининг шаклланиши, Насимий, XVIII аср туркман адабиёти, Андалиб

ижоди, Фурқат «Сайдинг қуябер сайёд, сайёра экан мандек»,
Саъдулла, Мулло Напас ижоди.

Туркман халқи тарихи ҳақида .Туркман халқи Ўрта Осиёда қадим замонлардан бери яшаб келаётган, туркий тилда сўзлашувчи халқлардан биридир. Туркман халқининг адабиёти ва маданияти, Ўрта Осиёда яшовчи қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг адабиёти ва маданияти сингари, фольклар асарлари шаклида ривожланди.

Туркман халқи асрлар давомида чет эл босқинчилари-эронийлар, араблар, мўғул истилочилари, Бухоро амирлари ва Хива хонлари зулми остида қолиб келганлиги сабабли, туркман миллий адабиёти ва маданиятининг ривожланиши учун зарур шароит йўқ эди. Шунга қарамай, туркман халқи ўз миллий тилининг софлигини сақлаб қолди, ўз миллий адабиёти ва маданиятини тараққий эттириш учун кураш олиб борди.

Халқ орасида туркман меҳнаткаш оммасининг орзу- умидларини куйловчи эртақлар, дostonлар, ангула ва қўшиқлар ҳам кенг тарқалган. Бир қанча туркман халқ латифаларида доно ва тадбиркор Каминанинг образи яратилганки, у ўзининг кўп хусусиятлари билан ўзбек, тожик ва озарбайжон халқ латифаларида кўринган Афанди ва Мушфикий образларига жуда яқин туради.

Ёзма адабиётининг шаклланиши. Ёзма адабиёт Туркменистонда тахминан XI-XII асрларда, дастлаб Аҳмад Яссавий ва Али сингари диний мотивларни тараннум қилган шоирларнинг ижоди таъсири остида туркий (чиғатой) тилида юзага келади.

XIV асрда туркман ёзма адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган Бурҳониддин Сивосий ва Сайид Имониддин Насимийлар яшаб ижод этдилар. Бу ёзувчилар ижодида ҳам диний-мистик адабиётнинг таъсири яққол сезилиб туради. Лекин шунга қарамай, туркман адабиёти тарихини ўрганишда уларнинг ижоди салмоқли ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, Хоразмда туғилиб, ҳаётини Кичик Осиё шаҳарларида ўтказган Сивосий ўз шеърларини биринчи бўлиб туркман тилида ёзди. У поэзияга аруз вазнини киритди. Ҳунарманд оилада туғилиб ўсган ва ўқимишли киши бўлиб етишган Насимий ўз асарларини Туркиянинг шаҳар ва қишлоқларида дарбадарликда ҳаёт кечирган йилларида яратди. Насимий ўзининг ўткир ҳажвий асарлари учун руҳонийлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

XVIII аср туркман адабиётининг йирик вакиллари Андалиб, Озодий, Маъруфий, Ғойибий, Шайдоий, Шобанда кабилар ўз ижодларида форс-тожик, озарбайжон ва ўзбек адабиётларининг энг яхши анъаналарини давом эттирдилар. Шоир Шобанданинг "Шоҳ-бахром", "Гулу Булбул", "Хўҷамберди" дostonлари ва кўп лирик шеърлари, Маъруфийнинг "Сайфул-мулк-Мидҳал Жамол", "Юсуф ва Аҳмад", "Давлат Эр" дostonлари, Шайдоийнинг "Қиссаи Санав-бар" дostonи кенг халқ орасида жуда машҳур.

Андалиб ижоди. Андалиб таҳаллуси билан ижод этган Нурмуҳаммад Ғариб XVIII аср туркман адабиёти тарихида ўзининг лирик ғазаллари ҳамда "Лайли-Мажнун", "Юсуф-Зулайҳо", "Зайнулараб" каби асарлари билан сезиларли из қолдирган шоирдир. У асли қорамозилик (ҳозирги Туркменистон Республикаси, Илонли туманининг Қорамози қишлоғи) бўлиб, бир қанча вақт Хоразмда (Урганч) яшаган, "Юсуф—Зулайҳо" дostonининг кириш қисмида шоир ўзи ҳақида шундай ёзади:

Исмим эрур Нурмуҳаммад Ғариб,
Сўзда таҳаллусим эрур Андалиб.
Шаҳримиз Урганч вилоят эрди,
Хонимиз шох Ғози жамоати эди.
Асли маконимиз Қорамозидур,
Олами ишратда кишу ёзидур.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Хоразмда "Гуруғли". "Шоҳсанам ва Ғариб ", " Тохир ва Зухра", "Ҳурилик ва ҳамро", "Саётхон ва ҳамро" каби дostonлар оқин-бахшилар томонидан тингловчиларнинг талабига қараб гоҳ ўзбек, гоҳ туркман тилида куйланган. Бу эса ҳар икки халқ шоирлари, оқин - бахшилари ижодий ҳамкорлигининг анча

тез ривожланишига сабаб бўлган. Андалиб мана шу адабий муҳитда қалам тебратганлиги сабабли унинг асарлари, шубҳасиз, иккала халққа ҳам тушунарлидир. Туркменистон Фанлар академиясининг академиги Б. Карриев айтганидек: "Шоир Андалиб ... аксар асарларини ("Уғзнома", "Насими", "Саъди Ваққос", "Юсуф ва Зулайхо" ва бошқалар) ўзбек ва туркманларга бир хилда тушунарли тил (ва форма) да яратган"

Андалиб ғазаллари, дostonлари Хоразмда кенг оmmалашиб кетган. XVIII- XIX асрларда яшаган Хоразм шоирлари унинг ғазалларига назиралар ёзганлар, мухаммаслар боғлаганлар. Замонасининг кўзга кўринган шоири ҳисобланган Мунис Хоразмий Андалиб ижодига бўлган муҳаббатини мана бундай ифодалайди:

Дахр ичра биров сен каби олий насаб эрмас,
Хар бебасар авсофини демак адаб эрмас,
Мунисга йулингда юрумак бесабаб эрмас,
Боксам юзунгга, Андалиббосо ажаб эрмас,
Фурқатзада булғонга висолинг на бало хуб.

Шуни айтиш керакки, Андалиб лирик ғазаллари билангина эмас, балки эпик асарлари билан ҳам замондош ва ўзидан кейинги қалам аҳллари илҳомлантирган. уларга ижодий таъсир этган. Андалиб ижодидан, ҳўсусан унинг дostonларидан илҳом олиб, баракали ижод қилган ўзбек мумтоз шоирларидан бири Зокиржон Фурқаддир. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мандек» мисралари билан бошланадиган машҳур мусаддаси Андалибнинг «Лайли - Мажнун» дostonидаги Сайдинг қўябер сайёд, дилпора экан мендек» бошланмали мухаммаси таъсирида ёзилгандир. «Шарқ Юлдузи» журналининг 1966 йил 3 сониди Зўҳра Толипованинг «Бир мусаддас тарихи» деган мақоласи босилган бўлиб, унда мусаддаснинг ёзилиш тарихи ҳақида қимматли маълумот келтирилган эди. Муаллифнинг мусаддасдаги Саъдулланинг тарихий шахс эканлигини далиллаш учун келтирган факти бу масалага бир мунча аниқлик киритди. 3. Толипованинг ёзишига қараганда, Саъдулла ғожиаси билан боғлиқ бўлган воқеа мана бундай . Ўтган аср ўрталарида Тошкентда Иса ҳофиз деган киши яшаган. Унинг Абдулла ва Саъдулла деган ўғиллари бўлган. Абдулла ниҳоятда хушовоз бўлиб, халқ уни «Абдулла булбул » деб атаган Абдулланинг укаси Саъдулла ҳам ҳофиз экан. Фурқат ака-ука ҳофизлар билан шоир Мискин орқали танишган ва қадрдонлашиб кетган. Иса ҳофизнинг ўғиллари Фурқат ғазалларини кўчириб ҳофизларга, шеър ҳавасмандларига тарқатишар экан.

Саъдулла довюрак, адолатли, халқпарвар йигит бўлиб, Фурқат унинг бу хислатларини жуда ҳурмат қилар экан. Саъдулла Фурқат томонидан ёзилган ҳажвияларни уқиб юрганлиги учун бойлар ғазабга келиб, ундан ўч олмоқчи бўлишади. Кўнларнинг бирида Иса ҳофизнинг уйига бир киши келиб Абдулла билан Саъдуллани сўрайди. Саъдулла акаси йўқлигини айтганида, ҳалиги киши: «бўлмаса ўзингиз юра қолинг, зиёфатга айтиб юборишди. Дўстингиз Фурқат ҳам бўладилар», дейди. Фурқат номини эшитган Саъдулла рози бўлади. Улар бир бойникига кириб боришади. У ердагилар Саъдуллани очик юз билан кутиб олишиб уни юқорига ўтказишади. Саъдулла танишларидан уч тўрттасини куради-ю, лекин Фурқатни кўрмай ҳайрон бўлади. Бир оздан сўнг ўтирганлардан баъзилари унга аччиқ гаплар ота бошлашади. Довюрак Саъдулла уларнинг бу гапларига парво ҳам қилмайди. Бу эса ўтирганларнинг жиғига тегади. Хўфтон номозини уқиш учун ўринларидан туришганда Саъдуллани «ҳурматлаб» олдинга ўтказишади. Саъдулла бошини саждага қўйиши билан орқадан тўрт норгул йигит унга ташланиб, оғзига латта тикишади, кул-оёқларини боғлашади. Шундан кейин катта қора шолга урашади-да, пасткамликлардан судраб бориб, анҳорга ташлашади. Юқоридагилардан маълум бўляптики, Саъдулла- тарихий шахс. Фурқатнинг «Сайдинг қўябер сайёд... » шеъри Саъдулла ҳофизнинг ғожиавий ўлими муносабати билан ёзилган марсиядир. Ҳофизлар уни куйга солиб, ашула қилиб юришган.

Фурқат адабий мероси танишар эканмиз, шоирнинг Андалиб ижоди, унинг асарлари билан танишлиги, илҳомланганлиги, таъсирланганлиги туғрисида ҳеч қандай маълумот учратмадик. Марҳум профессор Х.Зарифов «Сайдинг қўявер сайёд...» шеърига бағишлаб ёзган бир мақоласида Фурқат мазкур мусаддасни «Лайли ва Мажнун» дostonидан ижодий фойдаланган ҳолда ёзганлигини қайд этиб, шундай дейди: «Бизнинг фикримизча, Зокиржон

Фурқат шеъриятга берилган йилларида мазкур «Лайли ва Мажнун» достонининг бирор нусхасини ўқиган, классик адабиёт оркали унга таниш "бўлган мазкур эпизод билан боғлиқ ўша мухаммас сезгир шоирнинг юрагига тўқинган». Х.Зарипов тилга олган «Лайли ва Мажнун» достони ва ундаги мухаммас, шубҳасиз, Андалиб қаламига мансубдир.

Бизнингча, «Сайдинг қуявер сайёд...» мусаддаси Андалиб мухаммасига татаббуридир. Татаббуъ приймага кўра, бир шоир томонидан бадий қолипга солинган бир хил мазмун бошқа шоир томонидан давом эттирилади, унга эргашиб, уни янги формага, янги ифодага қолипга солинади. Натижада бир мазмун турли бадий формага тушади, турли вариантдаги шеърий асарлар майдонга келади. Татаббуъ XIX-XX асрлар шеъриятида кенг қўлланган адабий приёмлардан ҳисобланади. Уша даврда яшаб ижод этган Муқимий, Завқий, Аваз каби демократ шоирлар шеъриятдаги бу приёмда кўплаб асарлар яратган. Фурқат ўзининг «Саргузаштнома» асарида бу бадий приём ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «ҳамиша мажлис бўёд айлаб зодаи табларимиздин мушоира килур эдик ва бир ғазалда татаббуъ кургузуб, бир мазмун ҳар ифода топар эрди»,

Фурқат калбадаги ижодий ниятнинг юзага чиқиши учун шароит, ҳаёт озуқаси керак эди. Шоир ҳаётининг кузатиб юриб, ўз бадий мақсадига мос келадиган ҳаётий ҳодисага - дўсти Саъдулло ғожиасига дуч келган. Шундай қилиб, Саъдулло ҳофиз тақдири «Сайдинг қуявер сайёд...» мусаддасининг майдонга келишида жиддий туртки бўлган ҳар иккала асарнинг яъни Андалиб мухаммасига ҳамда Фурқат мусаддасини ғоявий бадий-жиҳатдан қиёсласак, бу фикр яна равшанроқ бўлади.

Мусаддас ғоя ва образлар билангина эмас, балки шакл жиҳатдан ҳам мухаммасга жуда ўхшайди.

Андалиб:

Сайдинг қуявер сайёд, дилпора экан мендек,
Чулларда кезиб юрган сайёра экан мендек,
Сар то саҳи ҳижрондан кўп ёра экан мендек,
Саргашта Ғариб бўлган, овора экан мендек,
Ол домингни бўйнидан, бечора экан мендек.

Ишқ офатида Мажнун йўлидаи- пар бўлдим,
Аъзоимни эл билмас, аҳволи - дилгар бўлдим.
Буларни назр кил деб, сенга юз тутар бўлдим,
Гуёки қиёматлик, мен сенга писар бўлдим,
Ол домингни бўйнидан бечора экан мендек.

Фурқат:

Сайдинг қўёбер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домингни бўйнидан. бечора экан мендек.
Уз ёрини топмасдан овора экан мендек.
Иқболи нигун, баҳти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек.
Қуйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Йўқ ҳуши пари теккан девонага ўхшайдур,
Кўз ёши ана тўлган лаймонага ўхшайдур.
Ғам сели оилан қўнгли вайронага ўхшайдур,
Фурқатда бу Сайдулло, ҳайронага ўхшайдур,
Ҳижрон ўқидан жисми кўп ёра экан мендек.
Қуйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Бу парчалардан кўриниб турибдики, бандлар ҳар жиҳатдан- мазмун жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам оҳангдош. Шундай бўлса ҳам, бандларнинг фарқ қиладиган томонлари бор. Чунончи, Фурқат бандларини ҳажм жиҳатдан кенгайтирган. асарнинг таъсир кучини

оширган. Шунингдек, Фуркат асарга ўз даври талабларига кўра кенгроқ мазмун беришга ҳаракат қилган.

Мухаммасда ҳам, мусаддасда ҳам сайёд зулм, зўрлик ва адолатсизлик, сайд эса тутқунлик тимсоли сифатида талкин этилади. Иккала ижодкор ҳам зўлм ва жафо кўрган сайдга ачиниш ҳисси билан қарайди, сайёдни эса, эркинликнинг ашаддий душмани сифатида ланатлайдилар. Андалиб мухаммасидаги мазмун ҳамда сайд ва сайёд образлари мусаддасда ҳам сақланган. Шунга қарамадан, мусаддасдаги образлар мухаммасдаги образларнинг такрори эмас. Фуркат дўсти Саъдуллонинг душманлари томонидан қўл-оёқлари боғланган ҳолда ҳар томонга судраб юришлари ҳолатини бўрттириб кўрсатиш учун Андалиб мухаммасидаги образларга мурожаат қилган бўлсада, бу образларга реалистик бўёқлар беришга ҳаракат қилган.

Андалиб ўз асарларида Мажнун ҳолатини, унинг қалб изтиробларини кўрсатиш учун оҳу образидан фойдаланган бўлсада, Фуркат бу аллегорик образ орқали қўл-оёғи боғланган Саъдуллонинг аянчли аҳволини тасвирлаган:

Бечорани зулм айлаб, қўл буйинини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, улдурғали чорлабсан,
Куксини жафо бирла лола каби доғлабсан, Сот
манга, агар қасдинг олғувчи суроғлабсан,
Ҳижрон укидин жисми кўп ёра экан мандек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мандек.

Мазкур сатрларни ўқиган китобхон кўз ўнгида оҳу эмас, балки ўлим чангалида турган инсон- Саъдулла гавдаланади. Андалиб мухаммасида сайёддан оҳуни озод қилинишини ўтиниб сўраса, Фуркат бегуноҳ Саъдуллани бўшатишни талаб қилади.

Юқорида баён қилинган фикрларни хулосалаб айтиш мумкинми, Фуркат туркман шоири Андалиб ижоди, хусусан, унинг «Лайли ва Мажнун» достонидаги мухаммасдаги илгари сурилган ғоялар Фуркат талқинида янада юқори поғонага кўтарилди. Шоир ўзининг турмуш ҳақидаги олийжаноб орзу-истакларини, эркин ва қўвнок ҳаётга бўлган интилишларини, эрксизликка, ҳақсизликка бўлган нафратини ифодалашда Андалиб тажрибасига таянди, унинг мухаммасига мусаддас билан жавоб бериб, шоирлик исътедодини янада равшанроқ намоён этди. Мусаддаснинг ўзбек демократик адабиётининг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолганлигининг боиси ҳам шунда. Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб яратган бир қанча дostonлар орасида энг машҳури "Лайли ва Мажнун" достонидир. Андалиб достонида Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" асарининг сюжети, образлар системаси тўлиқ сақланган бўлса ҳам, унда шоир XVIII аср туркман халқининг ҳаётини акс эттиришга интиланган. Халқ оғзаки ижодидан баракали фойдаланган. Андалибнинг "Лайли ва Мажнун" асари унинг вафотидан сўнг оғиздан-оғизга кўчиб, халқ орасида кенг тарқалди. Достон туркман тилида насрий ва шеърий йўл билан ёзилган бўлиб, унда туркман халқ оғзаки ижодининг ҳам кучли таъсири сезилади. Достоннинг сюжети Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонига қараганда анча ихчам, унда баъзи эпизодлар тушириб қолдирилган. Зўр бадий маҳорат билан яратилган бу асарда Лайли, Қайс, Зайд, Қайснинг ота-онаси образлари жуда ёрқин бўёқлар билан чизилган. Андалиб Навоийнинг кўр-кўрона тақдидчиси бўлиб қолмаган, балки ўз ишига ижодий ёндашган. Насрий парчаларда шоир кўпроқ асарнинг сюжет чизигини ривожлантирса, унда салмоқли ўрин тутган шеърий парчаларда эса қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари, психологияси ва ички дунёсини очиб беради. Бу жиҳатдан Лайли ва Мажнун ўртасидаги, Қайс ва унинг отаси ўртасидаги шеърий диалоглар, шунингдек, ғазал ва маснавийлар диққатга сазовордир. Лайли ва Мажнунларнинг фожиали севгисини ҳикоя қилиш жараёнида Андалиб баъзан юмордан фойдаланади. Масалан, Қайс билан Лайли бир мактабда ўқиб, бир-бирларини севадилар, лекин тез орада бундан хабардор бўлган Лайлининг отаси ўз қизини мактабга юбормай қўяди. Қайс мактабга келиб Лайлини учратмагач, қаттиқ ҳаяжонланади. Муаллим ундан: "Кечаги сабоқ нима эди, айт", деб сўраганда, Қайс пундай жавоб қайтаради:

Ҳар сабо келарди гулдек очилиб,

*Кулганда оғзидан дурлар сочилиб,
Ё ўлдими, кафан тўни бичилиб,
Не бўлди, билмайман, келмади Лайли?*

Андалибнинг замондоши Давлатмамед Озодий ўз шеърларида бир қанча ижтимоий муаммони кўтариб чиқди. Ўз даврининг илғор кишиси бўлган Озодий Бухоро амирлари, Хива хонлари зулми остида эзилиб келаётган халқнинг озодлигини орзу қилди, халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларни каттиқ қоралади. Шоирнинг "Ваъзи Озод" асарида ўзбек, форс-тожик ва туркман мумтоз шеърятининг кўпгина фазилатлари ривожлантирилган.

Туркман мумтоз адабиётининг асосчиси Махтумқули мамлакатда Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳукмронлик қилган даврда яшади. Унинг ёшлиги Гургон шаҳри яқинидаги Хожигавшан қишлоғида ўтди. Махтумқули Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таълим олди. Эрон кўшинлари билан бўлган жанглардан бирида асир тушган шоир бир неча вақт Эронда яшади.

Ўзининг "Чақирик" номли шеърида Махтумқули туркманларни Эрон босқинчиларига қарши курашга даъват этади. Шоир туркман халқини озод ва туркман тупроғини обод кўришни орзу қилар эди.

Махтумқули туркман шеърлятида шакл ва мазмун новатори бўлиб қолди. У ғазалчиликни ҳар томонлама мукамаллаштирди, ғазалда ишқ-муҳаббатни ижтимоий мавзу билан боғлаб ривожлантирди. Махтумқули шеърларининг вазни равон, ўйноқи тили эса жуда содда бўлганлигидан халқ орасида тез тарқалди, куйга солиниб айтиладиган бўлди.

XV111-X1X асрлар туркман адабиёти тараққиёти. XVIII аср охири, XIX аср бошларида яшаб ижод этган туркман шоирлари Саидий, Котибий, Мискин Қилич ва Зелилий туркман адабиётида Махтумқули ижодининг давомчилари эдилар. Саидий Эрон подшосининг асири, Зелилий эса Хива хонининг тутқуни сифатида жуда кўп қийинчиликларни кечирдилар. Бу шоирлар ўз ватанларидан узоқда яшаган бўлишларига қарамай, уларнинг шеър-лари ватанпарварлик ва қахрамонлик руҳи билан суғорилган. Саидий ва Зелилийнинг эҳтиросли сатрларида, бир томондан, ўша замоннинг золим подшолари, беклари шафқатсиз танқид қилинса, иккинчи томондан, туркман халқига чуқур муҳаббат ҳисси маҳорат билан ифодаланади, туркман чўли, шаҳар ва қишлоқларининг жонли тасвири чизилади.

Туркман мумтоз шоирларининг яна бир намояндаси Мулло Напас туркман тарқок қабилалари бирлашиб, аввал Хива хонига, сўнг Эрон шоҳи аскарларига қарши озодлик ҳаракатини кучайтирган бир вақтда яшади. У ўз ватандошларининг озодлик учун олиб борган курашларда эришган ютуқларини кўриб беҳад қувонди. Мулло Напас ўз лирик ва эпик ижоди билан ҳам халқ оғзаки ижодида, ҳам ёзма адабиётда муносиб ўринни эгаллайди. Унинг лирикасида ижтимоий мотивлар кўп кўринмаса-да, шеърлари ғоят содда ва равон ёзилган. Мулло Напас ўз шеърлари орқали туркман мумтоз поэзиясига озарбайжон, ўзбек ва тожик шоирларининг яхши анъаналарини сингдирди, ишқий мавзуда ёзилган шеърларида ҳам туркман халқининг кундалик ҳаётини ёрқин акс эттирди.

Адабиёт тарихида Мулло Напас ўзининг бизгача етиб келган ўзининг иккита мазмундор достони билан машҳур. Улардан бири "Гелмишам" ва иккинчиси "Зўхро ва Тохир" достонларидир.

"Гелмишам" достонида шоир дунёвий пок севгининг ҳар қандай илоҳий кучдан ҳам - ажал фариштаси, Муҳаммад пайғамбар ва ҳатто худодан ҳам устун эканлигини Непес номли ошиқ йигит ва унинг садоқатли маъшуқаси образларида усталик билан баён қилган.

"Зўхро ва Тохир" Тохир ва Зўхрлар тўғрисидаги машҳур сюжет, афсона ва образлардан ижодий фойдаланиб ёзилган тамоман янги, оригинал асардир. Достонда тасвирлаишича, Тохир билан Зўхро бир-бирларини севадилар, лекин золим хон Бобохон ва ўша замондаги феодал муҳит бу икки ёш қалб севгисининг фожиали якунланишига сабаб бўлади. Тохир ва Зўхро эски урф-одатлар ва зўравонликнинг қурбони бўладилар. Аммо

буюк инсонпарвар шоир дoston воқеасининг фoжиали тугалланишини истамайди, ўз севимли қаҳрамонларининг ҳалок бўлишини эп кўрмайди. Шунинг учун у Тохир билан Зўҳро севгиси тўғрисидаги воқеани давом эттиради. Достонда ҳикоя қилинишича, золим Бобоҳон тахтдан йикитилиб, унинг ўрнига Одилшоҳ номи маърифатпарвар, адолатли ҳукмрон ҳокимият тепасига чиқади. Меҳнаткаш халқ эркин нафас олиб, мамлакат обод бўлади. Ана шундай фаровон ҳаёт шароитида Тохир ва Зўҳро қайта тирилиб, ўз душманларидан қасос оладилар. Пок дунёвий севги ўлим устидан ҳам, қора кучлар устидан ҳам ғолиб келади. Ошиқ ва маъшук мурод - мақсадларига етадилар.

Қардош ўзбек, тожик ва қирғиз адабиётларида бўлгани каби, туркман адабиёти таракқиётининг биринчи даврида ҳам (1905-1929) поэзия етакчи жанр бўлиб қолди. Бу вақтларда халқ шоири Кўр-муллонинг "Большевик" достони, Дурди Қиличнинг "Золимлар", "Камбағаллар", Мулло Муртнинг "Туркменистон учун азизсан", "Озодлик" сингари шеърӣ асарлари даврнинг долзарб масалаларига бағишланган эди.

Номлари тилга олинган халқ шоирларидан ташқари, бу давр туркман адабиётига Б. Кербобоев, А. Аламишев ҳам ўзларининг биринчи шеър, дostonлари билан кириб келдилар. Улар яратган "Сона" (А.Аламишев), "Қизлар дунёси", "Одатнинг қурбони" (Б.Кербобоев) дostonлари туркман поэзиясининг дастлабки йирик асарлари эди. Б. Кербобоев ва А. Дурдиевлар ўзларининг биринчи ҳикоя ва повестлари билан проза жанрини, Ота Кавшутов эса "Закаспий фронти" пьесаси билан драматургия жанрини бошлаб бердилар.

Проза соҳасида Б.Кербобоевнинг "Дадил қадам" (II қисм), "Небитдоғ"; О.Кавшутовнинг "Копетдоғ ён бағриларида" романлари; Беки Сейтаковнинг "Ўғилнинг совғаси", "Замондошлар"; Х. Исмоиловнинг "Икки отанинг ўғли" повестлари пайдо бўлди. Бу асарлар туркман ёзувчиларининг номини китобхонларига танитди.

Б.Кербобоев "Ойсултон" ва "Небитдоғ" асарларида замонавий мавзуга мурожаат қилади. "Ойсултон" повестида Ойсултон ва Бекенч сингари ёшларнинг соф севгиси, меҳнати, оилавий ҳаётидаги янгиликларни тарғиб этган ёзувчи "Небитдоғ" романида туркман ишчилар синфининг ҳаёти ҳақида ёрқин бадиий манзара яратишга муваффақ бўлади. Ҳар икки асарда ҳам меҳнатсеварлик олижаноб фазилат эканлигини кўрсатади.

Ўзбек-туркман халқларининг дўстлик ва «қардошлиқ тарихи Амудай узун» (Ғайратий). Бу қардошлиқ уларнинг адабиёти ва оғзаки ижодиётида чуқур из қолдирган. Гўрўғли бир қанча туркман халқ эпосларининг бош қаҳрамони бўлганидай, қирқдан ортиқ ўзбек халқ дostonлари ҳам унинг мардлик-олижаноблик хислатларини тасвирлашга бағишланган. Тохир ва Зухра, Ошиқ ва Ғариб сингари пок севги тимсоллари ҳар икки халқда ҳам зўр муҳаббат ва самимият билан улуғланади. А. Навоийни Махтумкули устоз сифатида қадрлади, унинг гуманистик ғояларини янги тарихий шароитида ривожлантирди. Ўз навбатида, Махтумкули ижоди ҳам ўнлаб ўзбек ғазалчи адиблари ижодига баракали таъсир кўрсатди.

Туркман китобхонлари ҳозирги вақтда Ойбекнинг «Навоий» ва «Қутлуғ қон», А.Мухторнинг «Опа-сингиллар», Ж.Шариповнинг «Хоразм», Ш.Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романларини, А.Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестини, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Уйғун, Зулфия, А.Орипов, О.Матжон, У.Азим, Хуршид Даврон, Н.Нарзуллаев, М.Бобоевларнинг шеърӣ асар-ларини ўз она тилларида ўқимокдалар.

Адабиётлар:

1. Туркман шоирлари. Т. 1963.
2. Зухра Толипова. «Бир мусаддас тарихи» «Шарқ юлдузи» журнали 1966, № 3
3. Қуронбев К. Андалип ва Фурқат. Ўзбек тили ва адабиёти . 1978 №3
4. Кербобоев Б. Дадил қадам. Т.1960.
5. Махтумкули.Шеърлар. Т. 1978.
6. Турналар ороли.Т.1971.
7. Кўзларингга боққанимда. Т. 1966
8. Кербобоев Б.Небитдоғ. Т. 1965
9. Тохиров О.Ўзбек туркман алоқалари. Тошкент 1979

Олтинчи маъруза: Махтумкули ижоди (2 соат)

Режа:

1. Махтумкули ҳаёти ва ижоди.
2. Шоир шеърятининг ғоявий-эстетик хусусиятлари.
3. Шоир шеърларининг ўрганилиш тарихи.
4. Махтумкули мероси.

Таянч сўз ва иборалар : туркман шоири ва мутафаккири, Озодий «Вазъи Озод», акалари Абдулла ва Мухаммадсафо, Менгли, Шергози.

Махтумкули ҳаёти ва ижоди. Улуг туркман шоири ва мутафаккири Махтумкули 1733 йили Атрек дарёси бўйидаги Хожиговшан овулида тугилган. Унинг илк устози Озодий тахаллуси билан шеърлар ёзган отаси Давлатмамад эди. Оилада хат-саводини чиқарган булажак шоир тахминан олти ёшидан овул мактабида - Ниёзсолих мулла кулида уқий бошлайди. Уткир зехни ва тиришқоклиги билан уқувчилар орасида алоҳида ажралиб турган Махтумкули кейин Кизилоёк (ҳозирги Чоржуй вилояти, Халач тумани) даги Идрис бобо мадрасасида тахсилни давом эттиради. Сунг Хиванинг Шергозихон мадрасасида илмини камолга етказди. Шунингдек бир муддат Бухородаги Кукалдош мадрасасида ҳам уқигани хақида ривоятлар мавжуд.

Махтумкули бадиий сузни юксак кадрлаган ва ижодий қобилиятга эга маърифатли оилага мансуб. Атрек жанубидаги вилоятда тугилган бобоси (воқеан, унинг исми ҳам Махтумкули булган - шоирга бобосининг отини беришган) тирикчилик важдан туркманларнинг гуркуз қабиласига иш излаб келади ва уруғ бошлиқларидан бирининг кулида ёлланиб ишлайди. Маълум муддат утиб, хужайин уни ўз жиянига уйлантириб қуяди ва у алоҳида хужалиқнинг бошлиғига айланади. Дехқончилик қилиш билан бирга, отга туқим тикиш, камчи туқиш, юган ва айил яшаш орқали даромадини муттасил ошира бориб, Махтумкули Ёначи (туқимдуз) номи билан довлуг таратади. Буш қолган вақтларида у қушиқлар туқиган ва улардан бири бизгача етиб қелган.

Отаси Давлатмамад ҳам алоҳида қобилияти билан ажралиб турар эди. У бошланғич маълумотини овулда олиб, сунг Хива мадрасаларида уқилини давом эттиради. Овулга қайтгач, болаларни уқитиш билан бирга, қишлоқ хужалиғи билан шугулланади. Агар бобоси учун шеър туқиш шунчаки ҳавас булган булса, отаси хақиқий шоир бўлиб етишади. У Озодий тахаллуси билан қуплаб қушиқ ва газаллар яратади. Унинг қарийб 6 минг мисрадан иборат панд-насихат мазмунидаги «Вазъи Озод» («Озод вазъи») номли достони сақланиб қолган. Бу асарлар Озодийнинг форсий (воқеан, у яхшигина шохномаҳон булган) ва туркий адабиётдан, хусусан, Алишер Навоий ижодидан етарли даражада хабардорлигини қурсатади.

Давлатмамаднинг оиласи қатта бўлиб, Махтумкули унинг учинчи ўғли ҳисобланади. Буш вақтларида пода боқиб, отасига қумақлашган Махтумкули 9 ёшидан шеър машқ қила бошлайди.

Туркман халқи тарихининг энг нотинч ва оғир даврида яшаб ўтган Махтумкули оилавий ҳаётда ҳам ҳаловат топмади. Човдурхон бошчилиғида Афғонистонга вақил қилиб жунатилган акалари Абдулла ва Мухаммадсафо душманлар томонидан шафқатсиз ўлдирилади. Қатта ҳонадоннинг бутун оғирлиғи Махтумкули елкасига тушади. У мударрислик қилиш, ота-бобосидан мерос ёначилик қасбини давом эттириш билан бирга, темирчилик ва заргарлик ҳунарларини ҳам эгаллайди. «Ўзал Шергози» шеърдан маълум бўлишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо булган:

*Қомил бўлиб, саранжомлик қилибман,
Машаққат-ла ўл падардан қилибман,
Қаъбамдан айрилиб, жудо бўлибман,
Қетар бўлдим, ҳуш қол, ўзал Шергози!*

Махтумкули холасининг кизи Менгли билан болаликдан бирга уйнаб устан, икки ёш бир-бирига кунгил куйган эди. Ленин отаси ва икки акасининг бевакт улими оилани моддий жихатдан огир ахволга солиб куйган. Махтумкулининг калин пулини тулашга курби етмаслигини билган Менглининг акалари сингилларининг розилигини ҳам сурамай, уни бировга узатиб юборадилар. Киз бечора кон йиглаб, бошка оилага келин булиб тушади. Бунинг устига, давом этиб келаётган кадимий урф-одатга кура, Махтумкулини катта акасининг бева колган хотини Оккизга никохлаб куядилар. У Оккиздан икки угил куради. Угилларидан бирининг исми Сарибой, бошкасиники Иброхим булиб, биринчиси — 7, иккинчиси - 12 ёшида нобуд булади. Аввал севгилисидан, кейин нуридийдаларидан жудо булган, оилавий ҳаётдан бахтини тополмаган шоир чукур кайгу-хасрат ичида қолиб, бутун умрини бадий ижодга багишлайди. Менглихонга атаб куплаб шеърлар ёзиш билан унга узига хос назмий хайкал куяди. Баъзи таджикотчиларнинг таъкидлашларича, шоирнинг узига Фирогий тахаллусини танлаши айна шу жудоликлар билан боғлиқ.

Махтумкули шеърларида жуда куплаб жой номларига дуч келамиз. Бу унинг куп саёхат қилганлигидан далолат беради. Сафарга оқ фотиҳа сураб, отаси билан савол-жавоб йусинида ёзган бир шеъри ҳам шоирнинг саёхатга, дунёни қуришга ҳаваси қучли булганлигини курсатади («Ота-угил дардлашуви»). Шеърда «Кунглим истар, сафар қилсак...», «Сайрон этсак неча тенгу туш билан, Магар шунда гамгин кунглим ҳуш булар» каби мисраларни уқиймиз.

«Маълум булишича, Махтумкули ёшлигида саёхатларда юриб, Каспий буйидан то Амударёгача келган. Бухорода таълим олган, сунгра Афғонистонга утган, Ҳиндистонда бир йилу уч ой турган, қайтиб Фарғона (Андижон, Марғилон)ни курган, Қозогистоннинг Туркистон шаҳрига борган. Хоразмга - Ҳивадаги Шерғози мадрасасига келиб уқиган, сунг яна уз элига — Атрек дарёси водийсига, Деҳистонга қайтган.

Шундан сунг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг шарқий қисми, Ирокни айланиб келган.

Махтумкулининг Астраҳанда булганлиги ҳам, у ерда руслар ҳаёти билан танишганлиги ҳам ажаб эмас. Ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денғизи буйларида — ё Уммон тупроғида (Арабистон ярим ороли билан Ирок уртасида), ё ҳозирги Покистон ерларида булганлигини тахмин қилиш мумкин, бунга унинг шеърларида ҳам шамаъ бор. Шоир Урта Шарқдаги барча туркман қабилалари орасига қириб, уларнинг аҳолини, озодлик мустақиллик ва фаровонлик орзуларини билди, шу билан бирга, оғзаки адабиётини урганди».

Мирзо Кенжабекнинг тахминича, бир шеърда «Занги бобони курсам» дейишига кура, у Тошкентга ҳам келган булиши керак.

Муборак Ҳаж сафарига бориш орзуси борлигини бир неча шеърларида изҳор қилган.

Махтумкули кубравия тарикати шайхлари билан ҳам, ҳожагон-нақшбандия силсиласи пирлари билан ҳам яқин алоқада эди. Отаси Давлатмамад ҳам тасаввуф аҳлини дуст тутган. «Шеърларидан Махтумкулининг пири отаси эканлиги англашилади. Аммо у бошка куплаб муршиди қомилларни ҳам зикр этган». Чунончи, Сараҳсда нақшбандия намояндаси Ниёзули халифага мурид тушишни орзу қилган булса, Отаниёз охунга ҳам шогирдлик талабида булган.

Шуро давридаёқ баъзи таджикотчилар Махтумкулининг тасаввуфга муносабати юзасидан айрим мулоҳазаларни билдирган эдилар. Жумладан, Г.Карпов ҳаётининг муайян даврларида Махтумкулининг тасаввуф тарикатлари билан алоқаси булгани, бинобарин, ижодида суфиёна оҳанглар мавжудлигига эътиборни қаратган. П.Скосирев Махтумкулининг фалсафий шеърларида шоир яқин алоқада булган тасаввуф илмининг таъсири шундоққина сезилиб туришини таъкидлаган. А.Мулқаманов эса Махтумкулининг тасаввуфдан ниҳоятда таъсирлангани, шеърларида «фано тупроғи», «аҳли хол», «факр мулки». «ёр», «соҳибжамол», «дуст», «зулф» каби суфиёна истилоҳ-тушунчалар куп учраши, «Саташдим», «Қурдингми?», «Ёр сендан», «Намасан?», «Эй дуст», «Ошиқ булмишам» шеърларида суфиёна рух қучлилигини қайд этган.

Албатта, диний-тасаввуфий мавзудаги шеърлар Махтумкули ижодида етакчи урин тутади. Афсуски, шуро мафқураси шоирнинг исломий маърифат ва тасаввуф ҳақиқатлари уфуриб турган асарлари мутолаасидан бизни бебаҳра қилган эди. Шунинг учун унинг асосан шу мавзудаги шеърларини танлаб таржима қилган таниқли шоир ва захматқаш мутаржим

Мирзо Кенжабек уз таржималарига ёзган суз бошисида: «Махтумкули Фирогий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк даргаларидан булиб, бутун туркий халклар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошик, сохиби хикмат булган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халкпарварлик, ватанпарварлик гоялари билан йугрилган шеъриятида пок исломий маърифат рухи гуркираб, яшнаб туради», — деган фикрни билдиради.

Махтумкули «ахли хол, ахли сир, ахли хикмат булган ориф зотдир. Маъно оламида унинг бир канча азиз сиймолар билан иртиботи борлиги англашилади. Бир канча шеърларида у ҳақ пайгамбарлар, машхур авлиёлар билан боглик тушларини фараҳ ва шукрона билан баёғ этади». М.Кенжабек ҳатто у илми ладуний сохиби булган деб ёзади.

Таникли шаркшунос олим Е.Бертельснинг ёзишича, Махтумкули адабий меросининг умумий миқдори тахминан 16—18 минг мисраға этади. А.Бобоев шоирнинг 700 га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги ҳақида маълумот беради. Ўзбек олимаси С.Шукруллаева эса собиқ кулёмалар институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти Хамид Сулаймон фонди)даги 1997-рақамли кулёмлада шоирнинг 900 дан ортиқ шеър у газаллари мавжудлиги тугрисида хабар берган эди.

Махтумкули ижоди куплаб чашмалардан сув ичган: улар - Куръони карим ва унга ёзилган тафсирлар. Ҳадиси шариф ва диний адабиётлар, тасаввуф фалсафаси ва адабиёти, Шарк мумтоз суз санъати ва халқ оғзаки ижоди. Шунинг учун шоир ижодида исломий мавзуларни ҳам, суфиёна руҳни ҳам, халқона оҳангларни ҳам, мумтоз адабиёт таъсирини ҳам курамитиз — улар узаро омукта булиб, Махтумкули асарларининг юксак бадиияти, таъсирчанлиги ва умрбоқийлигини таъминлаган. Шоир шеърларида пайгамбарлар, авлиёлар, саҳобалар, тасаввуф пирлари, халқ қаҳрамонларининг номига куп дуч келамиз.

Туркман халқининг тарихи, бугуни ва эртаси, урф-одатлари, анъаналари, даврининг муҳим сиёсий-ижтимоий ҳодисалари, шоирнинг дарду ҳасратлари бу шеърларнинг асосий мавзуси ҳисобланади. Бу шеърларда шоир уз халқини севган, унинг дарду ҳасратлари билан ёнган, истикболи учун қайгурган фидоий ватанпарвар сифатида намоён булади. Ватан ва халқ мавзуси - Махтумкули шеъриятининг уқ илдизини ташкил этади. Қатор шеърларида тарқоқ туркман уруғларини бирлаштишга, улар уртасидаги узаро низоларни бартараф этишга даъват қилади. «Туркман адабиёти тарихи таджикотчиларининг таъкидлашларича, Махтумкули уз даврида эл ва юрт кадр-кимматини оёқости қилиб келаётган иллатларни ҳаммадан кура купроқ англаб етди. Шоир асарларида замондошларини даврда руй бериб турган воқеаларнинг моҳиятини чуқур идрок қилиб иш тутишга чақирди».

Шоир шеъриятининг гоёвий-эстетик ҳусусиятлари. Махтумкули шеърларида халқ фалсафаси кучли, панд-насихат етакчи — у қурган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидаи теран ҳулосалар чиқаради. Бу фикрларнинг хикмат қаби жаранглаши шундан:

*Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маърақада утур-туришин қуринг.
Биров билан ошно булай десангиз,
Аввал иқроринда туришин қуринг.*

*Номардлар ҳам ярамастар, ночорлар,
Тузинг ичиб, ишинг булса қочарлар,
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,
Қадринг билган улфатингдан айрилма!*

Махтумкули халқ мақол-маталлари, хикматли сузлари, образли ибораларини жуда яхши билади ва маҳорат билан шеърлари қатига сингдириб юборади. Айни пайтда, узи ҳам содда, ихчам, лунда, теран хикматлар яратадики, улар нафакат туркман балки барча туркий халқларнинг хикматли сузлар ҳазинасидан жой олган:

*Олимга ёндашсанг, очилар қузинг,
Жохилга ёндашсанг, қурдек буларсан.*

* * *

Одам бор, минг туман едирсанг оздир,
Одам борки, еган нонига етмас.

* * *

Мард йигитнинг ор — киличи.

* * *

Дузахнинг тимсоли бир ёмон хотин.

Яхшини олам орзулар

.

* * *

Йигит қарир ёмон аёл учраса.

Халк тарихи, адабиёти ва ҳаётини чуқур билган бу донишманд инсон теран фикрларни халқона содда ва лунда бир тарзда шеърӣ мисраларга тизади. Бу шеърлар халқ донолигининг ёркин намунасидир. Махтумқули асарларининг умрбоқийлигини таъминлаган энг асосӣ омил худди шунда.

«Махтумқули уз даврининг жароҳатларига ақл-заковатни, иймон ва эътиқодни, аҳиллик ва ҳамжихатликни, аждодлар удумига асосланган ҳамдардлик ва адолатли курашни қарши қуяди ва бу туйғуни поэтик суз қудрати билан маънавий қуроӣ даражасига қутаради.

«XVIII аср туркман халқи учун мусибатлар даври бўлди. Уч томондан - Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Эрон шохлиги қаби анча қучли қушнилари қуршовида қолган туркманлар борган сари бепоён Урта Осиё қулларининг унумсиз қумлиқларига чекиниб борди. Туркман халқининг душманлари унинг жанговар шон-шухратини яхши билганлар ва шунинг учун ҳар қанақасига бўлса ҳам, жасур туркман йититларини уз томонларига жалб этишга ҳаракат қилганлар. Бунга фақат бир йул: туркман қабила бошлиқлари, хон ва бекларини узларига оғдириб олиш орқали эришиш мумкин эди. Бу мақсадга, уз навбатида, туркман қабилалари уртасига узаро низо уругини соқган, уларни бир-бири билан уриштириб қуйган тақдирдагина етиш мумкин бўлар эди.

Махтумқули қуп сонли душманлари қаршисида туркманларни заиф ва ҳимояга муҳтож қилиб қуядиган бундай узаро ички урушлар халқ учун қандай даҳшатли оқибатларга олиб қелишини ниҳоятда теран аңлар эди. Шунинг учун шоир шеърларининг асосӣ қисмини туркман қабилаларини узаро урушларни тухтатиш ва нажотни ҳамжихатликдан излашга оташин қақирлиқлар ташқил этиши уз-уздан тушунарли. Махтумқули учун туркман халқини сақлаб қолишнинг шарти унинг қучманчилиқ давридаги қадимий шон-шавқати: беқӣс мардлиги, ҳамжихатлик туйғуси, қульфатда қолганларга ёрдамга тайёр туриш, меҳмондустлик ва саҳийлик қаби фазилатларини асраш эканлиги ҳам тушунарли. Унинг қатор шеърларида қинақам мард йигит, бақодир қишилариинг уз халқининг ноқобил фарзандлари - номардларга қарши қуйилиши беқиз эмас.

Шоир шеърларида яхши — ёмон, мард - номард, ҳалол - ҳаром, бой - қамбағал, уруш - тинчлик қаби узаро зид тушунчалар қуп учрайди. Ҳусусан, у қишилари икки тоифага — мард ва номардга ажратади: унинг назарида мард - барча эзгу инсоний фазилатлар соҳиби бўлса, номард — қамма ёмон иллатлар тажассуми. Шунга мувофиқ, мардни қуплаб шеърларида улуглагани қолда, номардни қескин танқид қилади. Бу икқисини икки қутбга қуйиб тасвирлайди.

*Юз номард жойини босмас бир марднинг,
Чеқар ташишини мард элу юртнинг.
Қилган қилигини қуринг номарднинг:
Жангми дея қочар туман учраса...
Мард қутар меҳмонни оқик юз билан,
Номард қочиб қолар меҳмон учраса.*

«Махтумқулининг ишқ-муҳаббат мавзуидаги шеърлари ҳам оҳангдорлиги, чуқур фалсафӣ моҳияти билан ажралиб туради. Шоиринг ҳаёт ва улим, инсон ва борлик, гузал

инсоний фазилатлар ва одоб-ахлокка оид шеърларида ислом дини ҳамда тасаввуфий карашлар таъсири яккол сезилади».

Шоир шеърларининг ўрганилиш тарихи. «Махтумкули асарларининг мавзулари, жанрий хусусиятлари, шаклий узига хослиги, асарлари тилининг нихоятда халкчиллиги билан куп асрлик туркман адабиётини янги бир боскичга кутарди. Шоир асарларининг етакчи гоёси бу — туркман ерлари устига ёпирилиб турадиган чет эл боскинчиларига бархам бериш, таркок яшаётган, узаро нифок ва зиддиятлардан зада булган қабила ҳамда уруғларни бирлаштириш билан осойишталик ва иттифокликка асосланган кудратли бир давлатни барпо этишдек миллий ватанпарварлик хис-туйғуларидан иборат. Ана шу миллат манфаатлари йулида кайгуриш, маърифатпарварлик йули билан бу гоёни самарали кучга айлантириш шоир ижодининг асосига айланди. Бу йулдаги изланиш, шеърият кучи билан юксак уфklarга талпиниш Махтумкулини уз даврининг кузга куринган тараккийпарвар сиймоси даражасига кутарди».

Хамидулла Хасанов ёзади: «Махтумкули Фирогий нихоятда зур, таъсирли, халкка ёкадиган, туркманга ҳам, узбекка ҳам уз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бугун Шаркка машхурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ирокда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва хатто узок Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшитдим, у Махтумкули шеърларини махорат билан ижро этишда ном чикаргани учун узини «Махтумчи» дер экан».

Махтумкули барча туркий халklar катори, узбек халкининг ҳам уз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари халкимиз орасида асрлар давомида машхур булган. Асарларининг кулёзмалари кенг таркалиб, «тошбосмада ҳам Хива ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр килинган, бир неча унлаб асарлари Тошкентда чикадиган «Туркистон вилоятининг газети»да эълон килинган». Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институти фондида Махтумкули шеърларини уз ичига олган 5 та кулёзма сакланади.

Махтумкули шеърлари Жуманиёз Шарипов, Жуманиёз Жабборов, Музаффар Ахмедов, Мирзо Кенжабек таржималарида узбек тилида бир меъа марта чоп этилган, турли мажмуа ва дарслиklarга киритилган. Ж.Шарипов, С.Эркинов, К.Тохиров, К.Курамбоев, С.Кориев, М.Кенжабек, Б.Каримовлар у ёки бу даражада шоир ижоди хусусида тадқиқотлар олиб борганлар. «Буйларингга», «Намасан», «Юргинг келади», «Айлар», «Айрилдим», «Булмас», «Тухтамас», «Карамас», «Этмасин», «Кузим тушди», «Ошик булмишам», «Устодингдан айрилма», «Куринг» сингари бир неча унлаб кушиklари Комилжон Отаниёзов, Очилхон Отахонов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Хамдамов, Ортик Отажонов, Илёс Маллаев, Ахмаджон Шукуров, Каримбой Рахмонов, Ахрор Усмонов қаби халкимизнинг севимли санъаткорлари томонидаи ижро этилган. Узбекистон радио ва телевидениеси оркали хар куни Махтумкули шеърлари билан айтиладиган кушиklar янграб туради. Шоир «китоблари, шеърлари, панд-насихатлари кириб бормаган бирорта узбек хонадони йук, унинг номини билмаган биронта узбек йук», десак муболага килмаган буламиз. «Махтумкули - бугунги кунда узбек маданий-адабий турмушида жуда оммавийлашиб, энг машхур сиймоларнинг бирига айланган». Ушбу туплам улуг туркман шоири ва мутафаккирининг узбек тилига таржима килинган энг сара шеърлари асосида тузилди.

Адабиётлар:

3. Махтумкули. Шеърлар. Т. 1976.
4. Махтумкули. Танланган асарлар. Т. 1962.
5. Туркман шоирлари. Т. 1963.
6. Куронбоев К. Махтумкули шеърияти Ўзбекистонда. Т. 1978.
7. Махтумкули. Дунё ўтиб борадур."Шарк"нашриёти.Т.2007

Еттинчи маъруза: Қирғиз адабиёти. (2 соат)

Режа

1. Қирғиз халқи тарихи ва халқ оғзаки ижоди.

2. Тўғалоқ Мўлда - халқ кўшиқлари ижроچиси.
3. Тўхтағул Сотилғановнинг “Беш қобон” ва “Эшон халфа” асарларида амалдорларни кирдикорларини фош этилиши.
4. XX аср қирғиз адабиёти.

Таянч иборалар: Халқ тарихи ва фольклор асарлари, «Манас», Тўғалоқ Мўлда, Тўхтағул Сотилғанов, «Беш қобон» шеъри,

Қирғиз халқи тарихи ва халқ оғзаки ижоди. Тяньшань водийсида ва тоғларда жойлашган қирғиз ўлкаси-Қирғизистон, бир томондан, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари билан, иккинчи томондан, Хитой Халқ Республикаси билан чегарадош. Қирғизлар тўғрисидаги энг қадимги ёзма маълумотларни милoddан илгариги II асрга оид манбалардан топамиз. Ўтмишда, асосан, чорвачилик билан шуғулланган бу кўчманчи халқ узок асрлар давомида чет эл босқинчилари зулми остида эзилиб келди. Қирғизистонда VIII асрда араб босқинчилари, XII асрда кўчманчи қорахитойлар, XVI асрда мўғул истилочилари ва ниҳоят, рус босқинчилари ҳукмронлик қилган даврларда мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти инкирозга юз тутди.

Қирғиз халқининг ота-боболари жуда қадим замонлардаёқ Ўрта Осиё, Тяньшань ва Еттисув вилоятларидаги гуннлар, шунингдек, саклар, скифлар ва бошқа кўшни қабилалар билан яқин алоқада бўлиб, уларнинг маданияти, дини ва урф-одати таъсири остида яшаганлар. VIII асрда араб истилочилари томонидан забт этилган Қирғизистонга ислом дини ҳам ёйилади. Кейинчалик «Буюк ипак қарвон йўли» да жойлашган қирғиз шаҳар ва қишлоқларида адабий-маданий ҳаёт бирмунча жонланди, деҳқончилик, чорвачилик ўсди. Савдо-сотиқ ишларининг йўлга қўйилиши Қирғизистонга хитой, форс ва юнон маданиятининг кириб келишига сабаб бўлди. XIV асрнинг охириларида теурийлар давлатига қарашли бўлган Қирғизистонда мўғуллар истилосидан қаробага айланган шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклаш бошланганлигига қарамай, бу ўлканинг иқтисодий ва маданий қиёфасида юз берган қарохатлар батамом тузалиб кетмади.

Қирғиз халқининг адабиёти ва маданияти халқ оғзаки ижоди шаклида ривожланди. Бизгача етиб келган халқ ашула ва кўшиқлари, мақол, эртак ва достонларида қирғиз-халқининг узок асрлар давомидаги кўчманчи-чорвачилик ҳаёти, уларнинг ўз хўжайинларига қарши олиб қорган қурашлари ҳаққоний акс этирилган. Фольклор асарларида қирғиз халқининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва адолатпарварлик қояларини ифодаловчи жуда кўп кўшиқлар, эртаклар, достонлар мавжуд. Бу асарларнинг қуруувчилари ва ижро этувчилари меҳнатқаш халқдир. Шунинг учун уларда, кўпинча, халқ ҳаётига оид турли-туман қаросимлар, чорвачилик ва деҳқончилик ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, ниҳоят, қамбағаллар билан бойлар ўртасидаги қескин синфий тўқнашувлар ўз аксини топган. Қирғиз фольклорида муҳаббат кўшиқларидан ташқари, ҳажвий кўшиқлар ҳам учрайди. Уларда ҳукмрон доираларнинг меҳнатқаш халққа ўтказган зулми, қасислиги, қийла-найранглари танқид қилинган.

Қирғиз халқ эртакларининг кўпчилигида, худди халқ қаҳрамонлик достонларида бўлгани қабир, қизқарли сюжет ва реалистик воқеалар билан афсонавий воқеалар аралаш қолда қикоя қилинади. Кўпгина қирғиз ҳажвий эртакларида бош қаҳрамон ролида халқ орасидан қикқан доно, тадбирқор, оддий қишилар Қўса ва Қал образида қавдаланади. Бундай ҳажвий эртаклар орасида Алдарқўса номи билан боғлиқ бўлган эртаклар ўзларининг қоявий ўткирлиги ва бадиийлиги билан ажқалиб туради.

Қирғиз халқ оғзаки ижодида халқ қаҳрамонлик достонлари айниқса машқур. Асрлардан бери оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган «Қўрман ек», «Эртобилди», «Эртуштук», «Жонил Мирзо» қабир халқ қаҳрамонлик достонлари орасида, шубҳасиз, «Манас» достони ўзига муносиб ўрин эгаллайди. «Манас» достони уч қатта қисмдан иборат. Биринчи қисмда халқ қаҳрамони Манас, иккинчи қисмда Манаснинг ўғли Семетей ва учинчи қисмда Манаснинг набираси Сейтеқнинг ҳаёти, қаргузашти ва қаҳрамон-ликлари

тасвирланган.

«Манас» эпосининг Семетей ва Сейтек ҳаётига бағишланган қисмларида бу икки авлод қаҳрамонларнинг душманга қарши олиб борган жанглардан кўра, уларнинг оилавий ҳаёти ва ишқ муҳаббат воқеалари билан боғлиқ ички ҳис-туйғуларини акс эттиришга кўпроқ эътибор берилган.

Қирғиз фольклорида «Манас» эпосини куйловчи профессионал манасчи шоирлар етишиб чиқди. Улар эпосни ижро этиш вақтида унга ижодий тарзда айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритганлар. Шунинг учун бизга етиб келган «Манас» достони вариантларининг ҳаммаси ҳам ғоявий мазмуни ва бадиийлиги жиҳатдан бир хил эмас. Масалан, машхур манасчи Саёқбой Ўразбеков ижросидаги вариантида Манасни кўпроқ хон, қўшни элларни босиб олувчи саркарда образида кўрамыз. Бу ҳол турли тарихий даврларда ҳукмрон доирларнинг «Манас» эпосидан ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринишларининг натижасидир. Шунинг учун «Манас» эпосини ўрганишда ундаги икки бир-бирига зид тенденцияни ҳисобга олиш зарур.

Тўғалоқ Мўлда - халқ қўшиқлари ижроچиси. Тўғалоқ Мўлда халқ оқинларидан бири бўлиб, у XIX аср қирғиз адабиётида катта мавқега эга эди. Оқинликни ўз бобосидан мерос қилиб олган Тўғалоқ Мўлданнинг (асли номи Байимбет Андирахмонов) ёшлиги азоб-уқубат билан ўтди. У аввал қирғиз манасчи (феодли) кўлида, сўнг рус кулаги эшигида батраклик қилди. Унинг оқинлик-шоирлик фаолияти, бир томондан, машхур қирғиз оқинларидан ўрганиш натижасида, иккинчи томондан, қозоқ мумтоз шоири Абай Қўнонбоев ва татар шоири Абдулла Тўқай ижодининг таъсири остида шаклланди.

Тўғалоқ Мўлда дастлабки пайтларда халқ қўшиқларини қайта ишлаб, улар орқали тутқун хотин-қизларнинг ҳаётдан норозиликларини ифодаласа, кейинчалик халқ эртақ ва масаллари сюжети асосида ўзининг «Жонбоқти», «Кемчентой», «Эшак ва булбул» сингари оригинал масал ва ҳажвий достон-ларини яратди. Бу асарларда Тўғалоқ Мўлда мажозий образлар воситаси билан ўша замон амалдорларининг золимлиги, фаросатсизлигини аёвсиз фош қилиб ташлади. Тўғалоқ Мўлда ўз асарларида жамиятдаги ижтимоий қарама-қаршиликларни тўғри тасвирлайди, бироқ уларни бартараф этишнинг тўғри йўлини кўрсата олмайди.

Тўхтағул Сотилғановнинг “Беш қобон” ва “Эшон халфа” асарларида амалдорларни кирдикорларини фош этилиши. Машхур қирғиз халқ оқини Тўхтағул Сотилғанов ёшлик йилларидаёқ дарбадор юриб қўшиқ айтиб, ҳаётни яхши ўрганди. У яшашнинг маъносини ўзича талқин қилади. Чунончи, шоирнинг фикрича, меҳнат инсонга қувонч бағишлайди; дўстлик кишига об-ҳаводай зарур нарса; севишда ошиқ ва маъшуканинг садоқати ва ишончи катта роль ўйнайди; севги ҳаёт булоғи демакдир. Тўхтағул ижодидаги инсонпарварлик айрим оқинлар асарларидаги умидсизлик кайфиятига тамоман зид эди.

Тўхтағул ўз ижодини меҳнаткаш халқ билан маҳкам боғлаган халқпарвар оқин эди. У ўзининг айрим шеърларида («Эшон халфа») эшон-муллалар устидан заҳарханда билан кулса, бошқаларида («Беш қобон») феодалларни ёввойи тўнғизга ўхшатиб, уларни шарманда-ю шармисор қилди, ҳақиқат учун астойдил кураш олиб борди. Халқ оқинининг бундай оташин чиқишларидан амалдорлар ташвишга тушиб, ундан ўч олишга уринадилар. Ниҳоят, 1898 йилда Тўхтағул Андижон кўзғолонида қатнашган деган тухмат билан Сибирга сургун қилинди. Етти йиллик сургун азоби халқ шоирининг иродасини букаолмади, аксинча, унинг ҳаёт тажрибасини бойитди. Сургунда ўтказилган қувғунлик даври шоир ижодидаги норозилик мотивларининг чуқур ижтимоий мазмун касб этишига сабаб бўлди. Энди Тўхтағул Сотилғанов қирғиз халқининг ашаддий душмани бир ҳовуч чор амалдорлари ва улар билан тил бириктириб, камбағаллар қонини сўрган маҳаллий бойлар эканлигини тушунди. Сургундан қайтиб келган шоир Тўхтағул ижод этишни тўхтатмади. У атоқди оқинлар ўртасида тез-тез бўлиб турадиган айтишув (ижодий мусобақа)лардан минбар сифатида фойдаланиб, рус амалдорларини фош қилишни давом эттирди. Масалан, «Беш қобон» шеърида «қобон»номи билан танилган бешта амалдорга мурожаат қилиб, шундай дейди:

*Етим-есир. ҳолсизни
Саваладинг, беш тўнғиз.
Одам ўрнида йўқсулни
...Жаҳлингиз чиқса қутуриб
Уй-жойимни таларсиз.
Қонхўрлигинг авж олса,
Ўлдириб, қоним яларсиз.*

*Санамадинг, беш тўнғиз.
Еб-ичишдан бошқани
Тан олмадинг, беш тўнғиз.
Тирноғи заҳар беш қобон,
Ялинмайман ҳеч қачон.
Майли, ўлдир, дунёга
Қайтиб келмас чиқса жон.*

Тўхтағулнин Сибирь сургун даҳшатлари тўғрисидаги кўшиқлари эзилган, меҳнаткаш халқ кўзини очар, уларни ғафлат уйқусидан уйғотар эди. Шоирнинг сургунда юрган даврида ва сургундан қайтгач яратган энг яхши кўшиқлари («Алвидо, халқим», «Хайр, она», «Сургунда», «Тоғ бургути», «Салом, меҳрибон халқим», «Соғиниш», «Уч хўжа», «Мунгли қушча» ва бошқалар) ўзининг сиёсий ўткир ғоявийлиги ва фош қилувчанлиги билан ажралиб туради.

XX аср қирғиз адабиёти. Қирғиз ёзувчиларининг шеърый асарларида бўлгани каби, дастлабки насрий ва драматик асарларида ўтмишдаги аянчли ҳаётга қарама-қарши қўйиб тасвирлаш «Ҳожар» повестида, шунингдек, М. Токобаевнинг «Какей», К. Жонтошевнинг «Қора соч», «Олим ва Мария» пьесаларида ҳам яққол кўриш мумкин. Кўп қирғиз ёзувчилари сингари Тўгулдой Сидикбеков ҳам ўз ижодини шеър айтиш билан бошлади. Замонавий масалалардан баҳс этувчи бир неча дostonлар («Тун хабарчиси», «Баҳодирлар») ёзиб тажриба орттирган ёзувчи тез орада китобхонларни «Кен сув» ва «Темир» романлари билан қувонтирди. Романда тасвирланишича, Кен сув овулида ташкил топган жамоага путур етказиш пайига тушадилар. Саодат деган бойнинг ўғли раислик лавозимига ўрнашиб олади. Камбағал ёшларнинг айримлари ҳам ёт унсурлар таъсирига бериладилар. Саодат ўзининг зараркунандачилик, кўпоровчилик ишларида Имон исмли камбағал комсомол йигитдан фойдаланмоқчи бўлади. Лекин Сапарвой, Самтир ва Бубуш сингари комсомолларнинг сезгирлиги туфайли унинг ёвуз ниятлари барбод бўлади. Шундан кейин Саодат Имонга, Сапарбойни ўлдиришни буюради. Имон эса колхозчилар олдида ўз қилмишлари учун узр сўраб, сирни очиб ташлайди. Т.Сидикбеков ўзининг бу романида халқ оммаси ҳамда комсомол ёшларнинг коллективлаштириш давридаги авангардлик ролини тўғри кўрсата олган. Т.Сидикбековнинг 1948 йилда босилиб чиққан ва Давлат мукофоти билан тақдирланган (1949) «Замонамиз кишилари» романи қирғиз халқининг уруш йилларидаги фидокорона меҳнатидан ҳикоя қилади. Ёзувчи ромакда халқларкнинг маънавий бойлигини, мустаҳкам дўстона муносабатларини ишонтирарли тасвирлаш орқали фашизм устидан қозонилган буюк ғалаба сабабларини тупгунтиради. Н. Бойтемировнинг сўнгги йилларда эълон қилинган насрий асарлари орасида 1958 йилда Москвада бўлиб ўтган қирғиз адабиёти ва санъати декадасида юқори баҳоланган «Юлдузхон» романи ажралиб туради. «Юлдузхон» кизнинг фидокорона меҳнати туфайли давлат арбоби бўлиб етишуви тўғрисидаги асардир. Романдаги воқеа халқ ҳаётидан олинган. Асарнинг сюжети асосида Юлдузхон номли камбағал кизнинг саргузашти ётади: у ёшликда ота-онасидан айрилиб, етим қолади. Юлдузхонни ўз тарбиясига олган акаси Тотибек-эскилик сарқитларидан қутула олмаган киши. Шунинг учун у ўз сингисининг ўқишига тўсқинлик қилади. Юлдузхон меҳнатга берилади ва тез орада энг яхши теримчилар қатори обрў қозонади. Москвага Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига боради. Аввал бригадир, раҳбар бўлиб етишади. Қирғизистон депутатлигига сайланади. Ўзбек китобхонлари сўнгги 30-40 йил ичида қирғиз ёзувчиларининг «Замонамиз кишилари», «Тоғ болалари», «Жамила», «Сомон йўли», «Биринчи муаллим», «Сарвқомат дилбарим», «Алвидо, Гулсари!», «Оқ кема» каби ўнлаб роман ва повестларини ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

Адабиётлар

1. Манас. Т. 1994
2. Айтматов Ч. Танланган асарлари. Т. 1978
3. Манас. Қирғиз халқ эпоси. иккинчи китоб. Т. 1987

Саккизинчи маъруза: Манас- қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси.(2 соат)

Режа:

- 1.«Манас» - қирғиз халқининг узоқ ўтмишини ёритувчи ёрқин саҳифа.
- 2.«Манас» ва ўзбек дostonчилиги ҳақида.
3. «Манас» дostonининг қисқача мазмуни.

Таянч иборалар: “Манас” дostonи, манасчи бахшилар, Семетий, Сейтик, Қора Хитой хони Эсекхон, Нуғайхон, Ўрозли, Усан, Бой, Жақип,

.Манас» - қирғиз халқининг узоқ ўтмишини ёритувчи ёрқин саҳифа. Манаснинг номи ҳамиша қирғизлар учун табаррук. Қадимдан Урхун, Олтой, Энасой, Олатоғун макон тутган, жуда кўп қирғинбаротларни бошидан кечирган ота-боболаримиз улкан иморатлар, кўркам шаҳарлар, мустаҳкам қалъалар қуришга имкон тополмадилар. Улар она юртни ёвдан ҳимоя қилиб, от ёлида гурун қилиб ажойиб сўзлар воситасида буюк ёдгорлик бунёд этдилар. Улуғ шоирлар, ажойиб дostonчилар авлоддан-авлодга маънавий мерос қилиб бу ёдгорликларни ХХI асргача олиб келдилар.

Манас- табаррук сўзлар гавҳаридан иборат буюк дoston. Унда элнинг тарихи, қувонч ва қайғуси, омонлик ва ёмонлик, ғаройиб тақдирлар ўз ифодасини топган. «Ҳаётимнинг кўпчилиги қисмини «Манас» ни ўқишга сарфладим. Бунинг учун ҳамиша шукрона қиламан. Кетган вақтим учун асло қайғурмайман», -деб ёзади қирғиз ёзувчиси, академик Туғалбой Сиддикбеков. Бир неча асрлардан буён оғзаки айтилиб келинган «Манас» ҳозирги кун талабига яраша насрда баён қилиш бошланмоқда. Бу ишни иқтидорли адиблардан бири Кенгаш Жусупов амалга оширди ва ҳаммабop бўлишга ҳаракат қилди. Айрим парчалар тушиб қолдирилган бўлсада, асар мазмунига салбий таъсир кўрсатмаган.

Насрда қирғиз халқининг тарихи, манаснинг қаҳрамонлиги, инсоний фазилатлари, ҳақиқат учун олиб борилган курашлари кўз ўнгимизга яққол гавдаланади. Олой ва Олтой ўртасида тарихдек тирқираб кетган, киндик қони тўкилган еридан, мосуво бўлган, кейинчалик бир-бирини топиб қаддини тиклаган қирғиз халқининг қаҳрамонлик дostonи бир ўзбек миллатининг ҳам севимли дostonидир.

Бу дoston дастлаб Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Дoston мазмуни.

Қора Хитой хони Эсекхон Нуғайхон аскарларини ер билан яқсон қилиб, ерларни босиб олдилар. Куғайхон ёруғ дунёни тарк этди. Турк кавмидан аҳиллик юз ўтирди. Куғайхондан қолган тўрт ўғил Ўрозли, Усан, Бой, Жақип боши оққан томонга йўл оладилар.

Бири Олтойга, бири Уралга, яна бири Қашқарга, бири Тебитга ҳайдадди. Қирқ уйли қирғиз билан Жақип Олтойга келди. Оқболта билан танишди. Жақип қалмоқлар билан қўшничиликни яхши йўлга қўйди. Кўплаб бойликлар орттирди. Афсус у тирноққа зор эди. Жақип туш кўрди. Тушида улкан қушни тутиб олгани, қушга илондан узун боғланганини хотинига айтди. Бу ажойиб туш учун тўй қилди. Тўйнинг доврўғи Эсенхонга ҳам етиб борди ва у ғазабланди. Бу ўжар халқни қандoқ бўлмасин ер юзидан супириб ташламоқ керак деб саройга фолбин ва башоратчиларни тўплади. Улар юлдузлар ҳаракатига қараб Эсенхонга шундай дедилар:- Тақсир бунга тугал жавобни Бежиндаги Қорахоннинг ўрдасида очик осмон остида шаклланаётган сандикдаги китобда ёзиб қўйилган. Ўшанга вакил юбориб, ўқитиб кўрайлик. Жосуслар китобдаги ёзувни ўқиб, Эсенхонга етқаздилар.

«Шимолдаги Бурутлардан Манас исмли бир паҳлавон бола туғилади. Унинг ортида қора кўк ёли доллининг устида лагандай қизил холи бўлади. Манас қалмоқ билан хитойларга кўп юриш ғавғолар солади. Осмон билан ер ўртасидаги кўркам шаҳар Бижинни остин-устин қилади. Олейейхон бўлади. Хитойларнинг ботири яқсон бўлади. «бу хабарни эшитган Эсенхон

Бурутларнинг ҳомиладор аёлларини биронта ҳам қолдирмай қорнини ёриб ташлашни буюради. Анча йиллар овулдан болалар йиғиси эшитилмай қолди. Орадан уч йил ўтгач, Чейирдиннинг ой куни яқинлашиб қолди. Ниҳоят ўғил кўрди. Чейирдиннинг кўзи ёриётган

вақтда бир ҳодиса юз берди. Бу воқеани на Жакипга, на яқинларига айтди. Бир дарвеш оқсоқол туйнукдан тушиб, ўғилингни оти Манас авлиё, улғайса қирон чиқади. Шунинг учун битта пўлат ўкни бағишладим, ёқасига тикиб қўй, 12 га ошганда қуролсоз устага камоннинг найзасини ясатиб, бола камолга етганида осмондан тушар олти куч, - деб авлиё кўздан ғойиб бўлди.

Жақиб бу хурсандчиликдан кейин, элга ош бериб ўзига тегишли кишиларга бош-оёқ сарполар қилди. Болани чопонининг бағрига ўраб исм қўйиб, беришларини сўради. Ҳамма жим. Шу пайт ҳамманинг эътиборини тортиб бир дарвеш пайдо бўлди.

Болақай уч ёшга тўлганда «Жинни» номини олди. Хўкизни шохини синдириб, дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлади. Сон билан 7 ёшда бир кўзининг гўштидан тўймади. 8 ёшида савдогарларнинг буюмларини тортиб олиб болаларга бўлиб берадиган қилиқ чиқарди.

Манасни ҳар жихатдан тарбиялаш учун дўсти Ўшқирга элтиб берди. Ўшқир унга қўй боқишни ўргатди.

Суяги меники, гўшти сизники. Ур,сук,авайлама, эркалатма уни одам қилиб бер. Олти ойдан кейин хомсемиз Манас чаққон бўз ўғлонга айланди.

Ёз кунларининг бирида қўйларга бўри оралади ва кўзиларни бўғиз-лай бошлади. Манас бўрига ташланди. Таёқ зарбидан бўри орқага чекинди. Бўри кўзини тишлаган ҳолда қоча бошлади. Ва бир ғорга кирди. Бўрини орқасидан ғорга кирган Манас чордана қуриб ўтирган 40 кишига кўзи тушди. Бир томонда қанотли отлар, депсиниб турибдилар. Ўртада Ўшқир-нинг оқ кўзиси маъраб турибди.

- Оғалар, кўзи кўтарган бўрини кўрмадингларми?

- Кўрдик. Ўша бўри биз бўламиз. Биз сенинг дўстларингмиз. Қачон қийин аҳволда қолсанг биз ёрдамга етиб борамиз. Қирқ чилтон билан Манас бағрини-бағрига босиб аҳд қилишди.

Адабиётлар:

1. К. Сейданов. Дўстлик куйлари. Т. 1980 й.
2. Манас. Т. 1995 й.
3. Муқимов Р. Қардош халқлар адабиёти. Т., 1980.

Тўққизинчи маъруза :Чингиз Айтматов ижоди. (2 соат)

Режа:

- 1.Чингиз Айтматов – ҳозирги дунёнинг улкан адиби.
2. Қиссаларда ҳаёт ҳақиқатининг акс этиши.
3. Романларидаги ахлоқий-маънавий ғоялар.

Таянч иборалар : Чингиз Айтматов ижтимоий фаолияти, ”Жамила” повести ва ундаги образлар, «Асрга татигулик кун» ва «Қиёмат» романлари.

Чингиз Айтматов қирғиз халқининг улуғ ёзувчиси. Унинг номи XX асрда халқаро миқёсда тан олинган жаҳон адабиётининг бутук вакиллари билан бир сафда туради.

Айни вақтда кўпдан-кўп таниқли адабиётшунос олимлар уни Л.Н.Толстой, Ф.Достоевский, Фолкнер каби адиблар қаторига қўядилар. Шу маънода у ҳаётлик чоғидаёқ мумтоз (классик) адиб деган ёзувчи учун ниҳоятда шарафли эътирофга муносиб бўлган сўз устасидир. Унинг асарлари жаҳоннинг етмишдан ортиқ тилига таржима қилинган.

У қирғиз ва рус тилида бирдек ижод қилувчи зулусойнайн ёзувчидир.

Қирғиз ва рус маданияти, ёзма адабиётининг тараққиёти даражасидаги, миллий фикрлашдаги, тилидаги ўзига хосликлар, фарқлар жуда катта экани барчага аён. Муаллиф айрим асарларни аввал қирғиз тилида ёзиб (масалан, «Оқ кема», «Алвидо», «Гулсара»), сўнг қирғиз тилига ўтирилди.

Ёзувчи асарларида шу куннинг долзарб ҳодисалари халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган афсоналар, ривоятлар билан сингишиб ажиб бир яхлитлик ташкил этади.

Ч.Айтматов асарлари зиё солувчи қуёш-инсоният тарихидаги энг улкан дostonлардан бири саналувчи қирғиз «Манаси»дир.

Ч.Айтматов ўзбек халқи ва ўзбек адабиётининг катт'а дўстидир. Византия маданияти жаҳон маданияти раvнақига нечоғли кўрсатган бўлса, ўзбек маданияти Марказий Осиё халқлари маданияти ривожига шу даражада таъсир кўрсатгандир, дейди Чингиз Айтматов (Ёзув-жада таъсир кўрсатгандир, дейди Чингиз Айтматов).

Ёзувчининг деярлибарча йирик асарлари ўзбек тилига ўгирилган. Унинг қисса, романларини ўзбек китобхонига етказишда Асил Рашидов, Иброгим Ғафуров каби моҳир таржимонлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Халқлар ўртасида тинчликни, адабиётлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишида Чингиз Айтматов давлат ва жамоат арбоби сифатида улкан ишларни амалга оширмоқда.

Чингиз Айтматов 1928-йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида туғилди. Бобоси Айтмат оға ажойиб кўбўзчи эди.

У темир йўлда ишлаши билан ўғли Тўрақулни Авлиё отадаги рус-тузим мактабига жойлаштирди. Кейинчалик, Тўрақул Айтматов Қирғизис-тоннинг катта давлат арбоби даражасига кўтарилди.

Бироқ, афсуски, шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлди. Чингизнинг онаси Наима Айтматова ўқимишли, оқила аёл эди. Бўлажак адибга болалик йилларида бувиси Ойимхон ая ва унинг қизи Қорақиз опа кўпдан-кўп ривоят, афсона, қўшиқлар айтиб беришди. Ёзувчи асарларига болаликдан эшитган шу ривоятларнинг муайян таъсири бўлса, ажаб эмас. Чингиз аввал рус мактабида ўқиди, сўнг қирғиз мактабида ўқишни давом эттирди.

У 1956-1958 йилларда Москвада Ёзувчилар уюшмаси қошидаги олий адабиётчилар курсида таҳсил олди. У турли йиллар давомида Қирғизистондаги етакчи адабий журнал «Литературные Киргизистан»нинг бош муҳаррири, «Правда» рўзномасининг жумҳуриятдаги муҳбири, Қирғизистон кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлади. У жумҳурият киноси ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Қирғиз кино санъати ҳам худди бадиий адабиёти каби Чингиз Айтматов асарларининг экранлаштирилиши мисолида жаҳон миқёсига чиқди.

Адиб номини илк бор халқаро миқёсда машҳур қилган асар «Жамила» қиссаси бўлди. 1958 йилда ёзилган бу қисса 1959 йили рус ва француз тилларига китоб ҳолда эълон қилинган, икки йил ичида собиқ Иттифоқ ва ҳориждаги ўттизга яқин тилга ўгирилди. Шўро адабиётида бундай ҳодиса бўлган эмас. Асарни француз тилига ўгирган Луи Арагон уни «Муҳаббат ҳақида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб қисса» деб баҳолади ва ҳатто мақоланинг номини ҳам шундай деб атади.

Қиссада Жамила ва Дониёрнинг беғубор, покиза муҳаббатлари асосида инсон эрки ва ҳуқуқи, асрий одатларга фаол муносабат кўрсатилди. Новаторлик Чингиз Айтматов ижодининг бош хусусиятидир. «Сомон йўли» қиссаси бунинг ёрқин далилидир. Асарнинг Бош қаҳрамони Тўлғаной ҳаётнинг жуда оғир машаққатларини бошидан ўтказган. Даҳшатли уруш эридан, уч ўғлидан жудо қилган. Бироқ, бу етмагандек, тақдир унинг бошига яна бир кулфат солади. Фарзанди ўрнига фарзанддай бўлиб қолган келини Алиман ҳаётдан бевақт кўз юмади. Шунчалар аччиқ, шунчалар бешафқат бўласанми, эй қисмат. Бироқ, ёзувчи тасаввурича, қисмат батамом бешафқат бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳаёт шундай. Келинидан Тўлғанойга ёдгор бўлиб набира қолади. Унинг ҳаётида ҳаётнинг давоми. Тўлғаной авлодлари касбикорининг абадияти мужассам. Ёзувчи маҳорати табиат ва жамият, ўтмиш ва бугун асотир ва янгилик, фантазия ва реаллик, афсона ва ҳақиқат узвийлигини бадиий тасвирда намоён бўлади.

«Оқ кема» қиссаси адибнинг ана шу йўналишдаги поклик ва адолат, хунрезлик ва унинг ахлоқий илдизлари, миллий анъаналар ва инсоний қадриятлар талқинига бағишланган навбатдаги энг гўзал асарларидан биридир. Асарда ўқувчи нурдай тоза орзулар оғушида яшовчи, Она буғу ҳамда Оқ кема ҳақидаги эртакларнинг эртак эмас, чин эканига астойдил ишонган ва уларнинг рўёбга чиқишига кўз тутган Бола: ниҳоятда ҳалол, самимий ва ҳақгўй бўлишига қарамай қизи, набираси тинчлиги ва осойишталиги деб ўзларига қарам ва мутеъ бўлиб қолган, шу боис, ҳатто Она буғуни ўлдиришгача бориб етган Мўмин бобо: одам

қадри-ю табиат, миллий қадрият-у, урф-одат барчасига бир пул деб қарайдиган ваҳший сифат Ўрозкул сингари образларга дуч келади.

Она буғунинг ўлдирилиши натижасида барча орзу умидлари чилпарчин бўлган Боланинг балиққа айланиб, Оқ кемага етиш мақсадида сувга тушиб нобуд бўлиши рамзига ёзувчи тоза умид ва инсоний покликни, маънавий тубанликка қарши исённи, баркамолликни улуғловчи катта эстетик маънони сингдирган.

«Асрга татиғулик кун» романи Чингиз Айтматовнинг жаҳон миқёси-даги шуҳратига янги шуҳрат қўшди. «Асрга татиғулик кун» романида акс эттирилган воқеалар, асосан, Бўронли деб ном олган темир йўл бекатидаги миттигина олти-етти оила яшайдиган овулчада рўй беради. Овулча эса Қозоғистоннинг хайҳотдек Сариўзак чўлида жойлашган.

Роман композицион ниҳоятда маҳорат билан тузилган. Ундаги воқеалар бутун умр шу Бўронли темир йўл бекатида оддий темирйўлчи бўлиб ишлаган Қозонқопнинг вафоти, уни дафн этиш учун Она Байит қабристон томон йўлга тушиш билан бошланади. Асардаги воқеалар шу манзилга етиб келгунча ўтган вақт ичида содир бўлади. Асарнинг бош қаҳрамони Эдигей Жонгелдин ҳалол меҳнаткаш одам. У урушда қатнашган, уруш қийинчиликларини кўрган. Бўронли бекатида темирйўл ишчиси бўлиб ишлагунча бошидан не-не кўргуликларни ўтказган, барига чидаган. Манқуртлар ҳақидаги ривоят «Асрга татиғулик кун» романининг буткул замонавий аҳамиятини белгиловчи энг муҳим қисм ва романнинг буткул хужайраларига сингиб кетган етакчи ғоялардан бирининг манбаидир. Ривоятга кўра, қадим замонда Сариўзак ерлари боскинчи Жунганлар томонидан забт этилган. Улар асир олинган ерда жангчиларнинг сочларини тап-тақир қириб, янги сўйилган туя терисидан бошларига қалпоқ кийгизиб, офтоб қизигида чўлга хайдаб қўйганлар. Қийноқ шу қадар ваҳший ва азобли бўлганки, уларнинг кўплари чидамай нобу бўлган. Омон қолганлари эса хотира деган нарсадан маҳрум манқуртга айланган.

Сариўзакнинг ана шундай манқурт йигитларидан бири Жўломон ўтмишини хотиралаш у ёқда турсин, ҳатто ўзини қутқаргани келган туккан волидасини танимайди, на уруғи ва отасининг номини эслайди.

Бу етмаганидек, жунгжанлардан бирининг ўргатувчи билан ўз онасини отиб ўлдиради. Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романида эзгулик ва олийжанобликнинг, яхшилик ва тўғрилиқнинг, адолат ва ҳақгўйликнинг, қиёмат-қийим даражасига тушаётган ҳолатлари табиат, жамият, инсон ва иймон муаммоларини акс эттириш орқали кўрсатилади.

Табиатни паймол этиш туфайли рўй бераётган қиёмат даражасидаги пайхонликлар, барбодликлар, хунрезликлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Уларни амалга ошираётган қайта ижтимоий-қучлар, разил одамлар бор. Булар Акбара билан Тошчайнарга табиатда яшаш учун ҳатто ошён қолмаслиги: тоғда ноёб конга йўл очилиши муносабати билан уларнинг уяси жойлашган камишзорга буткул ўт қўйилиши туфайли беш бўри боласининг нобуд бўлиши: Акбара билан Тошчайнар тоққа қочгандан сўнг эса, бу ерда янги дунёга келган тўрт бўри боласининг энди разил, инсоний хислатларидан маҳрум Бозорбой томонидан ўғирланиб, ароқ олиш учун сотиб юборилиши: Обер-Қандалов бошлиқ ваҳшийсиёқ кишилар томонидан мўмай пул топиш илинжида сайроқларга қирон келтиришлари ва бошқалар табиатни қиёматга солаётган ҳодисалар эмасми.

Ҳатто, бу гуноҳларни худо ҳам, бандаси ҳам кечиради, бунинг учун тавба-тазарру қилиб, тўғри йўлга кирмоқ керак деган ва қисматини пгу йўлга тиккан Авдий Калисратов тақдири-чи. Бу чорлов, бу даъват уни наشاءандлар тўдаси уни ит азобида тепкилаб, поезддан иткитиб юборади. Шу тахлитда тавба-тазарруга, имонга, тўғри йўлга чорлагани учун сайроқларга қирон келтирмасликни зор-зор сўраб илтижо қилгани учун Обер-Қандалов бошлиқваҳшийлар гуруҳи уни тириклайин дарахтга осиб кетади. Ёзувчи бу тахлит содир бўлаётган воқеалар янгиликлар эмаслигини, бу касаллик фақат XX асрга келибгина пайдо бўлмаганини таъкидлаш учун тарих асоратларидан ўзига хос қиёс-мисол олади ва унинг ниҳоятда теран, фалсафий ифодасини беради.

Бу Исо билан алоқадор диний таълимотнинг бадиий талқинидир. «Худого муҳаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади» дейди Исо. «Инчунин, инсонга муҳаббат билан лиммо-лим бўлмагандир ҳам, вовайлоким, ўликдир».

Рим нойиби Понтий Пилат ва ғанимлар эса Исонинг бу ҳаракатини ҳалойиқни исёнга чақириш ва халқни йўлдан қайтса Понтий Пилат бошини халос этишга ваъда беради. Аммо,

Исо ҳақ йўлдан қайтмоқдан кўра азобда жон таслим этишни раво кўради.

Асардаги энг мураккаб образ Авдий Калистратовдир. У худога, динга дил-дилидан, вужуд-вужуди билан ишонади. Бироқ унинг фикрича, шу вақтгача инсоният тафаккурида бўлиб келган Худо эскирган, шу боис униянгилаш, замондош Худо яратиш керак. Бу фикридан, ўзи айтишича, ўтда куйдирсалар ҳам қайтмоқчи эмас. «Аср бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан қутилиш, инсон руҳига Худони англашда хурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зухроти деб билиш» Авдийнинг дин ва Худо ҳақидаги қарашларининг асосини ташкил этади. Бу куфрона фикрлари учун у диний семинариядан ҳайдалган ҳам. Бир жиҳатдан, бориб турган шаккок. Бир жиҳатдан виждон ва имон йўлидан адашганларнинг тарафдори, жонкуяри, уларни тўғри йўлга солиш учун жонини беришга тайёр, айна вақтда, худди ана шуларнинг ўзи томонидан аввал итдек калтакланиб сўнг, салкам Исодек қатл этилади. Авдийни анъанавий йўсиндаги яхши ёки ёмон киши образи деб аташ қийин. У мураккаб образдир. Шу фикрдан келиб чиқиб, «Қиёмат» романининг бош қаҳрамони Исо ҳам Авдий Калистратов ҳам, Бўстон ҳам ёхуд Акбара ва Тошчайнар ҳам эмас, балки уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи Имондир, деб айтиш мумкин.

Инсониятни, эзгуликни омон сакдаб қолувчи улуғ куч асли яратганнинг маънавий қудратига ишончдан нурланиб турувчи имондир, демоқчи бўлади ёзувчи.

Ч.Айтматов асарда эзгулик моҳиятини ранг-баранг: илоҳий фалсафий, инсонпарвар асослар билан чамбарчас алоқадорликда тасвирлайди. Зеро, эзгуликни талқин этишда бу уч олимнинг муштарак бирлиги ёзувчи ғояларини тўлақонли бадиий гавдалантиришда муҳим роль ўйнайди. Эзгуликнинг илоҳий асослари, бир жиҳатдан, Исо образи ва иккинчи жиҳатдан, диний семинарияда ўқиб, уни тарк этган Авдий Калистратов образи орқали илгари сурилади.

Эзгуликнинг инсонпарвар асосларини Чингиз Айтматов, айниқса, Бўстон образи орқали илгари суради. Бўстон заҳматкаш, илғор чўпонни, иккинчи синфда ўқиётганида отаси фронтда ҳалок бўлган, онасидан ҳам эрта айрилган. Унинг суяги меҳнатда қотди. Бир бурда нонни ўзи топиб еди. Шу боис дангаса, ишёқмас, тулلاق, ғийбатчиларни жинидан ёмон кўради, уларга мурасасиз. Бироқ, ўз навбатида, худди шу сифатлари учун ташаббускорлиги ва умум ишига жонкуярлиги учун Бўстонни уларнинг ҳам кўрарга кўзи йўқ. «Дунёнинг шафқатсизлиги» Авдийга ҳам Исога ҳам, ҳатто Акбара ва Тошчайнарга ҳам, шунингдек, Бўстонга ҳам бирдек. Бўстоннинг куйди-пишдилиги, тўғрилиги учун ундан қандай қилиб ўч олишни билмай юрган Бозорбойга ўхшаганларнинг унга нисбатан фалсафаси ҳам тайёр «илгариги замонлар бўлганида-ку, сиртга сув юқтирмас кулоқвачча совет ҳукуматининг синфий душмани сифатида шартта отиб ташланарди-я, оҳ-воҳига қарамай. Аттанг-а у пайтлар ўтиб кетди-да».

Эзгуликнинг йўли доим азобда, лекин наинки азоб, ҳатто қиёматдаги асосий фалсафаси бўлмаса Исо йўлидан қайтмасмиди, Авдий фикрини ўзгартирмасмиди, Бўстон мурасага келиб яшамасмиди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёзувчи, адолатли, ҳақгўй Бўстонга қарши Қўчқорбоевнинг Авдийга қарши Обер-Қандаловнинг Исога қарши Понтий Пилатнинг қарашларида умумийлик ва муштараклик бор эканини катта маҳорат ва бадиий теранлик гавдалантириб беради. Адиб асардаги образлар моҳиятини очишда, инсонпарварлик ғояларини китобхонга теранроқ сингдиришда асотирлардан маҳорат билан фойдаланади. Масалан, Эски булғор кўшиқларининг ижроси, шу кўшиқ таъсирида Авдий қалби, иймоннинг янада тозариши, Исо ва Понтий Пилат ўртасидаги гуноҳларни ювиш ва дил кўзларини очиш ҳақидаги бахслар, деярли бутун асар давомида барча жафокаш қаҳрамонларнинг чорасиз чокларда яратганга тавалло қилишлари ва нгу тавалло мазмунидаги имон, ишонч ва тазаррулар нурида улар сиймоси, табиатнинг янада покдомонроқ бўлиб бориши романининг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги ва таъсирчанлигини оширади.

Айни вақтда «Қиёмат» романини атоқли таржимон Иброгим Ғофуров ўзбек тилига катта маҳорат билан ўгирилганлигини ҳам таъкидлаш керак.

1. Чингиз Айтматов ва Ўзбек адабиёти Самарканд.1989.
2. Чингиз Айтматов ва Мухтор Шаханов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. Тошкент. 1999.

Ўнинчи маъруза :Қорақалпоқ адабиёти (2 соат)

Режа

1. Қорақалпоқ халқи тарихи ва фольклор асарлари.
2. Жиян Жировнинг “Дарбадар эл” достони.
3. Бердақ ижоди.”Аҳмоқ пошшо”, ва ”Шажара “достонлари.
4. Қорақалпоқ адабиётида драматургиянинг шаклланиши.

Таянч иборалар: “Қирқ қиз”, «Алпомиш», «Эр қўшай», «Маст подшо», «Шаҳриёр» достонлари, Бердақ , XX аср қорақалпоқ адабиёти, драматургиянинг шаклланиши.

Қорақалпоғистон Автоном республикасида яшовчи қорақалпоқ халқи жуда мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Узоқ асрлар давомида Бухоро амирлари ва Хива хонлари зулми остида эзилиб келган, ярим кўчманчилик ҳаётини бошдан кечирган қорақалпоқлар бир неча марта Россия империясидан паноҳ топишга уриниб кўрдилар. Лекин бу уриниш-лардан натижа чиқмади.

Қорақалпоқ халқининг ўзига хос жуда бой оғзаки ижоди ва адабиёти бор. Халқ оғзаки ижоди кенг ривожланиб, ёзма адабиёт деярли ривожланмади. Бунинг сабаби шуки, қорақалпоқлар узоқ асрлар давомида ярим кўчманчилик ҳаётини бошдан кечирдилар. Меҳнаткаш халқнинг орзу-истаклари фольклор асарларида ўз ифодасини топар эди. Халқ оғзаки ижодининг бизгача етиб келган намуналари орасида мазмундор ажойиб лирик шеърӣ асарларни ҳам, салмоқдор қаҳрамонлик достонларини ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистондаги экономика ва маданият илмий текшириш институтида «Қирқ қиз», «Алпомиш», «Эр қўшай», «Маст подшо», «Шаҳриёр» сингари достонларининг кўл ёзмалари бор. Бундан ташқари қорақалпоқ фольклорида ўзбек, тожик, туркман ва бошқа қардош халқлар орасида машҳур бўлган «Ошиқ Ғариб», «Юсуф ва Зулайхо», «Ошиқ Ҳамро», «Тоҳир ва Зухра», «Юсуф Аҳмад» каби поэмаларни ҳам учратамиз.

Қорақалпоқ достонларининг деярли ҳаммасида ватанпарварлик ғоялари ва демократик мотивлар ёрқин ифодаланган. Бу анъана қорақалпоқ адабиётининг мумтозларига ҳам, бошқа адабиёт намояндаларига ҳам кучли таъсир ўтказди.

Қорақалпоқ халқи орасидан бу достонларни ижро этадиган, уларни авлоддан-авлодга етказадиган кўпгина халқ жирав-шоирлари етишиб чиқди. Улар орасида Чимбой туманида яшовчи машҳур жирав Тангриберганни кўрсатиш мумкин.

Қорақалпоқ халқ достонлари орасида «Қирқ қиз» достони ўзининг ғоявий мазмуни ва бадиий пишиқлиги билан ажралиб туради. Бу достонда тасвирланишича, саркарда Гулойим қирқ қиз ва халқ билан биргаликда Эрон шоҳи Нодиршоҳга ҳамда қалмоқ хони Суртойга қарши жанг қилиб. мардлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар. «Қирқ қиз» достони ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб нашр этирилган.

Қорақалпоқ фольклорида эртақ, лапар, жумбоқ, қўшиқ ва термалар ҳам жуда кўп яратилган. Бу лирик асарларда хон ва бойлар, мулла ва эшонларнинг адолатсизлини, меҳнаткаш халқнинг азоб-уқубат чекиши ва ўша замондаги урф-одатлар тасвирланган.

XX асрнинг 20 йилларигача қорақалпоқлар араб ёзуви билан иш кўрганлар. Ёзма адабиёт вакиллари ҳам шу ёзувда ижод қилганлар. Бироқ XVIII асрдан бошлаб шаклланган қорақалпоқ ёзма адабиёти ҳақида бизгача жуда оз маълумот етиб келган. Бу маълумотлар асосида XVIII-XIX асрларда яшаб ижод этган Жиян Жиров сингари бир қанча шоирларнинг ижоди ҳақида фикр юритиш мумкин.

Қозоқ хони Абдулхайрга қарши олиб борилган урушда қорақалпоқлар мағлубиятга

учраб, яна азоб-укубатларга дучор бўладилар. Бу урушдан сўнг Сирдарё бўйларидаги туркистонлик қорақалпоқлар ҳар ёққа тарқаб кетганлар. Уларнинг бир қисми Тошкент атрофига - Чирчиқ бўйларига, бошқа бир қисми эса Фарғонага ва Самарқанд атрофларига жойлашган. Кўплари эса Қизилқум орқали Хоразмга - Орол денгизининг жанубий соҳилларига бориб ўрнашганлар. Мана шу машаққатли кўчишларни ўз кўзи билан кўрган Жиян Жирав ўзининг «Дарбадар эл» номли достонини яратди.

Қорақалпоқ халқ шоирларининг кўпчилиги, жумладан, Жиян Жирав, Кунхўжа, Бердақ, Қулмурод, Гулмурод ва бошқалар меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиққан, бинобарин, уларнинг ижодида халқ ҳаётининг фожиали лавҳалари ёрқин тасвирланган. Масалан, Кунхўжа XIX асрда яшаб, ижод этган. У ўзининг ажойиб шеърларида қорақалпоқ халқининг қашшоқликда дарбадар бўлиб яшаганлигини тасвирлайди; Кунхўжа Хива хонини ҳажв қамчиси билан савалайди. Унинг шундай шеърларига мисол қилиб «Ўроқчилар» ва «Туя экансан» асарларини кўрсатиш мумкин.

Қорақалпоқ ёзма адабиётининг йирик вакилларида яна бири Ажиниёз шоирдир. У Фирдавсий, Низомий, Навоий, Махтумқули каби атоқли Шарқ шоирларининг ижоди билан яхши таниш бўлган. Ажиниёз шоирнинг «Бўз ўтов» достонидида қорақалпоқ халқининг бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур этилганлиги, туғилиб ўсган ватани билан хайрлашиш жуда оғир бўлганлиги усталик билан тасвирланган.

Қорақалпоқ мумтоз адабиёти тараққиётида улкан демократ-гуманист шоир Бердимурод Бердақнинг мавқеи катта. Бердақ «Шажара», «Эрназар бий», «Ойдўст бий» ва «Аҳмоқ подшо» достонлари билан қорақалпоқ мумтоз поэзиясида достончиликнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

«Аҳмоқ подшо» достонидида тасвирланишича, Аҳмоқ подшо фарзанд кўрмайди, меросхўри бўлмаганидан қайғуради. Унинг Гулим исмли хотини қиз кўради. Буни хабар қилиш учун шоҳ саройига Зара номли чўри хотинни юборадилар. Подшо бундай «ёмон» хабарни, келтирган чўри хотинни калтаклашни, қизини эса ўлдириб, хотинини ўз қошига келтиришни буюради. Лекин садоқатли чўри Зара қийинчиликларни енгиб, бу хабарни Гулимга етказди. Гулим ва унинг қизини жаллодлар чангалидан сақлаб қоладилар ва уларни ер остидаги бир кўрғонда тарбиялайдилар. Орадан кўп вақтлар ўтади. Бўйга етган шоҳ қизи Гулзор ўз отаси билан учрашишни истайди. Қизи Гулзор билан учрашган Аҳмоқ подшо унга ошиқ бўлиб қолади. Лекин қиз подшо таклифини рад этади. Шунда у қизни итларга ем қилишга буюради. Итлар эса Гулзорга ҳамла қилиш ўрнига тилга кириб, Аҳмоқ подшони қарғайдилар. Шундан сўнг Гулзор зиндонга ташланади. Кейинроқ уни яширин йўл билан ўрмонга олиб кетиб тарбиялайдилар. Подшонинг қилмишларидан ғазабланган Гулзор саройга кириб келиб, ўз қўли билан Аҳмоқ подшони ўлдиради.

Достоннинг қисқача мазмунидан кўриниб турибдики, Бердақ бу асарида қарама-қаршиликларни зўр маҳорат билан очиб берган. У Аҳмоқ подшо сингари золим шоҳларнинг зулми ва фаросатсизлигини қаттиқ танқид қилган.

1957 йилдан бери Тошкентда бир неча бор ўтказилган қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадалари қорақалпоқ адабиёти ва санъатининг шаклан миллий, мазмунан адабиёт бўлиб раванқ топаётганлигини исбот қилиб берди.

Қорақалпоқ ёзувчиларининг 20-30 йилларда эндигина пайдо бўлиб мустақамланаётган қорақалпоқ матбуоти органлари атрофига, жумладан, «Эркин Қорақалпоқ» рўзномаси атрофига уюшишлари уларнинг ижодий камолотга эришишларида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, бу йилларда адабиёт майдонига кириб келган Х.Ахметов, А.Матёкубов, А.Утепов, Ж.Оймирзаев ва А.Бегимов сингари ёшлар, шунингдек, А.Мусаев, А.Дабиллов, С.Нурумбетов сингари тажрибали ёзувчиларнинг деярли ҳаммаси ўз ижодини аввал муҳбир-журналистликдан бошлаган.

Драматургияга асос солган қорақалпоқ драматурги А.Утепов дастлаб «Ўз тенгини топган қиз» пьесасини эълон қилди. Ундан сўнг А.Бегимов ўзининг «Хотира» номли асарини ёзиб, унда қорақалпоқ халқининг азоб-укубатли ўтмишига ҳозирги бахтиёр кунини қарама-қарши қуйиб тасвирлайди.

Драматургия соҳасида баракали ижод этган А.Утеповнинг сахна асарлари кўпроқ ҳажвий характерда эди. У ўзининг «Кўзбўямачи вакил», «900 грамм», «Саидмурод дангаса» сингари асарларида ҳаётдаги айрим ахлоқи ёмон кишиларни, дангасаларни ҳажв остига

олди.

Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг тарихи бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганидай, бу икки қон-қардош халқнинг адабиёти ўртасида ўзаро алоқа ва таъсир ҳам бир неча асрлик тарихга эга. Ўзбек халқ достон ва эртақлари (масалан, «Алпомиш») кўпдан бери қорақалпоқ халқи орасида машҳур бўлганидек, қорақалпоқларнинг «Қирқ қиз» достони ҳам ўзбек китобхонлари диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Айниқса Улуғ Ватан урушидан сўнгги йилларда ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари мустаҳкам-ланди. Ўзбек ва қорақалпоқ адабий ижодий ҳамкорлиги амалий тус олди. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш иши кенг қулоч ёйди.

Хусусан, Ойбек, Уйғун, А.Қаҳҳор, Н.Сафаров ва М.Шевердин сингари таниқли ёзувчиларнинг Қорақалпоғистонда бўлиб, адабий ҳаракатга бевосита иштирок этишлари қорақалпоқ адабиётининг салмоқдор бадиий асарлар билан бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбек шоир ва ёзувчиларидан А.Навоий, Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Уйғун, Ш.Рашидов, А.Мухторларнинг асарлари қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, кўплаб нашр эттирилганидек, қорақалпоқ халқ эпоси «Қирқ қиз», шунингдек, Б.Бердақ, Ж.Ой-мурзаев, Х. Сеитов, А. Бегимов, М. Дарибоев, А. Дабилов сингари мумтоз шоирларининг шеър ва достонлари, Т.Қайипбергеновнинг «Сўнгги хужум», «Қорақалпоқ қизи» ва «Қорақалпоқ достони» романлари, С.Хўжаниёзовнинг «Суймаганга суйканма» комедияси ўзбек китобхон ва томошабинларига катта эстетик завқ бағишламоқда.

Адабиётлар:

1. Тўлепберген Қайипбергенов. Қорақалпоқнома. Т. 1997.
2. Миртемир.Қорақалпоқ дафтари. Т.1987.
3. Тўлепберген Қайипбергенов. Қорақалпоқнома. Т. 1997.
4. Миртемир.Қорақалпоқ дафтари. Т.1987.

Ўн биринчи машғулот: Бердақ –қорақалпоқ адабиётининг асосчиси. (2 соат)

Режа:

1. Бердақ ҳаёти ва ижоди.
2. Бердақ - достоннавис.
3. Бердақ ва ўзбек адабиёти.

Таянч сўзлар ва иборалар: Бердақ, «Посқан ел» достони, «Айралик-айралик», «Олти халфа», «Олти қиз», «Шажара», «Аҳмоқ пошшо» «Ойдўс бий», «Омонгелди» ва «Эрназар бий» достонлари.

Жаҳон адабиёти тараққиётидан маълумки, ҳар бир халқ тарихида, ижтимоий ва маданий ҳаётида ўзининг сезиларли «муҳри», табаррук «из»ларини қолдирган улкан санъаткорлар бор. Улар ўзларининг ҳаётий фаолиятлари ва ижодларини ҳамиша оддий меҳнаткаш халқ тақдири билан бирга ҳис қилганликлари, ҳар қандай шароитда ҳам халқ дарди, орзу-умидларига ҳамдард ва ҳамнафас бўла олганликлари учун ҳам умри боқий ва буюқдирлар. Бундай санъаткорлар ҳақида тарихдан жуда кўп сиймоларнинг номларини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин: Фирдавсий, Низомий, Навоий, Жомий, Саъдий, Фузулий, Пушкин, Махтумқули, Лермонтов, Некрасов, Абай, Толстой ... Қардош қорақалпоқ халқининг фарзанди, бу халқ адабиётининг фаҳри ва асосчиси, демократ шоир Бердақ ҳам юқорида қайд қилинган машҳур санъаткорлар сирасига мансубдир.

Бердақ XIX асрда, Туркистон ўлкасидаги феодал хонликларда, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт низоҳатда оғир, мураккаб шароитларга тушиб қолган ва Ўрта Осиёни Россия

босиб олинган даврда яшади ва ижод этди. Шоир 73 йил умр кўрди, унинг қарийб ярим асрдан мўлроғини бадиий ижоддек машаққатли, масъулиятли, лекин шарафли ишга бағишлади.

Авлодларга 20 минг мисрадан зиёд шеър, халқ ҳаёти ва курашининг турли даврларини бадиий шаклда кўрсатиб беришга бағишланган ўнга яқин йирик эпик дostonларни мерос этиб қолдирди.

Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,
Кўнглимнинг сезганин, билганин ёздим,
Замон жафосидан сарғайдим, оздим,
Келурми деб яхши кунлар халқ учун

деб ёзган шоирнинг қалб сўзлари ҳаққонийлигини тарихий фактлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, қорақалпоқ халқининг Нўғой ўрдасидан ажралиб чиққандан кейинги (XVI аср) тарихий тақдири Туркистон ўлкасидаги турли хонликлар территориясида яшовчи ҳар хил халқлар, асосан ўзбек халқининг тақдири билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб қолди. Бироқ феодал зулмат ҳукмрон бўлган ўлкада бу жабрдийда, тарихнинг беомон фожиаларига кўп марта дучор этилган халқнинг меҳнаткаш фарзандлари ўз эрқлари, ҳақ-ҳуқуқларига эга эмас эдилар. Бундай аянчли ҳол, Жиян Жиров айтганидек, қорақалпоқларнинг «посқан ел», яъни дарбадар халқ бўлиб, Бердақ таъкидлаганидек «юз йил кўним билмай» кўчиб юрган. Бир томондан, Хива хонларининг «марҳамати» сифатида «инъом» этилган Орол денгизининг шўрхок ва қумлоқ дашт-биёбонлари, Амунинг қуйи қисмлари бу меҳнаткаш халқ иқтисодий тараққиётини чеклар, доимий сувсизлик, манзил ерларнинг оғир табиати уларнинг ҳамроҳи эди. Иккинчи томондан, анча миқдордаги бўлиқ, сувга сероб, серҳосил ерларни эгаллаб олган бир гуруҳ маҳаллий бойлар ва бийлар зўравонлиги, оталиқ ва хон томонидан тайинланган ноибларнинг шафқатсиз эксплуатацияси, Хива хонлари белгилаган сон-саноксиз солиқлар халқнинг тинка-мадорини қуритар эди. Ҳаётнинг мазкур аччиқ ҳақиқати қорақалпоқ фольклорида, XIX аср бошларига келиб қорақалпоқ халқи орасидан етишиб чиққан ёзма адабиёт вакиллари Жиян жиров, Кунхўжа, Ажиниёз ва ниҳоят Бердақ ижодида ўчмас из қолдирди. Жумладан, Жиян жировнинг - машҳур «Посқан ел» достонида қорақалпоқ халқининг жунғор ва қозоқ хонлари босқинидан кейин Орол бўйларига тарихий кўчишининг оғир манзаралари ўз ифодасини топса, бу давр адабиётининг йирик вакили Кунхўжанинг «Чўпонлар», «Оқ қамиш», «Унутмасман», «Туя экансан», «Халқ билан», «Менинг болам», «Бой боласи» каби асарларида халқнинг оғир, машаққатларга тўла ҳаёти тасвирланади. Замонасининг ажойиб лирик шоири Ажиниёзнинг шеър ва ғазалларида, «Бўзатов» номли машҳур поэмасида ўша давр қорақалпоқ ҳаёти ва турмушининг тўлақонли манзаралари санъаткорона, кўҳна Шарқ шеърляти анъаналари услубида акс этди. Бердақ эса бу санъаткорлар анъаналарининг қонуний вориси, улар асос солган адабиётнинг тараққий эттирувчиси бўлиб майдонга келди. Бердақ ўз устозлари изидан бориб, баъзан улар билан ёнма-ён ижод қилиб, қорақалпоқ мумтоз адабиёти анъаналарини ўзига хос йўсинда давом эттирди. Бердақнинг таржимаи ҳолидан маълумки, у камбағал балиқчи оиласида туғилиб ўсган. Тахминан 10 ёшларида ҳам ота, ҳам онадан етим қолган бўлғуси шоир талай йиллар бойлар эшигида кун кечиради. Бердақ дастлаб эски мактабда, кейинроқ эса мадрасада таҳсил кўради. Ўн ёшларида ўзича шеърлар тўқий бошлаган шоир талай муддат ижодий изланишлардан кейин замонасининг машҳур шоири Кунхўжа ҳузурига бориб, шоирнинг ўзи эътироф этганидек: «бир ярим ой бирга бўлиб, ёзганларини тинглатиб, нуқсонларини ўнглаиб, ўлан завқин тотиб» қайтади. Бердақ яшаб ижод этган шароитда ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва бошқа қардош халқлар орасида халқ китоблари кенг тарқалган эди. Қорақалпоқ халқи орасидан чиққан айрим саводли кишилар, яъни «қиссахон»лар ҳар хил тўй ва маъракаларда «Тоҳир - Зухра», «Баҳром - Гуландом», «Қиссасул анбиё» каби дунёвий, ишқий-романтик ёки мифологик, мифологик-афсонавий мавзулардаги асарларни ўқиб берар эдилар. Бердақ даврининг саводли, илғор кишиси

бўлганлиги сабабли унинг бу хилдаги асарлардан ҳам хабардор эканлиги «Айралиқ-айралиқ» радибли шеъридан маълум бўлади:

*Айрилиқнинг жабри ёмон,
Бошда ҳар кун охир замон,
Баҳром- Гуландом шудостон,
Ёмон айралиқ-айралиқ,*

«Айралиқ» шеъри яна шу жиҳатдан муҳимки, бу асар Бердақ ва ўзбек фолькл ори ўзаро муносабатларини анча ойдинлаштиришга асос бўла олади.

Ўзбек халқ поэзиясида ошиқ-маъшуклар дарди ёки меҳнаткаш инсоннинг зулмат замонасидан норозиликлари «Айралиқ» ёки «Айралиқ-айралиқ» радибли асарлар орқали алоҳида таъкидланган ҳоллар кўп учрайди. Бу хусусият ўзбек халқ дostonларига ҳам тааллуқли бўлиб, айрим дostonлар қаҳрамонлари тақдири, руҳий-психологик ҳолатларини очиб берувчи характерли факторга айланган.

Бердақ шеърияти ва ўзбек халқ кўшиқлари орасида шаклий ва мазмуний ҳам оҳанглик мавжуд. Фикримизни асослаш учун шундай мисолларга мурожаат этамиз. Бердақ адабий меросида «Олтиқиз» сарлавҳали ҳазил шеър бор. Унинг қисқача мазмуни шундай: Бибиойим, Гулойим, Моҳида, Орухон, Гулимхонва Равшан исмли қизлар Қўсимбет кал деган кишининг аравасига миниб, ҳайит-маърака сайлига йўл олишади. Қўсимбет кал қизлар

шўхлиги, қувончли кайфияти ва гўзаллигига маҳлиё бўлиб от жиловини қўлдан қўйиб юборганлигини, арава эса йўлдан чиқиб тамоман бошқа томонга кетиб қолганлигини сезмай қолади. Оқибат шу бўладики, арава эски бир қудуққа ағдарилиб кетади... Ўзбек халқ кўшиқлари орасида ҳам «олти» рақами билан бошланувчи, қиз-жувонлар таърифига бағишланган ҳазил термалар талайгина. Масалан, Хоразм халқ термаларидан «Олти халфа»нинг айрим бандларини Бердақ шеърига қиёслайлик:

«Олти халфа»

Олти халфа бири Ойша,
Узуклари қўша-қўша,
Бордим томлар оша-оша

Элга балли олти халфа.

«Олти қиз»

Иккинчи қизи Моҳида,

Оқ юзи ойдан зиёда,

Йўл юрмаймиз деб пиёда

От аравага минган экан.

Ҳар иккала парчада ҳам тасвир объекти қилиб олинган шахслар портрети, уларнинг характерига хос хислатлар гавдалантирилган. Фарқи шундаки, ўзбек халқ кўшиғида банд охирида доимо бир хил радиф сақланади. Бердақ шеърида эса аравага минган қизлар кўриниши тасвир этилгач, асосий мазмунга ўтилади. Шеър фақат қизларни таърифлаш эмас, балки асар асосий қаҳрамони Қўсимбет кал нўноқлигини ҳажв қилиш ниятида битилганлиги маълум бўлиб туради..

«Олти» рақами билан бошланувчи ўзбек халқ кўшиқлари «Гулёр» («Фарғона халқ кўшиқлари») тўпламида ҳам бор. Мисол тариқасида ундан баъзи намуналарни келтириб ўтамиз:

Олти қизнинг ичида отинг Анор,

Нақш олмадек юзингдан қонлар томар.

Нақш олмадек юзингдан ўпич, берсанг,

Ўз тенгимнинг ичида кўнглим қонар.

Чини билан чақирсанг, мен борайин

Ёлғон билан чақирсанг, бетинг курсин.

Олти қизнинг ичида отинг Турсин

Чини билан сув қуйсанг тиниб турсин.

Бердақча бўлган қорақалпоқ мумтоз адабиёти тарихида мазкур жанрда «шажара»лар, яъни ўтмиш авлодлар ҳақида, халқ тарихий тақдиридаги энг муҳим даврлар, воқеа-ҳодисалар тўғрисида тарихий-адабий ёки мемуар характердаги «солнома» лар яратилганлиги маълум эмас. Шу сабабли, Бердақ ўз «Шажара» достонини яратар экан, кўҳна Шарқ адабиётидаги мавжуд анъаналардан, хусусан Хоразмнинг Абулғози, Мунис каби машҳур «шажара»чилари ва санъаткорларидан ўрганган, улар ижодидан баҳра олган деб ўйлашга асос бор, деб ўйлаймиз. Бунинг боиси шундаки, хоразмлик муаллифлар яратган «шажара» лар билан Бердақ «Шажара»си орасида фақат асар номидагина эмас, шакл ва мазмун жиҳатдан ҳам ҳамоханглик, ўхшашлик бор: уларнинг барчасида Хоразм воҳаси халқларининг келиб чиқиши ва мамлакатни идора этган ҳукмдорлар таржимаи ҳолига тегишли ҳодисалар, хонлик ҳаётидаги муҳим воқеалар тасвир этилади. Фарқи шундаки, хоразмлик муаллифлар яратган аксарият «шажара»лар насрда битилган бўлса, Бердақ «Шажара»си назмда ифода этилган. Шуниси характерлики, Бердақ «Шажара»сида фақат қорақалпоқ халқининг кўп асрлик тарихидаги муҳим воқеалар таъриф этилибгина қолмасдан, ўзбек халқи билан кечган муштарак ҳаёт, шунингдек ўзбек халқи тарихи ҳам баббаравар тилга олинади. Бердақ «Шажара» достонининг бу хусусияти асарнинг ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ халқи тарихини ўрганишда тадқиқотчиларга муҳим манба сифатида хизмат этиб келишига сабаб бўлди.

Бердақ «Шажара» достонининг фақат тарихий жиҳатдан аҳамиятини таъкидлаб қўйиш бирёқламалик бўлар эди, албатта. «Шажара» - даставвал тарихий-бадий асар. Шоирнинг ўзига хослиги шундаки, у хоразмлик тарихчи ва санъаткорлар яратган «шажара»лар доирасида ўралашиб, улар яратиб кетган маълумотлар доирасида қолиб кетмайди, балки тарихий фактларни ўз асари тўқимасининг асоси қилиб олган ҳолда тарихий-бадий эпик полотно яратади. Бу табиий, албатта. Чунки «санъаткорлар ўз ўтмишдошларидан, даставвал, янги воқеликнинг эстетик вазифаларига мос келадиган нарсаларнигина қабул қиладилар». Бердақ ҳам «Шажара»ни яратиш йўлида баъзи маълумотларни ўз ўтмишдошларидан олди, бироқ уни давр ва ҳаёт билан боғлади, ўз ғоявий-эстетик мақсадини ифода этиш учун халқ ривоятлари, фольклор материалларини асар тўқимасига киритди ва пировардида жўшқин поэтик илҳом, ҳис-туйғулар ва ақл, доноликни бир нуктага жам қилиб ўз «Шажара»сини яратди.

Бердақ ўзининг машҳур асари «Излар эдим» шеърисида шундай эътироф этади:

«Чор китоб»дан нари қочдим.
Навойдан савод очдим.
Фузулидан дурлар сочдим,
Доноларни излар эдим.

«Чор китоб» дан нари қочдим, Навойдан савод очдим» мисраларидаги соф икромнинг ўзиёқ Бердақ учун буюк ўзбек шоири Алишер Навоий, бинобарин мумтоз ўзбек адабиёти қай даражада улкан аҳамият касб этганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бундан келиб чиққан ҳолда Алишер Навоийни Бердақнинг илк муаллими, унга сўз санъатининг сиру асрорларидан асрлар оша ғойибона сабоқ берган, Бердақда оддий меҳнаткаш халққа нисбатан меҳр-муҳаббат фазилатларини тарбиялаган, инсонийликдан сабоқ берган илк муаллим дейиш мумкин.

Бердақ машҳур «Аҳмоқ пошшо» достонининг хотима қисмида шундай ёзади:

Кулфат қасрида қаридим,
Султон Суйин, Миралининг
Шоҳу гадонинг баридан,
Дунё ортда қолган экан.

Шоир ўз замонасини «кулфат қасри»га муқояса қилади, шу орқали ўз умрига яқун ясагандек бўлади. У таъкидлайдики, Султон Суйин - Ҳусайн Бойқаро - шоҳ, Алишер Навоий - Мирали - шоир таъбирича - гадо бўлиб оламдан ўтдилар, бироқ бу зулмат замони уларга ҳам вафо қилгани йўқ. Лекин уларнинг биридан кулфат, халқ бошига ғам-алам, иккинчисидан эса мангуликка дахддор, умри боқий асарлар қолди. Бердақ дoston нихоясида ўзига Миралининг умрини тилагандек бўлади. Энди диққатни Бердақ ўз поэзиясида улуғ ўзбек шоири анъаналарини давом эттирганлиги нималарда кўринишига, шоир Навоий анъаналарини қай даража ижодий юксалтирганлигига қаратамиз.

Мана Бердақнинг «Халқ учун» сарлавҳали шеъри. Оригиналда 260 мисрадан ортиқ бўлган мазкур асарга буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг машҳур «Одами эрсанг демагил одами, они ким йўқ халқ ғамидан ғами» афоризмини поэтик эпиграф қилиб олиш

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.
Йигит бўлсанг арслон каби туғилган,
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун.

Шеърнинг кейинги бандларида юқоридаги фикр яққол конкретлаштирилиб, чуқурлаштирилиб борилади ва шоир, Алишер Навоий ҳикматидаги каби, ўз замондошларини «халқ дарди», «халқ ғами» йўлида заҳмат чекишга чақиради:

Етарсан муродга гар хизмат этсанг,
Элинг йўллаганда ҳар қаён кетсанг,
Ҳар қачон душманнинг бошига етсанг,
Аянмасдан, хизмат айла халқ учун.

Навоий ҳикматидаги ва Бердақ шеъридаги «халқ», «халққа хизмат» деган сўзлар ўша феодал жамиятда яшаб фаолият кўрсатаётган барча шахсларга тааллуқли эмас. Улар фақат меҳнаткаш, оддий қора халқ сирасига мансуб, унинг манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилган, ўзи мансуб миллат ор-номуси учун тенг талашган, зарур дамларда одамгарчиликнинг барча қонун доираларини ўз ўрнига қўя биладиган одамларнигина «халқ» доирасига киритадилар. Бердақ фикрича, халқ «ишлаб-терлаб бир бурда нон топган», «қўл қавартган», «арслондек» кучини нгу халқ, эл-юрт манфаатларига астойдил сарф қилган, замона зайли туфайли очлик, камбағаллик, қазув, солиқ каби халқ гарданига тушган оғир офатларга мардона чидаётган, керак пайтларда миллат, эл-элат, она-юрт мустақиллиги йўлида қон кечишга ҳам қодир одамлар. Шоир ана шу одамларни бирликка, дўст-биродарликка даъват этади, халқнинг кучи - унинг дўстлигида деб билади:

Дўстлик билан ҳар бир ишда шай турсанг,
Жон аямай эл-юрт учун иш қилсанг.
Қайғуланмай, улуғ ишга қўл урсанг,
Шунда менинг кўнглим ўсар халқ учун.

Бердақ ўз асарида замонасидаги эксплуататор синф вакиллари «халқ» доирасига киритмасдан, шеърда уларни «душман», «ёмонлар», «номард», «фосик», «бўри» каби номлар билан атайди.

Бердақ достонида халқ орасида кенг тарқалган ривоятларга асосланган ҳолда қозоқ ва қорақалпоқ халқларини бир отага мансуб икки ўғилнинг фарзандлари сифатида таъриф этади. Бу билан шоир халқлар дўстлиги ва қонқардошлиги ғояларини улуғлайди, уларни дўст-биродарликда, тотувликда яшашга чақиради. Бердақнинг айна пайтгача қорақалпоқ ва ўзбек тилларида эълон қилинган асарларининг таҳлили пугни тасдиқлайди. Фикримизнинг исботи учун С.Тойшибаева «қозоқлар ҳаёти тасвир этилган» деб таъкидлаган «Ойдўс бий» достонига мурожаат этамиз.

Ойдўс бий - тарихий шахс. Машҳур ўзбек мумтоз шоири, моҳир таржимон Огаҳийнинг маълумотига қараганда, Ойдўс ва унинг қарамоғидаги қўлдовли уруғи Хива хони Муҳаммад Амин иноқ ҳокимият тепасида турган даврда (1763-1770) хоннинг «марҳамати» туфайли «Кўк ўзақдан Оролгача» бўлган территорияга жойлашадилар. Хонга содиқ хизмати учун Ойдўс барча қорақалпоқлар улусининг ҳокими мансабига кўтарилади.

«Ойдўснинг Хива хони тарафига ўтиши,- деб таъкидлайди Ўз.ФА ҳақиқий аъзоси С.Камолов,- хоинлик ва сотқинликдан бошқа нарса эмс эди. У қорақалпоқларни ҳақиқатда қарама-қарши икки лагерга бўлиб қўяди».

Ойдўс ўз халқига қарши чиқиб, қорақалпоқларнинг ҳали Хива хонига қарам бўлишни истамаган уруғларини қурол кучи билан бўйсундиришни қувватлаш орқали Хива хонлигининг янги ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхоннинг (1806-1825) ҳам «марҳаматига» сазовор бўлади ва кейинроқ ўзини «Мойли Жангал»дан шимол томонда яшайдиган барча қорақалпоқлар ҳукмдори, яъни «ярим хон» тайинлашларини талаб қила бошлайди. Бироқ қорақалпоқларнинг бўйсунмаган уруғларини ва Жанга дарё бўйидаги қозоқ уруғларини ўзига бўйсундириб, шимолий чегараларни мустаҳкамлаб олган Муҳаммад Раҳимхон Ойдўснинг бу талабини рад этади. Бу билан чекланмасдан уни қорақалпоқ улусига ҳокимлик мансабидан ҳам четлаштиради.

Издат нафси ерга урилган ва алданган Ойдўс шундан кейин халқни ўзига оғдириб, Хива хонига қарши курашга ўтади. У Сариков ўтов деган жойда 2 мингга яқин оилани жамлайди. 1827 йил 29 июлда Қўнғиротни босиб олиш ва хон ноибларини жазолаш учун ўғиллари Ризо ва Тўра бошчилигида 300 отликни жўнатади. Хон аскарлари билан бўлган жангда Ойдўс тарафдорлари енгилади, Ризо ўлдирилади, Тўра эса қишанланган ҳолда Хива хони ҳузурига юборилади. Воқеадан хабар топган Ойдўс тарафдорлари орасида парокандалик бошланади ва Ойдўс Қўқон хонидан ёрдам олиб келиш учун йўлга чиқади. Бироқ Чирик рабоб деган жойда хон қўшинлари уларга етиб олади. Ойдўс жангда ўлдирилади.

Бердақ туғилган йилда бўлиб ўтган қонли фожиалар тарихда ана шундай баён қилинади.

«Ойдўс бий» поэмасида эса воқеалар ривожини бошқача берилади. Поэма муқаддимасида Ойдўс бий шаънига «илиқ» сўзлар айтилиб, унинг шахсияти, халқ олдидаги хизматлари эслатилади. Сўнгра асосий воқеалар тасвирига ўтилади.

Ойдўс бий ҳузурига Хива хонидан чопар келади. У олиб келган мактубда хон Ойдўсга қарата:

Бегис билан Миржиқнинг,
Калласин олиб келсин.
Кейин «Мойли Жангал»дан,
Нарёғин Ойдўс сўрасин

деб ёзганлиги маълум бўлади. Мансаб ва мавқеа йўлида ҳар қандай ифлос ишлардан қайтмайдиган Ойдўс Хива хонининг бу мактубини олгач, ўз укалари Бегис ва Миржиқни ўлдириш хусусида ўйлаб кетади. Бу пайтда Бегис ва Миржиқ, акаси Ойдўс

хонга сотилиб кетгандан кейин, меҳнаткашларни хонга қарши кўзғолонга тайёрлаш ҳаракатида эдилар.

Шоир Ойдўснинг мактубни олгандан кейинги психологиясини яхши акс эттиради. Поэмадаги асосий воқеаларга туртки берувчи бадиий тугун ана шу тариқа яратилади.

Ойдўс эрта саҳарда туриб Миржик ва Бегисни уйғотади ва «маслаҳатлик махфий иш» борлигини айтиб, қирга чиқиб келишни таклиф қилади. Содда Бегис ва Миржик ўша жойда золим тошбағир ака ҳийласининг қурбони бўлишади. Ойдўс укаларининг каллаларини хуржунга солиб Хивага, хон ҳузурига қараб йўлга чиқади. Бердақ «қаҳрамони»нинг бу қилмишига лоқайд эмас. У ўз укаларининг қотили даражасигача маънавий тубанлашган Ойдўсни қаттиқ қоралайди.

Ойдўснинг Хива шаҳрида бир маҳрам дўсти бор эди. У Ойдўсга хат жўнатилганидан хабардор бўлган, лекин бу ҳийладан Ойдўсни огоҳ эта олмаган эди. Маҳрам Ойдўс Хива тупроғига қадам қўйганлигини билиб, унга пешвоз чиқади ва юз берган фожиадан огоҳ бўлади. Маҳрам унга бу хат хоннинг ҳийласи эканлигини, шу йўл орқали хон ҳам Ойдўсдан, ҳам унинг курашчан укаларидан биратўла қутулмоқчи бўлганлигини ошкор этади. Бироқ Ойдўс ишонмайди ва хон саройига йўл олади.

Баланд кўча, паст кўча,
Оралаб энди боради,
Хивалик ёш болалар,
Ойдўсга тупроқ сочади.
Шунда ҳам нодон, билмайди.

деб куюниб ёзади шоир. Тарихий маълумотларга қараганда, Ойдўс ўз иниси Миржикни 1810 йилда Муҳаммад Раҳимхон ҳузурида ўз қўли билан ўлдирган. Поэмада эса, шоир ҳаёт ҳақиқатидан биров четлашган бўлса-да, бироқ бадиийлик жиҳатидан, яъни поэмадаги асосий ғояни - Ойдўс ваҳшийлиги, қонхўрлиги ва маънавий тубанлигини - яқка бир ҳукмдор шахс фожиасининг сабабларини очиб беришда, мантиқан тўғри йўлдан боради.

Ойдўс хоннинг ҳузурига кирганда хон унга ҳатто «келдингми?» ҳам демайди, совуққина муомала қилади. Калла солинган хуржунни хон ҳузурида қолдириб, Ойдўс маҳрам дўстининг уйига келади. Хивалик дўсти унга яна бир ҳақиқатни очади: хон укаларини қатл қилган Ойдўсни ўлдирмоқчи эканлигини айтади. Бу хабарни эшитган Ойдўс Хивадан чиқиб қочади. У юртига боргач, 60 қорақалпоқ бийини чақириб маслаҳат қилади ва уларни хонга қарши курашга чақиради. Бийлар ўз олдиларига қўйилган олмадан биттадан еб, Ойдўсга содиқлигини билдирадилар. Ниҳоят, хон ва Ойдўс лашкарлари орасида қонли курашлар бошланиб кетади. Лекин кучлар тенг эмас эди. Ойдўс қўшинлари чекиниб, бир кичик қалъани мудофаа қила бошлайдилар. Хон ҳийла ишлатади: қамалда ётган Ойдўс аскарлари томон замбаракдан ўқ эмас, «қора пул» солиб орттиради. Натижада Ойдўс қўшинлари хоинлик хоинлик қилиб хон тарафига ўтишади. Ойдўс қочади, бироқ йўлда хон аскарлари томонидан ўлдирилади. Хива мадрасаларида таълим олаётган Ойдўснинг Тўра ва Риза исмли фарзандлари қирқ йигити билан Хивадан бош олиб кетадилар. Улар ҳам қонли курашларда ҳалок бўладилар.

«Ойдўс бий» поэмасининг қисқача сюжети ана шундай. Бу поэмага асос қилиб олинган тарихий воқеалар ва шоир бадиий тафаккури натижасида яратилган бадиий тўқималарни бир-бири билан таққослаш Бердақнинг эпик тасвирлаш санъати юксаклигини кўрсатади. Бердақ «Ойдўс бий» поэмасида қозоқ халқи ҳаётига тааллуқли воқеаларни эмас, балки қорақалпоқ ва ўзбек халқи ҳаётининг реал манзараларини, муштарак воқеликни санъаткорона тасвирлаб берди.

Бердақнинг «Омонгелди» ва «Эрназар бий» поэмаларида ҳам қорақалпоқ халқининг ўзбек халқи билан муштарак ҳаёти тасвирланади. Масалан, «Омонгелди» поэмасида тасвир этилган воқеалар Қўқон хони саройида бўлиб ўтади. Поэманинг асосий конфликти ҳам худди «Ойдўс бий» поэмасидаги каби қорақалпоқ халқининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, миллий мустақилликларини ҳимоя қилиш йўлидаги кураши асосига қурилади: бир томонда хонлик ҳукмдорлари, иккинчи тарафда қорақалпоқ халқи манфаатларини ҳимоя қилувчи халқ сардорлари. Бу беомон курашларда, ҳаёт ҳақиқати каби, халқ сардорлари мағлубиятга учрайдилар, бироқ халқ орасидан яна уларнинг ишини давом эттирувчилар етишиб чиқаравердилар. Жумладан, «Омонгелди» поэмасининг қисқача мазмуни шундай: Қўқон хони Музаффар ўз қармоғидаги қорақалпоқ халқидан ўзига қиз тортиқ қилишни сўрайди. Ҳукмдорнинг бу талаби табиатан мағрур халққа ёқмайди. Қорақалпоқлар ҳукмдори Ҳасан оталиқ хоннинг олдига бориб, унга қорақалпоқлар ўз қизларини бермасликларини дадил айтади. Ғазабланган хон Ҳасанни дорга остиради. Ана шу пайтда қорақалпоқ халқи қасос олишга отланади. Халқ орасидан чиққан довьюрак Омонгелди ўз тарафдорлари билан Қўқон хони саройига ҳужум қилиб, хоннинг бошини кесиб келтиради. Бердақ ўз замондошларини Омонгелдидай довьюрак бўлишга, халқ иши, миллий мустақиллиги ва ор-номусини Омонгелди каби ҳимоя қилишга даъват этади:

Омонгелдидай бўлмоққа,
Бориб хондан хун олмоққа,
Калла кесиб, қон олмоққа
Қай бирингининг чаманг келди?

Бердақ ўзининг «Аҳмоқ пошшо», «Равшан», «Омонгелди» каби асарларида тасвирлаб берган ҳодисаларга ўхшаб кетадиган воқеани чуқур дард билан куйлаб беради. Бахши куйлаган ҳикоятнинг қисқача мазмуни шундай: Аму соҳилидаги хонадонларнинг бирида Гулбиби исмли қиз вояга етибди. Унинг бекиёс гўзаллиги, сулувллиги ҳақидаги овозалар кўп элларга таралади. Ҳарамида жуда кўп хотинларга эга бўлса-да, золим Хива хони Гулбибининг майшатбоз хонни ўз ёнига йўлатмайди, мантиқан тўғри мулоҳазалар орқали хоннинг маънавий ярамаслигини фош қилади. Дарғазаб бўлган хон ўз ясовулларини чақиртириб, Гулбибини аёвсиз жазолатади: қизни чангал устига яланғоч ётқизиб, устидан қайноқ сув куйишади. Шу тариқа элнинг бир бегуноҳ фарзанди фожиали ҳалок бўлади ... Бахши Гулбиби ҳақидаги ҳикоясини тугаллар экан, Ойсанамлар тўйига келган ёшу қарини янги, порлоқ ҳаёт қадрига етишга чорлайди.

Маълум бўладики, Миртемир дoston бадий тўқимасида қаламга олган Гулбиби фожиаси Бердақнинг «Аҳмоқ пошшо» достонидаги Гулим тақдирини эслатади. Маълумки, Гулим ҳам худди Гулбиби сингари оёқ-қўли банд ҳолда мажбуран Хива хони ҳузурига келтирилади ва бу даргоҳда ёш умри хазон бўлади. «Равшан» достонининг бош қаҳрамони Равшан ўз ор-номусини мардларча ҳимоя қилади. Демак, Миртемир ҳаёт ҳақиқатини асос қилган ва Бердақ поэзиясига суянган ҳолда қорақалпоқ мавзуидаги бу илк асари орқали Хоразм воҳасида яшаган меҳнаткашларнинг икки даврдаги икки хил ҳаёт тарзини битта асар мундарижасига жо этди ва қорақалпоқ халқи турмуши, урф-одатлари ва анъаналарини чуқур ўрганган ҳолда оригинал асар яратиб, адабиётшуносликда таъкидлаганидек, 30-йиллар ўзбек поэзиясида коллективлаштириш мавзусига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилган бу достонини яратди. Бердақ асос солган адабиёт ўз замонасида гуллаб-яшнади. Қорақалпоқ адабиётида Бердақ анъаналарининг қонуний эгалари бўлган жуда кўп истеъдодлар етишиб чиқди. Бир вақтлар нисбатан кам тараққий этган, бадий ижодиётнинг қатор жанрлари бўлмаган қорақалпоқ адабиёти айни пайтда проза, поэзия ва драматургиянинг барча соҳалари ривожланган санъаткорларни етиштириб берган, қардошлар ҳамкорлигида

тобора юксакликка кўтарилаётган, бадий сўзнинг нодир асарларини кашф этаётган адабиётдир. Бердақ ижоди фақат қорақалпоқ адабиётидагина эмас, балки бошқа халқлар, жумладан ўзбек халқи орасида ҳам ўз издошларини топаётган ижоддир. Бутун умр меҳнаткаш халқнинг орзу-умидларини, унинг дардини тараннум этган бахши ва шоир Бердақ номи, унинг мангуликка мансуб асарлари ўзбек санъаткорларига ҳам азиз ва севимли.

Адабиётлар.

1. Бердақ. Танланган асарлар. Тошкент-1956.
2. Бердақ. Сайланма. Тошкент-1978.
3. Ҳайитметов А.. Бердақ ижодининг демократик характери ҳақида. Тошкент-1977.
4. Қурбонбоев. Бердақ ва ўзбек адабиёти. Т.1989.

Ўн иккинчи маъруза : Чўқон Валихонов ижоди. Режа

1. Чўқон Валихонов ҳаёти ва ижоди.
2. Ҳарбий ўқув юрти зобити.
3. Кошғарга саёхати
4. Чўқон Валихонов - қозоқ халқининг буюк олими.

Таянч сўз ва иборалар: Чукон Валихонов, «Хон ёрлигини», Осиё харитаси, «Жунгария тарихи», «Кулжа сафари кундалиги», «Кашгар сафари кундалигидан», «Киргизлар», «Хон Абилой», «Хитой империясининг гарбий улқаси ва Гулжа шаҳри», «Кукитой хоннинг оши», «Дала мусулмонлиги», «Қозоклар ҳақида ёзмалар», «Суд реформаси ҳақида», «Қозок шажараси»

Чукон Чингиз угли Валихоновнинг асл исми — Муҳаммад Ханавия бўлиб, қозок халқининг буюк олими, демократ-маърифатпарвари, тарихчиси, этнографи, фольклоршунос, сайёҳ ва жугрофидир.

Чукон Валихонов 1835 йилда Қозогистоннинг ҳозирги Қустоной вилоятида Қучмури деган жойда туғилган. У Абилойхоннинг эвараси. Чукон илк бор Қучмуридаги қозок мактабида ўқиб, арабча хат танигандан сунг, «хон боласи еттига тил билиши керак» деган гап билан Шарқ тилларини, шу жумладан, араб, чиготай, шунингдек Марказий Осиё халқлари тилларини ҳам мукамал урганди.

1847 йили 12 яшар Чуконни отаси Омскидаги кадет корпусига ўқишга беради. Унда аъло баҳолар билан ўқиган Чукон ўз дўстлари орасида обрў-эътиборга лойиқ бўлиб вояга ета бошлайди. Кадет корпусида Г.Н.Потанин билан бирга ўқийди, улар самимий дўст буладилар. Чукон ўқиб юрган вақтида Туктамишнинг «Хон ёрлигини» чуқур урганди. Бу Чукон Валихоновнинг илмий изланишидаги илк қадами эди. Шундай қилиб, 14-15 ёшдаги Чуконга кадет корпус ўқитувчилари меҳр билан ёндошиб, унга келажакдаги буюк олим деб қарай бошлайдилар. Шу пайтларда у тарих, жугрофия фанларига алоҳида эътибор бериб, кунт билан ўқиб-урғанади.

Чукон 1853 йили 18 ёшида Омскидаги кадет корпусини, яъни ҳарбий ўқув юртини тамомлагач, Сибирь қазак-рус 6-чи отлик Аскар полкининг зобити бўлиб ишга ўтади. 1861-1802 йиллари Санкт-Петербург университетининг тарих-филология факультетида маърузалар тинглаб, илмий савиясини ошириб боради.

Ҳарбий Сибирь генерал-губернаторлигида хизмат қилган Чукон Валихонов, Хитой ва Марказий Осиёга уюштирилган илмий-текшириш экспедицияларида иштирок этади. 1858-

1859 йилларда Кошгарга саёхат килади, 1855 йили Омскидан Семипалатинскийга, шунингдек Аякуз, Копал оркали киргиз Олатогларигача булган ерлар билан танишади. Кайтишида, Жонгор оркали Олакул, Тарбогатойга саёхат килади. Сунг Марказий Козогистон - Коргорали, Бояновул, Кукчатов оркали юриб, кузда Омскига кайтади. Мана шу сафарларида у козок, киргиз огзаки ижод дурдоналарини ёзиб олиб, тарихий ва этнографик материаллар туплай бошлайди ва илмий изланишлар олиб боришга киришади.

Чукон Валихонов 1860-1861 йиллари Санкт-Петербургда яшаган пайтларида рус демократлари, олимлари билан яқиндан алоқа боғлаб, Фанлар академияси ва Рус жугрофия жамияти ишларида фаол катнашади. Осиё харитасини тузишда яқиндан ёрдам беради. У тарих, жугрофия, сиёсий иқтисод, этнография, археология, фольклоршунослар соҳаларида илмий асарлар яратади. Бу уринда унинг «Жунгария тарихи», «Кулжа сафари кундалиги», «Кашгар сафари кундалигидан», «Киргизлар», «Хон Абилой», «Хитой империясининг гарбий улқаси ва Гулжа шаҳри», «Кукитой хоннинг оши», «Дала мусулмонлиги», «Козоклар ҳақида ёзмалар», «Суд реформаси ҳақида», «Козок шажараси» каби асарлари Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Гарбий Хитой, козок, киргиз, уйғур каби халқларнинг этнографияси, турмуши, маданиятини урганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу асарлар факат далил-ашёлари билан эмас, чуқур умумлаштирилган илмий ҳулосалари билан ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Уларда мазкур улқаларнинг жугрофий, табиий, ижтимоий-маънавий утмиши буйича нихоятда қимматли материаллар бор.

Чукон Валихонов уша саёхат жараёнида халқ огзаки дурдоналарини, шу жумладан, эртақ ва афсоналарни, достонларни, халқ қушиқларини ёзиб олган эди. Кейинчалик «Кузи Курпеш-Баян сулу» достонини рус тилига таржима қилиб, И.Н.Березин тарафидан яратилган Хрестоматияга қиритган.

Чукон халқ огзаки ижодини чуқур илмий урганиб, «Козокнинг халқ достонларининг турлари ҳақида», «Урта юз козокларининг афсона-эртақлари тугрисида», «XVIII аср ботирлари ҳақида тарихий афсоналар» каби илмий тадқиқотларини яратди. У козок халқининг ботирлари ҳақидаги эпик асарларнинг хинду-херман эпосларига ухшашлигини биринчи бўлиб айтган олимдир. «Ер қукча» достони XIV—XVI асрда яратилган бўлиб, Ер Қукча пахлавон тарихий шахс эканлигини исботлаб берди.

Киргиз халқ достони «Манас»нинг қуп қисмини ёзиб олган, рус тилига уғирган ва чуқур урганган эди. Бу асарни «Илиада», «Одиссея» асарлари билан бир қаторга қуйиб, юксак баҳо берган ҳам Чукон Валихонов эди.

У Уғизхон замонларидан бўён ривожланиб келаётган козок фольклорини атрофлича тадқиқ этиб, Уринбой, Чужа, Аристонбой, Кампирбой, Жонок каби оқинларнинг ижодини юқори баҳолади.

У козок адабиёти тарихида биринчи бўлиб, козок шеър қурилишини илмий урганиб, козок шеъриятининг узига ҳос хусусиятларини очиқ берди. Чукон Валихонов узининг «Козок халқ поэзиясининг турлари ҳақида» деган илмий-назарий мақоласида козок шеъриятини «Жыр», «Улан», «Кора улан», «Қайим улан», «Йулов улан» турларга бўлиб илмий талқин этди.

Чукон Валихоновнинг мусаввирлик фаолияти ҳам козок тасвирий санъат тарихида алоҳида урин эгаллайди. Ундан бизгача 150 га яқин ранг-баранг тасвирий санъат асарлари етиб келган. У яратган расмлар XIX асрнинг 60-йилларининг бошларидаёқ «Всемирная иллюстрация», «Искра», «Русский художественный лист» каби журналлар ҳамда Рус жугрофия жамиятининг «Хабарномасида» эълон этилган.

Чукон Валихонов подшоҳ Россияси тузумини, мустамлакачилик зулмини кескин танқид қилди, рус маданиятини тарғиб қилди, козок халқини қучманчиликдан утрок ҳолатга утишга даъват этди, маърифатли бўлишга чақирди. Д.И.Менделеев, П.П.Семенов-Тяньшанский, Г.Н.Потанин каби рус олимлари билан ижодий мулоқотда бўлди. В.Г.Белинский, Н.Г.Чернышевский ижодлари таъсири остида козок ижтимоий-фалсафий фикрида биринчи бўлиб реалистик аъёналарни илғари сурди. 1860 йили Рус жугрофия жамиятига аъзо булган Чукон Валихонов рус мустамлакачилиги туфайли бўлаётган адолатсизликларни ҳам секин-аста тушуна бошлади.

Чукон Валихонов(1835-1865) факат козок халқи тарихидагина эмас, Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида ижтимоий тафаккур тараккиёти тарихида алоҳида урин тутган улкан

олимдир. Унинг бой ва ранг-баранг илмий тадқиқотлари Туркистон халқларининг муштарак маданий-маънавий мулкидир.

Адабиётлар :

1. Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент. 1997.

Мустақил таълим соатлари:

- 1- Мавзу: Муҳаммад Фузулийнинг ижодий фаолияти
- 2 – Мавзу: “Қўрқут ота китоби” - Озарбайжон халқ қаҳрамонлик эпоси.
- 3 – Мавзу: Азиз Несиннинг сатирик ҳикоялари
- 4 – Мавзу: Танланган мавзу бўйича рефератга материал йиғиш.
- 5 – Мавзу: Низомий Ганжавий ижодий фаолияти
- 6 – Мавзу: Абайнинг «Насихатлар» асарини ўрганиш.
- 7 – Мавзу: Миремирнинг «Қорақалпоқ дафтари» асарида қорақалпоқ халқи ҳаётини ёритилиши.
- 8 – Мавзу: Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темури” драмасини ўрганиш
- 9 – Мавзу: “Манас”- қирғиз халқ эпосини учун реферат материалларини тўплаш.
- 10 - Мавзу: Махтумқули ижодини Ўзбекистонда ўрганилиши.
- 11 - Мавзу: Бердак ва ўзбек адабиёти мавзусида реферат ёзиш
- 12 – Мавзу: Т.Қайиббергановнинг “Сахро булбули” драмасида Бердак образи.
- 13 – Мавзу: Т.Қайиббергановнинг “Қорақалпоқнома” роман-эссесини ўрганиш ва реферат ёзиш
- 14 – Мавзу: Ч.Айтматов ва ўзбек адабиёти мавзусида реферат ёзиш.
- 15 – Мавзу: Ғ.Ғулом ва С.Муқонов ижоди. Ўзбек ва қозоқ адабиёти адабий алоқаларига доир.

Адабиётлар.

1. Фузулий Асарлар. 2-томлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967.
2. Азиз Несин. Мушт кетди. Сатирик ҳикоялар. Т., «Ёш гвардия». 1963.
3. Н.Жовуд. “Амир Темури” драма. // Жаҳон адабиёти, 1998. № 1
4. Т.Қайибберганов “Сахро булбули”. Драма. // Жаҳон адабиёти, 2002, № 1
5. Манас. Т. 1994
6. Айтматов Ч. Танланган асарлари. Т. 1978
7. Бердак. Танланган асарлар. Т. 1956.
8. Қурбонбоев. Бердак ва ўзбек адабиёти. Т. 1989.
9. Қуронбоев К. Махтумқули шеърлари Ўзбекистонда. Т. 1978.
10. Манас. Қирғиз халқ эпоси. Т. 1992.
11. Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. Девон. Т. 1968.

МУНДАРИЖА

Кириш.....

1. Маъруза. Озарбайжон адабиёти.
2. Маъруза.. Қўрқут ота китоби
3. Маъруза Низомий Ганжавий ижоди
4. Маъруза Қозоқ адабиёти
5. Маъруза. Мухтор Авезов ижоди.
6. Маъруза. Туркман адабиёти.
7. Маъруза.. Махтумқули шеърляти
8. Маъруза. Қирғиз адабиёти
9. Маъруза. Манас- қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси
10. Маъруза. Чингиз Айтматов ижоди
11. Маъруза. Қорақалпоқ адабиёти
12. Маъруза. Бердақ ижоди
13. Мустақил таълим соатлари